Необходимость правового установления отношений в области административных процедур обусловлена необходимостью урегулирования правом взаимоотношений, складывающихся между органами государственной власти, с одной стороны, и многочисленными неподчиненными субъектами: гражданами, организациями с другой. Эти отношения по своему характеру связаны не с привлечением названных субъектов к ответственности, а с реализацией прав и исполнением обязанностей граждан и организаций, а также совершением юридически значимых действий в отношении заявителей.

Если совершаемые в рамках административных процедур действия или принятые административные решения нарушают права и свободы граждан, то последние имеют право обжаловать соответствующие действия или решения в вышестоящий административный орган (вышестоящему должностному лицу). Во многих странах установлено правило, согласно которому гражданин вправе подать жалобу в суд лишь тогда, когда им использованы все нормативно установленные возможности административного обжалования. В специальных законах определяется, до какого уровня может доходить внутриведомственная проверка решений по тем или иным вопросам (как правило, административная проверка действий должностных лиц или их решений ограничивается одной или двумя инстанциями). Таким образом, законодательство об административных процедурах обуславливает необходимость принятия законов, устанавливающих порядок реализации права гражданина на обращение в суд с иском (или жалобой) на противозаконный административный акт должностного лица.

Административные процедуры включаются законодателем в правовую систему и в структуру современного правового государства вообще, а в систему осуществления исполнительной власти, в частности, из-за необходимости внесения в организацию и функционирование публичной власти надлежащего порядка, обеспечения соблюдения принципа законности, установления гарантий полезности, эффективности и открытости административных действий.

Созданию административных судов будет способствовать развитие законодательства об управленческом процессе, управленческих производствах или процедурах, например, о порядке принятия нормативных или ненормативных правовых актов управления, заключения административных договоров, совершения различных управленческих действий, планирования управленческих мероприятий или проведения работ в сфере управления. Во многих странах действуют специальные законы об управлении или законы о про-

цессуальной деятельности в сфере управления (административно-процессуальные кодексы).

Правовая регламентация административных процедур в деятельности должностных лиц и государственных служащих будет способствовать ликвидации юридических коллизий, так как соответствующие административные процедуры станут обеспечивать законность практического осуществления административно-правового статуса должностных лиц, т.е. они не будут выходить за пределы принадлежащих им полномочий и нарушать компетенцию государственных органов. Во многих странах уже несколько десятилетий действует законодательство, содержащее нормы об административных процедурах. Соответствующие законы регламентируют не только спорные (или негативные) процедуры (когда имеет место спор между гражданином и администрацией или совершено административное правонарушение), но и неспорные (позитивные) процедуры (когда такого спора не существует).

В современных условиях невозможно говорить об административных процедурах, не учитывая степени их научной проработки, правовой оформленности и юридической легитимации. Административные процедуры, как бы они не понимались в теории административного права и практике государственного управления, связываются с созданием специального правового порядка в осуществлении тех или иных управленческих действий либо принятии соответствующих административных решений. Следовательно, административные процедуры необходимо рассматривать как важнейший административно-правовой институт, логически вписывающийся в структуру административно-правового регулирования.

Если проанализировать существующие в современной литературе мнения ученых о сущности, назначении, перспективах законодательного регулирования и отраслевой принадлежности административных процедур, то можно констатировать, что административные процедуры рассматриваются в следующих аспектах или темах современного административного права: формы осуществления исполнительной власти; правовые акты управления (или административно-правовые акты); административный процесс; урегулирование правовых споров; административная юстиция, защита прав и свобод человека и гражданина.

Как считает профессор Университета МИЭ (Япония) Ш.Кодама, в рыночных условиях необходимо такое административное право, которое обеспечивает должное регулирование и распределение ресурсов в соответствии с рыночной экономикой на основе правового взгляда, по которому отношения между государством и гражданами становятся правовыми и обязательственными отношениями только согласно закону. Переход к рыночной экономике без реформирования деятельности административных органов при отсутствии изменений в содержании административного права означает, что управление будет осуществляться только односторонними приказами административных органов и произвольными решениями государственных служащих.

Закон об административных процедурах не только предотвращает осуществление административной деятельности в приказном одностороннем порядке, но и одновременно не допускает принятия административных актов в судебном порядке [4, 35-стр.].

Как отметил профессор Нагойского университета (Япония) К.Ичихаши, в Японии «Закон об администра-

тивных процедурах» был принят в 1993 году. Принятием общеобязательного Закона об административных процедурах, регулирующих административные процедуры в различных сферах государственного управления, предполагалось создать справедливое, прозрачное и «открытое» государственное управление, к которому будет проявляться доверие как внутри Японии, так и в зарубежных странах [2, 63-64-стр.].

По мнению германского административиста Й.Пудельки, под административными процедурами понимаются исключительно процедуры, осуществляемые административными органами. Значит, речь идет об этапе, предшествующем началу судебного процесса. В отличие от этого, административно-судебный процесс касается всех вопросов, начиная с подачи иска, принятия судебного решения и заканчивая приведением его в исполнение (если это необходимо) [6, 35-стр.].

Развитие административного законодательства непосредственно связано с экономическим развитием. Принятие закона об административных процедурах в странах Восточной Азии было ответом на развитие интернационализации экономики, пишет профессор Университета Рюкоку (Япония) Т.Хонда. Для того, чтобы иностранные предприятия и лица беспрепятственно вели экономическую деятельность на рынке определенной страны, для этой страны становится необходимым существование общепринятых административных процедур. Японский эксперт считает, что принятие данного закона покажет стране и зарубежным странам приверженность Узбекистана правовой системе, которая, согласно международным стандартам, будет защищать права частных лиц.

Закон об административных процедурах не является кодексом чести для служащих административных органов. Бенефициарами закона об административных процедурах являются граждане [9, 150-152-стр.].

Авторы учебника по административному праву, изданного в Узбекистане в 2012 году считают, что закон должен установить единые правовые стандарты администрирования, обязательные для всякого административного органа или должностного лица независимо от сферы и отрасли государственного управления. На основе рамочных требований закона должна быть разработана система правовых стандартов администрирования, учитывающая как базовые универсальные требования, так и специфику управленческих вопросов в отдельных отраслях и сферах. Речь идет о создании целостного механизма регулирования административно-управленческого процесса. Только при такой системной регламентации администрирования можно ожидать, что административные органы в масштабах всей страны будут справляться с возложенными на них задачами качественно и эффективно.

Административные процедуры, по сути, и есть система правовых стандартов, регламентирующих процесс администрирования. Они позволяют организовать администрирование так, чтобы оно действовало в соответствии с установленной мерой публичной власти и действительно служило общему благу [8, 409-410-стр.].

Казахстанские ученые считают, что административные процедуры представляют собой урегулированный административно-процессуальными нормами порядок действий органов исполнительной власти, направленный на осуществление компетенции, оказание государственных услуг гражданами и их объединениям по реализации прав, свобод и исполнения обязанностей и не связанный с рассмотрением админи-

стративно-правовых споров и применением мер административного принуждения. В данной дефиниции отражены основные элементы административной процедуры, а именно: а) стороны процедуры; б) «набор» юридических действий и актов, совершаемых и принимаемых сторонами; в) временные параметры (сроки, продолжительность, периодичность и т.д.) [1, 218-219-стр.].

По мнению российского ученого-правоведа Ю.Н.Старилова, проблема упорядочения административных процедур неразрывно связана с обеспечением режима законности в сфере государственного управления, совершенствования государственного аппарата, системы его внутренних и внешних связей, а также реализации прав и свобод граждан и организаций.

По его мнению, административные процедуры – это способ обеспечения законности. Нормативное установление процессуальных правил в публичном управлении послужит целям обеспечения законности, прежде всего, тем, что урегулирует фактические отношения, закон придаст им формальную определенность и тем самым не допустит злоупотребления правом либо существенно ограничит такое злоупотребление. Поэтому стремление законодателей создать качественный с точки зрения содержания и системы процедурных норм закон «Об административных процедурах» является своевременным и правильным шагом в направлении построения правового государства и, следовательно, в ограничении произвольного и неправомерного должностного поведения государственных служащих.

Старилов Ю.Н. считает, что актуальность полномасштабного исследования административных процедур и потребность в законе «Об административных процедурах» обусловлены необходимостью:

- установления надлежащего порядка осуществления управленческих действий в рамках важнейших форм публичного управления;

- теоретического анализа понятия позитивной административной процедуры, а также сущности, признаков и места административных процедур в системе соответствующей отрасли права;

- критического анализа существующего правового регулирования позитивных административных процедур, прежде всего, с точки зрения его полноты, эффективности и соответствия современным общественным отношениям, которые эти процедуры призваны упорядочивать;

- создания теоретической базы для новой нормативной основы административных процедур – Закона «Об административных процедурах»;

- учета широкой распространенности административных процедур в практике государственного управления, а также участия в них множества физических и юридических лиц [7, 489-490-стр.].

Обобщая мнения учёных, важность и актуальность принятия закона «Об административных процедурах» обуславливается следующими факторами:

- во-первых, вводятся открытые и прозрачные процедуры взаимоотношений государства и гражданина;

- во-вторых, правовая регламентация административных процедур повышает эффективность обеспечения прав и свобод граждан и, соответственно, развития институтов гражданского общества;

- в-третьих, развитие административного законодательства непосредственно связано с экономическим развитием. Для зарубежных инвесторов важно наличие в стране их деятельности административных про-

цедур, соответствующих международным стандартам и защищающих права частных лиц;

– в-четвёртых, практика ведущих государств мира показывает, что принятие закона «Об административных процедурах» повышает эффективность антикоррупционного законодательства страны.

В Узбекистане ведётся работа в этом направлении. В частности, в декабре 2012 года был принят Закон «О разрешительных процедурах в сфере предпринимательской деятельности», подготовленный в целях создания единой нормативно-правовой базы разрешительной системы, унификации условий и порядка прохождения разрешительных процедур в уполномоченных государственных органах, устранения излишних бюрократических барьеров при осуществлении разрешительных процедур в сфере предпринимательской деятельности, обеспечения полной прозрачности управленческих действий, затрагивающих права и законные интересы субъектов предпринимательства.

Вместе с тем, должны существовать единые правила совершения различного рода распорядительных действий по реализации запретов, разрешений, дозволений и прямых предписаний, контрольно-надзорных, разрешительных, регистрационных и прочих полномочий, реализуемых субъектами исполнительной власти.

В соответствии с Распоряжением Президента Республики Узбекистан от 25 июня 2014 года № Р-4305 «О Программе законотворческих работ по реализации поправок к Конституции Республики Узбекистан» поручено разработать проект Закона «Об административных процедурах».

Согласно «Программе действий Кабинета Министров на ближайшую и долгосрочную перспективу», представленной на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса 23 января 2015 года, ставится задача – решительно искоренять остатки административно-командной системы и устаревшие методы управления, обеспечить дальнейшее углубление осуществляемых экономических реформ. Правительство подготовит и внесет в парламент соответствующие предложения по совершенствованию законодательства в сфере административных процедур, предусматривающих внедрение современных методов в работе органов исполнительной власти, усиление механизма внутриведомственного контроля, повышение ответственности должностных лиц за результативность принимаемых ими решений. [5]

Для обеспечения защиты прав граждан и организаций во многих странах мира на протяжении многих лет (Франция, Германия, Япония, Корея и др.) используется также специальная система судебного контроля за деятельностью органов государственного управления и их должностных лиц, больше известная как административная юстиция.

Административное судопроизводство базируется на ряде правовых категорий, среди которых важнейшее значение имеет категория «административно-правовой спор». Несмотря на попытки правового регулирования административных процедур в законодательстве, при реализации органами исполнительной власти форм и методов возникают противоречия и, как следствие, административно-правовой спор.

Административно-правовой спор – это разногласия между субъектами административно-правовых отношений по поводу законности административных актов, возникающие в связи с реализацией, применением,

нарушением либо установлением правовых норм в сфере публичного управления и разрешаемые в рамках определенной правовой процедуры.

Административная юстиция – это правосудие, это специализированная судебная ветвь власти. Административный элемент просматривается в её организации, механизме функционирования, характере разрешаемых дел.

Её отличительное свойство – это участие в административно-правовом споре публичного органа (органа исполнительной власти, должностного лица), решение которого может быть обжаловано. В результате судебного разрешения конфликта в публичной сфере неправомерный административный акт признается недействительным и (или) отменяется.

Сущность и ключевая цель административной юстиции – охрана субъективных публичных прав граждан от незаконных административных актов (действия, бездействия) уполномоченных органов (должностных лиц), выполняющих исполнительно-распорядительные функции, а также субъективные частные права граждан (например, право собственности). Кроме ключевой цели, следует указать такую цель, как обеспечение законности в государственном управлении. Лицо, считающее свои субъективные публичные права нарушенными, обращается в суд с административным иском.

В настоящее время в Узбекистане действует так называемая общесудебная модель организации административной юстиции. Суть её состоит в том, что рассмотрение и разрешение административных споров осуществляется судами общей юрисдикции и хозяйственными судами в рамках гражданского и хозяйственного процесса. Специализированные органы для разрешения административных споров и отдельное административно-процессуальное законодательство в нашей стране пока ещё не сложились.

Организация и отправление административной юстиции регулируется различными законодательными актами. Во-первых, это акты о судостроительстве (Глава XXII Конституции Республики Узбекистан, Закон Республики Узбекистан «О судах»). Во-вторых, к ним относятся законы, определяющие порядок судопроизводства, а именно, Гражданский процессуальный кодекс и Хозяйственный процессуальный кодекс Республики Узбекистан. В-третьих, это законодательные акты, устанавливающие общие и специальные основания для обжалования действий и решений административных органов (Закон «Об обжаловании в суд действий и решений, нарушающих права и свободы граждан», Кодекс Республики Узбекистан об административной ответственности, Таможенный кодекс Республики Узбекистан, Налоговый кодекс Республики Узбекистан и др.).

Вместе с тем, недостатком сложившейся системы законодательства об административной юстиции является отсутствие в сфере административного судопроизводства (в отличие от других видов судопроизводства) специальной процессуальной формы, соответствующей его особенностям. Гражданский процессуальный кодекс и Хозяйственный процессуальный кодекс не дают ответа на принципиально важные вопросы, касающиеся административного судопроизводства.

Требуют своего разрешения и вопросы правового обеспечения системы опубликования и гласности, выносимых по административным делам решений, даю-

щего реальную возможность для осуществления общественного контроля, определения подсудности в административной юстиции.

Как подчеркнул Президент Республики Узбекистан И.А.Каримов: «В Конституции чётко определено, что наша главная цель – построить не только демократическое правовое государство, а и справедливое общество... Наша Конституция, в отличие от старой советской конституции, закрепив приоритет прав, интересов и свобод человека над государственными интересами, определила своей сутью создание достойных условий жизни для людей, провозгласила принципы социальной справедливости как основу всех направлений нашего законодательства» [3].

В этой связи, представляется целесообразным последовательное развитие норм, регламентирующих административный процесс и компетенцию органов административной юрисдикции и после принятия закона «Об административных процедурах», рассмотреть вопрос о подготовке для административно-процедурной деятельности проекта Административно-процессуального кодекса для усиления системности административной юстиции в Республике Узбекистан.

Список литературы:

1. Административное право: учебный курс / под ред. Р.А.Подопригоры. – Алматы: Налоговый эксперт, 2010. – С. 218-219.

2. Ичихаши К. Правовое содействие Японии проекту закона Республики Узбекистан об административных процедурах / Материалы Международной конференции на тему: «Административная реформа в Республике Узбекистан: опыт и проблемы правового регулирования», 29-30 сентября 2007 года. / Отв. ред. М.Х.Рустамбаев и др. – Ташкент: Издательство «KONSAUDITINFORM-NASHR», 2008. – С. 63-64.

3. Каримов И.А. Наша главная задача - поднять на новый уровень реформирование и демократизацию общества, модернизацию страны // Доклад Президента И.А.Каримова на торжественном собрании, посвященном 23-й годовщине Конституции Республики Узбекистан. – Газета «Правда Востока» от 6 декабря 2015 года.

4. Кодама Ш. Реформа института административных процедур в Узбекистане в рамках правового сотрудничества с Японией / Материалы Международной конференции на тему: «Административная реформа в Республике Узбекистан: опыт и проблемы правового регулирования.», 29-30 сентября 2007 года. / Отв. ред. М.Х.Рустамбаев и др. – Ташкент: Издательство «KONSAUDITINFORM-NASHR», 2008. – С. 35.

5. Программа действий Кабинета Министров на ближайшую и долгосрочную перспективу. – Газета «Правда Востока» от 27 января 2015 года.

6. Пуделька Й. Административные процедуры и административно-судебный процесс. // Административная юстиция: к разработке научной концепции в Республике Узбекистан. Материалы Международной конференции на тему: «Развитие административного права и законодательства Республики Узбекистан в условиях модернизации страны», 18 марта 2010 года. / Отв. ред. Л.Б.Хван. – Ташкент: Издательство «ABU MATBUOT-KONSALT», 2011. – С. 35.

7. Стариков Ю.Н. Из публикаций последних лет: воспоминания, идеи, мнения, сомнения...: сборник избранных научных трудов / Ю.Н.Стариков, Воронеж-

ский государственный университет. – Воронеж: Издательство Воронежского государственного университета, 2010. – С. 489-490.

8. Хамедов И.А., Хван Л.Б., Цай И.М. Административное право Республики Узбекистан. Общая часть: Учебник. – Ташкент: KONSAUDITINFORM-NASHR, 2012. – С. 409-410.

9. Хонда Т. Вопросы и задачи реформирования административной процедуры / Материалы Международной конференции на тему: «Административная реформа в Республике Узбекистан: опыт и проблемы правового регулирования» 29-30 сентября 2007 года. / Отв. ред. М.Х.Рустамбаев и др. – Ташкент: Издательство «KONSAUDITINFORM-NASHR», 2008. – С. 150-152.

С.АширбоевТошкент давлат педагогика
Университети профессори, филология фанлари
доктори**С. Барлибоева**Тошкент давлат педагогика
университети 2-курс магистранти**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ МАТНИДАГИ ТИПИК
АНОМАЛ ҲОЛАТЛАРНИ КОРРЕКЦИЯЛАШ
МАСАЛАЛАРИ**

Аннотация: мақолада Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида қонун тилига қўйилган талаблар, қоидалар таҳлил қилинган. Қонун ҳужжатлари матнида учрайдиган типик аномал ҳолатлар кўрсатилиб, уларни коррекциялаш бўйича таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: қонун ҳужжатлари тили, давлат тили, ҳуқуқий ҳужжат матни, қонун ижодкорлиги, оддий ва раво жумла, ҳуқуқий нормани баён этиш.

Аннотация: в данной статье проанализированы правила и требования предъявляемые к языку закона в законодательных актах Республики Узбекистан, указаны типичные аномальные явления в текстах законодательных актов, даны предложения по их корректировке.

Ключевые слова: язык законодательных актов, государственный язык, текст правового документа, законотворчество, простое и понятное предложение, изложение правовой нормы.

Annotation: this the rules and requirements for the language of law in the legislative acts of the Republic of Uzbekistan are analyzes in the article. Typical anomalous phenomena in the texts of legislation are presented with some suggestions offered to correct them.

Key words: language of legislative acts, state language, text of a legislative act, lawmaking, simple and clear statement, statement of a legal norm.

Қонунларни ҳаётга жорий этишда қонун ҳужжатлари тилининг ўрни муҳим. Негаки, азалдан тил алоқа воситаси сифатида хизмат қилиб, инсонларнинг ўй-фикри, дунёқарашининг ифодаси бўлиб келган. Қонун тилининг содда, тушунарли ва тил қоидалари асосида баён этилган эса жамиятда тартиб ўрнатишга хизмат қиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мақсад ҳамда вазифасини фуқаролар учун ҳар томонлама тушунарли бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

Юртбошимиз И.Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида шундай фикрларни келтирган: “Олий Мажлис, ҳукумат ва қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган бошқа субъектларнинг энг муҳим вазифаси шундан иборат бўлиши керакки, улар қонунлар ва уларни ҳаётга жорий этиш механизмларини ҳар томонлама пухта ишлаб чиқиши зарур. Токи бу қонун ва механизмлар ҳаётдаги аниқ муносабатларни кенг миқёсда амалда тартибга солиб борсин, бу муносабатларда иштирок этаётган ҳар бир субъект ўз ўрнини билсин ва ўз фаолиятида қонун талабларига асослансин” [1].

“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги [2], “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик

палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги [3], Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиладиган қонун лойиҳаларини ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига тақдим этилган қонунларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш Қоидалари [4], Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Услубий кўрсатмалар [5] ва бошқа қонун ҳужжатларида, ҳуқуқий ҳужжатлар матнига қўйилган талаблар қаторида, қонун ҳужжати матнининг лўнда, аниқ, оддий, тушунарли ва раво тилда баён этилиши кераклиги шарт қилиб қўйилган.

Мазкур талаб асосида айрим қонун ҳужжатлари матнини таҳлил қилиб кўрамиз. Хусусан, “Истеъмомчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги [6] Қонунга тўхталиб ўтсак. Мазкур Қонуннинг “Истеъмомчининг савдо ва бошқа хизмат кўрсатиш турлари соҳасида шартнома тузиш ҳамда сотиб олинаётган товар (иш, хизмат) сифатини текшириш ҳуқуқи” деб номланган 8-моддасининг 1-қисмида: “Истеъмомчи шартнома тузиш йўли билан товарни (иш хизмат)ни эркин сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлиб, бу шартномага кўра сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) истеъмомчига муайян миқдордаги ва мақбул сифатли товарни мулк қилиб топшириш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) мажбуриятини, истеъмомчи эса, шартлашилган пулни тўлаш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар”, деб кўрсатилган.

Ушбу қисм мураккаб баён этилган бўлиб, уни тушунишда қийинчилик юзага келади. Матнда “товарни (иш, хизмат)ни” деган сўзда “ни” келишиқ кўшимчаси икки марта ишлатилган ва қавсдан ташқарида қўйилган “ни” кўшимчаси бевосита яна “товарни” сўзига тааллуқлилигини кўрсатади, натижада “товарини” ҳосил бўлишига сабаб бўлади. Шунинг учун мазкур сўзни “товар (иш, хизмат)ни” тарзида ифодалаш лозим. Шу билан бирга Қонунда мазкур сўзни яна “товарларни (ишларни, хизматларни)” шаклида ҳам ифодаланганини кўрамиз, уни “товар (иш, хизмат)ларни” шаклида ёзиш тўғририроқ бўлади. Шу сабабли мазкур матрни қуйидагича ифодалаш мақсадга мувофиқ бўлар эди:

“Истеъмомчи товар (иш, хизмат)ни эркин сотиб олиш ҳуқуқига шартнома тузиш йўли билан эга бўлади. Сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) бу шартномага кўра истеъмомчига муайян миқдордаги ва мақбул сифатли товарни мулк қилиб топшириш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) мажбуриятини олади. Истеъмомчи эса шартлашилган пулни тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади”.

Шунингдек, мазкур модданинг 3-қисмида: “Томонлар ўртасида шартнома нарсаси, миқдор, нарх ва бошқа муҳим шартлар тўғрисида келишувга эришилса, истеъмомчи билан ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) ўртасида шартнома тузилган ҳисобланади”, деб белгиланган. Бу матнда ҳам сўз танлашда ноаниқлик бор, яъни гап ўзбек тили грамматикаси қоидаларига мос келмайди. Бу ўринда шу қисм матнини қуйидагича ифодалаш мақсадга мувофиқ бўларди: “Истеъмомчи билан ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) ўзаро нарса, миқдор, нарх ва бошқа муҳим шартлар тўғрисида келишувга

эришса, томонлар ўртасида шартнома тузилган ҳисобланади”

Қонуннинг 7-моддасида куйидагича қисм мавжуд: “сотиб олинган товар (иш, хизмат)дан кўзланган мақсадда фойдалана олмасликка сабаб бўлса, истеъмолича тегишли маълумот оқилона қисқа (кўпи билан уч кунлик) муддатда берилишини талаб қилишга ҳақлидир”.

Мазкур қоидадаги “оқилона” сўздан нотўғри фойдаланилган, мазкур тузилган гап структурасида бу сўз ўринсиз келтирилган. Вақтга нисбатан “қисқа” сўзининг ишлатилиши етарли.

“сотиб олинган товар (иш, хизмат)дан кўзланган мақсадда фойдалана олмасликка сабаб бўлса” гапида ҳам ғализлик мавжуд. Бу ғализликни “товар (иш, хизмат)” сўзига “дан” келишиқ қўшимчасини қўшилгани келтириб чиқармоқда. Гапни бу қўшимчасиз ифодалаб кўрамиз. “сотиб олинган товар (иш, хизмат) кўзланган мақсадда фойдалана олмасликка сабаб бўлса”. Таҳлил қиламиз: “сабаб бўлса” нима сабаб бўлса? “товар (иш, хизмат)”. Қайси товар (иш, хизмат)? “сотиб олинган”. Нимага сабаб бўлса? “кўзланган мақсадда фойдалана олмасликка”.

Бу тарзда матнларнинг мураккаб тузилиши, тушунарсизлигини Қонуннинг 17-, 19-, 27-моддаларида ҳам кўриш мумкин.

Буларнинг барчасида ҳатто ҳуқуқшунос ҳам илғаб олиши қийин бўлган қоидалар, шартлар битта гапга жамланган.

Яна бир норматив ҳуқуқий ҳужжат – “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддасидан куйидаги гапни баён этилишини таҳлил қиламиз:

“Ҳар бир фуқаро давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида оилага тааллуқли масалалар, ўзида ижтимоий аҳамиятли касалликлар ва атрофдагилар учун хавфли бўлган касалликлар бор-йўқлиги юзасидан, никоҳ ва оила муносабатларининг тиббий-руҳий жиҳатлари юзасидан бепул маслаҳатлар олиш, шунингдек тиббий-ирсий ҳамда бошқа масалалар юзасидан маслаҳатлар олиш ва текширувдан ўтиш ҳуқуқига эга” [7].

Бунда “оилага тааллуқли масалалар” сўз бирикмаси нотўғри танланган. Сабаби қоида оилага тааллуқли бўлган барча масалалар бўйича эмас, балки оила соғлиғига алоқадор масалалар ҳақида гап кетмоқда. Шу сабабли гапда “оила соғлиғига алоқадор масалалар” деган сўз бирикмасини ишлатиш ўринлироқ. Бундан ташқари, матнни янада соддалаштириб куйидагича ифодалаш мумкин:

“Ҳар бир фуқаро давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида оила аъзолари соғлиғига тааллуқли (ўзида ижтимоий, атрофдагилар учун хавфли бўлган касалликлар бор йўқлиги юзасидан, никоҳ ва оила муносабатларининг тиббий руҳий жиҳатлари, тиббий ирсий ва оила соғлиққа оид бошқа) масалалар юзасидан бепул маслаҳатлар олиш ва текширувлардан ўтиш ҳуқуқига эга”.

Қолаверса, “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомда [8] ифодаланган қоидалар матнига ҳам эътибор берамиз.

“Меҳнат дафтарчаси мавжуд бўлмаганда, шунингдек меҳнат дафтарчасида зарур ёзувлар бўлмаган ёки меҳнат фаолияти даврлари тўғрисида нотўғри ва ноаниқ ёзувлар мавжуд бўлган ҳолларда, иш стажини тасдиқлаш учун (иш билан банд шахснинг иш стажидан ташқари) маълумотномалар,

буйруқлардан кўчирмалар, шахсий ҳисобварақлари ва иш ҳақи бериш учун ведомостлар, меҳнат шартномалари (контрактлар), архив маълумотномалари ва меҳнат фаолияти даврлари тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлган бошқа ҳужжатлар қабул қилинади”.

Мазкур қонданинг бунақа мураккаб ифодаланиши уларни тўғри тушуниб олишда тўсиқларни келтириб чиқариши мумкин. Шу сабабли матнни соддалаштиришга ҳаракат қилиш лозим. Масалан, куйидагича:

“Меҳнат дафтарчаси, ундаги зарур ёзувлар бўлмаса ёки унда меҳнат фаолияти даврлари тўғрисида нотўғри ва ноаниқ ёзувлар мавжуд бўлса, иш стажини (иш билан банд шахснинг иш стажидан ташқари) тасдиқлаш учун куйидагилар:

маълумотномалар;
буйруқлардан кўчирмалар;
шахсий ҳисобварақлари;
иш ҳақи бериш учун ведомостлар;
меҳнат шартномалари (контрактлар);
архив маълумотномалари;
меҳнат фаолияти даврлари тўғрисидаги маълумотлар ва бошқа ҳужжатлар қабул қилинади”.

Ёки ушбу Низомда асосий тушунчалар қаторида берилган куйидаги таърифга аҳамият қаратамиз.

“**Банд шахс** - ўзини иш билан мустақил таъминлайдиган ва иш вақтини ҳисобга олиш мумкин бўлмаган жисмоний шахс, тадбиркор, шу жумладан, юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи, бевосита қорамол **ўстирадиган** ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотадиган шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалигида банд бўлган шахс, шунингдек оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик субъекти”. Мазкур тушунча таърифида “ўстирмоқ” феъли “қорамол” билан семантик жиҳатдан нотўғри бириктирилган. Сабаби “ўстирмоқ” феъли семантик жиҳатдан “гул, ўсимлик ва бошқалар”га нисбатан бирикма ҳосил қилади. Бу ўринда унинг ўрнига “**етиштирмоқ**”, ёки “**боқмоқ**” феъли ёрдамида фикр баён қилинса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хулоса қилиб айтганда, қонунларни тўғри англашда унинг матни тушунарчилиги, тил қоидаларига мувофиқлиги, соддалиги муҳимдир. Зеро, тўғри талқин қилинган қонун ва қоидага амал қилишда муаммолар юзага келмайди. Шунда бугун олдимизга мақсад қилиб қўйган ҳуқуқий демократик давлат куришдек эзгу мақсадимиз сари янада дадил қадам ташлаган бўлар эдик.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2015 йил 6 декабр.

2. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 583-модда; 2014 й., 50-сон, 588-модда; 2015 й., 32-сон, 425-модда.

3. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 41-сон, 406-модда; 2014 й., 20-сон, 222-модда.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2010 йил 30 декабрдаги 237-II / 150-II-сонли қўшма қарорига илова.

5. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 15-сон, 173-модда; 2014 й., 14-сон, 158-модда, 27-сон, 332-модда, 52(I)-сон, 653-модда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 9 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2352.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 59-модда; 2002 й., 4-5-сон, 74-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 51-сон, 374-модда; 2006 й., 41-сон, 405-модда; 2008 й., 14-15-сон, 90-модда; 2010 й., 40-41-сон, 343-модда; 2013 й., 41-сон, 543-модда; 2014 й., 4-сон, 45-модда.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 128-модда; 1999 й., 5-сон, 124-модда; 2001 й., 5-сон, 89-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 41-сон, 405-модда; 2007 й., 40-сон, 411-модда; 2010 й., 20-сон, 148-модда.

8. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 37-сон, 377-модда; 2012 й., 26-27-сон, 294-модда; 2013 й., 34-сон, 458-модда; 2014 й., 20-сон, 227-модда; 2015 й., 1-сон, 4-модда, 23-сон, 303-модда, 26-сон, 338-модда. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сон қарорига 1-илова.

О.Қурбонов,

ЎР Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси мустақил тадқиқотчиси

ЎЗБЕКИСТОНДА МАҲАЛЛИЙ ИЖРО ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ҲУҚУҚНИ ҚўЛЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация: мазкур мақолада ҳуқуқни қўллаш амалиётини босиқичлари, мазмуни, субъектлари ҳақидаги турли фикрлар ва муаммоларни аниқлаш, мавжуд амалиётни ўрганиш орқали маҳаллий ижро этувчи органлар фаолиятида ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш борасида таклифлар ишлаб чиқишга ҳаракат қилинган.

Калит сўзлар: ҳуқуқни қўллаш амалиёти, маҳаллий ижро этувчи органлар, маъмурий процедуралар, нодавлат ташкилотлар.

Аннотация: в статье автор попытается разработать предложения по совершенствованию правоприминительной деятельности местных органов исполнительной власти путем системного изучения практики, выявленных проблем и различных мнений о субъектах, содержании, стадиях правоприминительной деятельности.

Ключевые слова: правоприминительная деятельность, местные органы, исполнительной власти, административные процедуры, некоммерческие организации.

Annotation: in the article is attempted to develop proposals for improving the law implementation activities by local executive authorities by the systematic study of the practice, identified problems and different opinions on the subjects, contents, stages pravoprimitelnoy activities.

Key words: law enforcement, local authorities, administrative procedures, a non-profit organization.

Маҳаллий ижро ҳоқимияти органлари томонидан бошқа давлат органларига нисбатан кўпроқ ҳуқуқий нормалар қўлланилади. Ушбу фаолиятни амалга оширишда кўплаб камчиликлар, қонун бузилиши ҳолатлари аниқланаётган бўлса ҳам уларни камайтириш борасида сезиларли натижаларга эришилгани йўқ. Давлатимиз раҳбари ўринли таъкидлаганидек, ҳуқуқни қўллаш амалиётига етарлича эътибор берилмаганлиги Олий Мажлис фаолиятида йўл қўйилган жиддий камчиликлардан биридир [1,248-бет]. Қўрилаётган чоралар самарадорлигининг нисбатан пастлиги маҳаллий ижро ҳоқимияти органларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятини тизимли ўрганиш ва конструктив қарорлар қабул қилиш эҳтиёжини кўрсатмоқда.

Маҳаллий ижро ҳоқимияти органларнинг ҳуқуқни қўллаш фаолиятини ўрганиш, аввало, унинг мазмунини аниқлаш вазифасини кўяди. Бундай амалиёт мамлакатимизда махсус ва тизимли тадқиқ этилмаган бўлса ҳам, ҳуқуқни қўллашга берилган барча таърифларда акс этган. Масалан, профессор З.Исломов таърифлашича: “Ҳуқуқни қўллаш – бу ваколатли давлат органларининг ҳуқуқ субъектларига тегишли бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга оширишга ёрдам бериш ҳамда мазкур жараён устидан назорат олиб бориш мақсадида амалга оширадиган ҳоқимий-ташкилий фаолиятидир [2, 576-бет]. Ушбу ва бошқа миллий тадқиқотчиларимиз томонидан

берилган таърифларда [4, 410-бет; 5, 218-бет; 6, 131-бет] ҳуқуқни қўллаш мазмуни очиб берилган.

Бироқ, индивидуал ҳуқуқлар ва мажбуриятлар нодавлат ташкилотлар томонидан ҳам таъминланиши туфайли уларни ҳуқуқни қўллаш субъекти сифатида қараш баҳслидир [10, 278-бет]. Профессор З.Исломов ҳам охириги ишларида: “Ҳуқуқни қўллаш – ваколатли органлар ва шахсларнинг ҳуқуқий нормалар адресатларига уларга тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишга кўмаклашиш, шунингдек, ушбу жараёни назорат қилишни мақсад қилиб олган ваколатли уюштирувчи фаолиятидир” деган таърифни беради [3, 817-бет]. Тўғри, нодавлат ташкилот ҳам фуқароларни ишга қабул қилади, назорат фаолиятини амалга оширади, аммо юридик ишларни кўриб чиқиш, маъмурий ва бошқа юридик жазо турларини қўллаш ҳуқуқига эга эмас, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бундан мустасно. Демак, улар ҳуқуқни қўллаш фаолиятини амалга ошира олмайдилар.

Шу билан бирга, ҳуқуқни қўллашга фақат юридик ишлар бўйича қарор қабул қилиш фаолияти сифатида қараш ҳам эътирозлидир [7, 261-бет]. Масалан, профессор В.И. Леушин: “ҳуқуқни қўллаш – бу компетентли органлар ва шахсларнинг юридик фактлар ва конкрет ҳуқуқий нормалар асосида юридик ишни ҳал этиш бўйича индивидуал характердаги қарорни тайёрлаш ва қабул қилиш бўйича ҳокимий фаолиятидир” – деган таърифни беради [8, 398-бет]. Бу билан ҳуқуқни қўллаш маъмурий ва бошқа ҳуқуқбузарликлар учун жазо қўллаш фаолияти билан чеклаб қўйилмоқда. Давлат органларининг пенсия тайинлаш, лицензия бериш ва бошқа индивидуал ҳуқуқ ва мажбуриятларни таъминлаш бўйича қарорлари камроқ аҳамиятга эга эмас.

Айрим миллий тадқиқотчиларимиз ҳуқуқни қўллашга тўғри таъриф берган бўлсалар ҳам уни амалга ошириш босқичларидан бири сифатида кўрилаётган юридик ишга мос келадиган ҳуқуқ нормасини танлаб олишни кўрсатганлар [9, 412-бет]. Юридик иш бу муайян ҳуқуқбузарлик юзасидан юритилиши туфайли, ҳуқуқни қўллашнинг алоҳида босқичи сифатида ажратиб бўлмайди. Шу ўринда, доцент И.Т.Тулътеев томонидан ҳуқуқни қўллашни қуйидаги босқичларга ажратилишига қўшилиш мумкин:

- ҳуқуқ нормасининг қўлланишини талаб қилувчи ишнинг фактик томонини таҳлил этиш;
- кўрилаётган ишга мос келадиган ҳуқуқ нормасини танлаб олиш, унинг мазмунини аниқлаш ва шарҳлаш;
- ҳуқуқни қўллаш актини чиқариш ва унинг бажарилишини таъминлаш чора-тадбирларини кўриш;
- қўлланиш актининг амалда бажарилишини текшириш ва унинг устидан назорат ўрнатиш [4, 414-бет].

Юқорида тақлиф этилаётган ҳуқуқни қўллаш босқичлари мамлакатимизда, асосан, юридик ишларни кўриб чиқишда тўлиқ қўлланилади дейиш мумкин. Чунки юридик ишлар юзасидан қарорлар муайян процессуал нормалар асосида қабул қилинади. Бугунги кунда мурожаатларни кўриб чиқиш, лицензиялаш, рухсат бериш таомиллари ҳам белгиланган бўлишига қарамай, ушбу ва бошқа соҳаларда ҳуқуқни қўллаш таомилларини батафсилроқ белгиланиш талаб қилади. Хорижий давлатларда ҳуқуқни қўллаш ҳар доим қонунларда, хусусан маъмурий таомилларда аниқ белгилаб қўйилган тартибда амалга оширилади. Уларда суд, маъмурий, тергов ва бошқа давлат органлари ҳамда мансабдор

шахслар томонидан ҳуқуқни қўллаш фаолиятини амалга оширишнинг қатъий тартиби ўрнатилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда маъмурий тартиб-таомиллар тўлиқ белгиланмаган, асосан, қонуности ҳужжатларига таяниб олиб борилмоқда. Айтиш мумкинки, амалда маъмурий тартиб-таомилларни ҳуқуқий тартибга солиш билан бошқарув органларининг ўзлари шуғулланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилишига олиб келиши мумкин. “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилинишининг ўзиёқ мамлакатимизда давлат органлари фаолиятини янгича нуқтаи назар билан тартибга солиш, фуқароларнинг давлат бошқарувидаги ҳуқуқ ва эркинликларини маъмурий йўл билан ҳимоя қилишнинг янада мукамал тизимини яратиш учун катта қадам ташланганлигини билдиради.

Бироқ, “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йилда қабул қилинган бўлса ҳам, ҳозиргача маъқулланмаганлиги эътирозли ҳолатдир. Мазкур қонунда оммавий ҳокимият органлари ваколатларини амалга ошириш регламентларини ишлаб чиқишнинг умумий қоидалари назарда тутилгани алоҳида аҳамият касб этади. Бундай регламентларни ишлаб чиқиш ҳокимликлар, умуман барча давлат органлари фаолиятини самарали амалга ошириш ва бошқарувни оптималлаштиришнинг муҳим талабига айланган (11, 7-бет; 12, 66-бет). Давлат функциясини амалга ошириш таомилларини белгилаш электрон ҳуқуқматни жорий қилишнинг асосий талабларидан биридир.

Ўзбекистонда айрим интерактив давлат хизматларини жорий қилиш орқали (14,348-модда), маҳаллий ҳокимият органларининг тегишли функцияларини амалга ошириш тартиблари белгиланди. Мамлакатимизда “Электрон ҳуқуқмат тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг барча функцияларини амалга ошириш тартибини белгилаш вазифасини кўяди. Аммо бугунги кунда қонун ҳужжатлари билан талаб қилинган давлат органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўровларни қабул қилиш ва бошқа айрим давлат органлари функцияларни амалга ошириш тартиби белгиланмаган. Бундай тартибларни ишлаб чиқиши қўйилган самарага эришишнинг мақбул йўлларида биридир.

Шунингдек, маҳаллий ижро ҳокимияти органларига ишга қабул қилишда фуқароларнинг тенглигини таъминлаш конституциявий талаблардан биридир. АҚШ, Франция, Германия, Япония ва бошқа ривожланган давлатлар қонунчилигида давлатлар лавозимларига ишга танлов асосида қабул қилиш таомилларининг белгиланганлигини кўриш мумкин (13, 22-37-бетлар). Бундай танловларни ўтказиш 2014 йил 6 майда кучга кирган “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 5-моддасининг мазмунидан келиб чиқади. Ушбу моддага кўра давлат органлари томонидан бўш иш ўринлари, ишга қабул қилиш шартлари ва бўш иш ўринларини эгаллаш учун номзодларга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги маълумотлар ошқора қилиниши керак. Бунда номзодларнинг давлат лавозимини эгаллашда тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш албатта конкурс танловини жорий қилишни талаб қилади.

Юқоридагилардан, келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг нафақат маъмурий ҳуқуқбузарликлар юзасидан ишларни кўриб чиқиш, балки бошқа ваколатларини ҳам амалга ошириш таомилларини ишлаб чиқиш, интерактив хизматлар сонини ошириш долзарб вазифалардан биридир. Ушбу тадбирлар маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятини ҳуқуқ нормалар асосида, доирасида ва уларда кўзда тутилган тартибда амалга оширишга эришишга хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2015 йил 23 январдаги қўшма мажлисидаги маърузаси // Каримов И.А. Эришган марралар билан чегараланмасдан, бошланган ислохотларимизни янги босқичга кўтариш – бугунги кундаги энг долзарб вазифамиздир. 23-жилд. – Т.: "Ўзбекистон", 2015. – Б. 240-264.
2. Исламов З.М. Общество. Государство. Право. (Вопросы теории). –Т.: Адолат. 2001. – С. 576.
3. Исламов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Масъул муҳаррирлар: Ҳ.Раҳмонқулов, академик, ю.ф.д., проф., – Ҳ.Бобоев, ю.ф.д., проф. – Т.: Адолат, 2007. – Б. 916.
4. Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик / Х.Т.Одилқориев, И.Т.Тулъетеев ва бошқ.; проф. Х.Т.Одилқориев таҳрири остида. – Тошкент.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2009. – 582 б.
5. Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна. Ҳозирги замон давлати ва ҳуқуқи назарияси муаммолари. Ўқув қўлланма. Масъул муҳар-рир: ю.ф.д. проф. З.М.Исламов. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2006. –331 б.
6. Сабуров Н., Сайдуллаев Ш. Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Ўқув қўлланма. –Тошкент: ТДЮИ, 2011. – Б. 170.
7. Davlat va huquq nazariyasi: Akademik litsey va kasb hunar kollejlari uchun o'quv qo'llanma / X.T. Odilqoriyev, I.T. Tulteyev, M.I. Suvonqulov va boshq.; X.T. Odilqoriyevning umumiy tahriri ostida; O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi markazi. –Т.: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2010. – 336 б.
8. Леушин В.И. Реализация и применение права. Юридический процесс // Теория государства и права. – М.: Норма. 2002. – С.398.
9. Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Олий ўқув юртларининг ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабалари учун \Бобоев Ҳ.Б., Исламов З.М., Чориёров У. // Масъул муҳаррирлар: Ҳ.Б.Бобоев, Ҳ.Т.Одилқориев. –Т.: "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси" нашриёт уйи, 2000. – 528 б.
10. Протасов В.Н. Теория права и государства. Проблемы теории права и государства. 2-е изд. перераб. и доп. –М.: Юрайт, 2001. -346 с.
11. Тихомиров Ю. Государственное управление: модели и реальность // Право и экономика, 4/2006. – С. 5-11.
12. Административная реформа и регламентное регулирование в Российской Федерации // Юридический мир, 2/2008. – С. 63-69.
13. Государственная служба в зарубежных странах: сравнительный анализ. – Ташкент: ПРООН, 2013. – С. 79.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 23 августдаги 181-сонли Қарори. Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида // "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2007 йил, 33-34-сон, 348-модда.

Ш.Н.Рузиназаров,
д.ю.н., профессор кафедры «Гражданское право»
Ташкентского государственного
юридического университета

СУДЕБНОЕ РЕШЕНИЕ КАК ЮРИДИЧЕСКИЙ ФАКТ

Аннотация: в статье с научно-теоретической точки зрения, анализируется роль и место судебного решения в системе юридических фактов по гражданскому праву. В ней раскрывается цивилистическая сущность различных научных суждений по юридическим фактам, особенности и признаки судебного решения как юридического факта, а также разработаны аргументированные выводы и предложения.

Ключевые слова: судебные решения, юридический факт, конфликт, досудебное урегулирование, гражданско-правовые последствия.

Аннотация: мақолада фуқаролик қонун ҳужжатлари бўйича юридик фактлар тизимида суд қарорларининг роли ва ўрни илмий-назарий нуқтаи назардан таҳлил этилган. Шунингдек, мавзу доирасида ўрганилган масалаларга оид турли ҳил илмий қарашларнинг цивилистик моҳияти очиқ берилган. Бундан ташқари, суд қарорининг юридик факт сифатида ўзига хос хусусиятлари ва белгилари тавсифлаб берилган ҳамда асослантирилган хулоса ва тақлифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: суд қарорлари, юридик факт, низо, судгача ҳал қилиш, фуқаролик-ҳуқуқий оқибат.

Annotation: article from scientific and theoretical point of view, analyzes the role and place of the court decision on the system of legal facts in civil law. It reveals the essence of the civil law of various scientific opinions on the legal facts, features and characteristics of the judgment as a legal fact, and designed reasoned conclusions and proposals.

Key words: judicial decisions, legal fact, civil and legal consequences, conflict, pre-trial adjustment.

В системе юридических фактов судебные акты занимают особое место. Судебное решение по своей юридической природе является правоприменительным актом с публично и частноправовым элементом. С гражданско-правовой точки зрения оно непосредственно связано с юридическим фактом. Исходя из этого, можно полагать, что проблема юридического факта имеет не только теоретическое, но и практическое значение. Поэтому юридический факт, как важнейший основополагающий институт гражданского права, представляет большой научно-практический интерес. В связи с этим, данный институт гражданского права постоянно совершенствуется с учетом сегодняшних реалий гражданского общества.

Например, если автор (соавторы) или его (их) наследники передали исключительные права лицу А, в том числе и право передавать третьим лицам, то лицо А может уступить лицу Б полученные по договору права полностью, либо лицо А может передать лишь некоторые права лицу Б, но эти права будут носить неисключительный характер. Но лицо Б должно проверить:

1. Является ли лицо А обладателем именно тех исключительных прав на данное произведение, которые являются предметом договора между А и Б;

2. Есть ли у лица А полномочие передавать полученные от автора права третьим лицам и соблюдены ли связанные с такой передачей формальности (например, получение специального разрешения автора на передачу прав третьим лицам);

3. Не истек ли срок договора между автором и лицом А; 4. на какой срок А передает права на использование Б, и соотносится ли этот срок со сроками в договоре между автором и А.

В договоре о передаче неисключительных прав также может быть предусмотрено право лицензиата передавать права по договору полностью или частично третьим лицам. Такое право должно быть прямо закреплено в договоре, иначе такое право не считается переданным.

Чаще всего договоры такого рода используются в случаях, когда автор или правообладатель не хочет передавать исключительных прав одному лицу, или использование произведения носит такой характер, что одна организация, используя произведение не может удовлетворять потребности всего общества. Например, передача прав на музыкальные произведения, передача прав на публичный показ аудиовизуальных произведений, деятельность музыкальных издательств.

Основное различие между передачей исключительных и неисключительных прав состоит в том, что в первом случае автор или иной правообладатель теряет право заключать новые договора с третьими лицами на тот же предмет, на той же территории и в течение срока действия договора о передаче исключительных прав. Во втором случае автор, или иной правообладатель оставляет за собой полномочие передавать права на использование произведения неограниченному кругу лиц, вне зависимости, были ли переданы эти права ранее или нет (имеются ввиду, только неисключительные права).

Кроме этого, отличия состоят в том, что обладатель неисключительных прав не приобретает автоматически права на осуществление защиты авторского имущественного права против его нарушителей и не может запретить использование произведения третьими лицами. В данном случае эти права относятся к полномочиям автора или обладателя исключительных прав.

Схожесть исключительных и неисключительных прав в том, что эти права должны указываться в дого-

воре, что передача этих прав ограничена сроком (то есть имеет срок начала использования и срок окончания), данные категории прав включают в себя передачу одного или нескольких способов использования произведения, права на которые изначально принадлежат автору.

Обычно исключительность или неисключительность передаваемых по договору прав определяется в предмете договора. Например, «Автор передает {не}исключительные права на использование произведения учебник следующими способами:», или «Предметом настоящего Соглашения являются {не}исключительные права на использование произведения (наименование произведения, его вид и др. данные, по усмотрению сторон) на срок два года. Передача {не}исключительных прав согласно настоящего Соглашения означает, что Пользователь вправе использовать произведение следующими способами:». После данной фразы перечисляются конкретные права передаваемые по договору. И если по договору передаются исключительные права, то эта исключительность распространяется только на те права (конкретные права, другими словами, способы использования произведения), которые в нем указываются.

Также в договоре можно указывать, что только (исключительно) пользователь обладает правом на использование произведения указанными в договоре способами, на определенной в нем территории и срок, и автор в течение срока договора не вправе передавать уже переданные права третьим лицам (или автор обязуется согласовать этот вопрос с пользователем, которому передает исключительные права) – в случае передачи исключительных прав. Напротив, можно указать, что пользователь обладает правом на использование произведения, наравне с другими пользователями, в пределах, указанных в договоре – в случае передачи неисключительных прав.

Подытоживая, можно сказать, что достижение договоренности относительно объема передаваемых прав (исключительных или неисключительных) является одним из самых важных условий перед заключением договора о передаче прав на использование объектов авторского права.

Список литературы:

1. Интеллектуальная собственность. – 1996. – №7-8. – С.63.
2. Близнац И.А., Леонтьев К.Б. «Интеллектуальная собственность и исключительные права», http://www.copyright.ru/ru/library/stati_knigi/intellektualnaya_sobstvennost/intellektualnaya_sobstvennost_isklyuchitelnye_prava/
3. Степанова О.А. Передача исключительных прав по авторскому договору // Вестник Московского университета. Серия 11. Право. 1997. – № 6. – С. 103.
4. Макагонова Н.В. О некоторых нерешенных проблемах законодательства по авторскому праву // Государство и право. 1996. – № 1. – С. 54.
5. Гражданское право. В 2-х томах. Т. 1. / Под ред. Е.А. Суханова. – М., 1994. – С. 314.
6. Сергеев А.П. Авторское право России. – СПб., 1994. – С. 123.

Б.Болиев,

Тошкент давлат юридик университетини мустақил изланувчиси

ФРАНШИЗИНГ – ТАДБИРКОРЛИКНИ ЮРИТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ҲУҚУҚИЙ КОНСТРУКЦИЯСИ СИФАТИДА

Аннотация: мақолада комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномасининг тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишдаги ўрни, унинг ўзига хослиги, бу борадаги хорижий давлатларнинг тажрибаси ўрганилган. Муаллиф томонидан комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномасини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришга қаратилган хулосалар билдирилган.

Калит сўзлар: франшизинг, lex mercatoria, технология, тадбиркорлик фаолияти, лицензия, франшизер.

Аннотация: в статье изучена роль договора комплексной предпринимательской лицензии (франшизинг) в организации предпринимательской деятельности в современном мире, его правовая особенность, а также опыт зарубежных стран. Автором выдвинуто ряд предложений по совершенствованию законодательства регулирующие договора комплексной предпринимательской лицензии (франшизинг).

Ключевые слова: франшизинг, lex mercatoria, технология, предпринимательская деятельность, лицензирование, франшизер.

Annotation: in the article explored the role of the contract of complex entrepreneurial license (franchising) in the organization of business in the modern world, its legal features, as well as the experience of foreign countries. The author put forward a number of proposals on improvement of legislation governing the contract of complex entrepreneurial license (franchising).

Key words: franchising, lex mercatoria, technology, entrepreneurship, licensing, franchisor.

Бозор иқтисодиётининг чуқурлашиб бориши иқтисодий муносабатларни тартибга солишининг янги воситаларидан фойдаланишни, бунда ривожланган мамлакатларнинг ҳуқуқий тартибга солиш тажрибасида қўлланилган илғор ва замонавий ҳуқуқий конструкцияларни қўллашни тақозо этди. Шу муносабат билан 1997 йил 1 мартдан кучга киритилган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига (*кейинги ўринларда - ФК*) илгари мавжуд бўлмаган янги шартнома турлари ўз ифодасини топди. Жумладан, рента, факторинг, лизинг, трастинг каби янги шартномалар ФКга киритилди ва иқтисодий муносабатларнинг муайян турларини шартномавий-ҳуқуқий тартибга солишининг илгари қўлланилмаган усул ва воситалари жорий этилди. Ана шундай янги шартномавий-ҳуқуқий конструкциялардан бири сифатида ФКга киритилган комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) мамлакатда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишининг ўзига хос янги усули вужудга келишига замин яратди.

Таъкидлаш лозимки, франшизинг бизнесни ташкил этишининг янги шакли бўлиб, бунда компания тадбиркорлик фаолиятининг бошқа субъектига ҳақ

эвазига ўзининг савдо белгиси остида маҳсулот ишлаб чиқариш, товарни сотиш ва хизматларни кўрсатиш ҳуқуқини беради. Мазкур йўл билан компания ўзининг тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш, муайян бозорларни эгаллаш, товарлар, ишлар ва хизматларни реализация қилиш, ўз фирма номини реклама қилиш имкониятига эга бўлади.

Франшизинг ишлар ва хизматларни тақсимлаш усули сифатида АҚШда ташкил топган ва бугунги кунда халқаро миқёсда ҳам кенг қўламда қўлланилмоқда. Вашингтонда бўлиб ўтган Бутунжаҳон франшизинг форуми (15th Annual International Franchise Expo, 2008, June 2-4, Washington, DC) ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда бизнеснинг 80 дан ортиқ турида франшизингни ривожлантириш муваффақиятли бўлишини кўрсатди [1, 17-бет.].

Бугунги кунда кўплаб халқаро ташкилотлар ва давлат агентликлари томонидан франшизинг тўғрисидаги ҳисоботлар ёки маълумотларни ўрганилмоқда, муҳокама ва эълон қилинмоқда. Булар жумласига Хусусий ҳуқуқни унификация қилиш бўйича халқаро институт (УНИДРУА), Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш бўйича ташкилот (ИХРТ), Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ), Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) ва бошқаларни киритиш мумкин. Шунингдек, АҚШнинг халқаро ривожланиш агентлиги Шарқий Европа, Ҳиндистон, Филиппин ва Жанубий Африкада франшизингнинг ривожланиши бўйича ҳисоботларни чоп этади ва конференциялар ташкил этади. Чехия, Аргентина, Индонезия ва Польша ҳукуматлари франшизингни иқтисодиётнинг хусусий сектори ривожланиши учун восита сифатида фойдаланишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Мазкур халқаро ташкилотлар ва давлатлар франшизингнинг иқтисодий қийматини, кичик бизнес ривожланишига қўшган ҳиссасини, кўпқирралилигини ўрганишмоқда.

Франшизинг дунёнинг кўплаб мамлакатларида амал қилмоқда ва халқаро бизнесни ривожлантиришнинг асосий воситаларидан бири бўлиб қолмоқда. Бунда франшизинг технологиялари бозорнинг 30% га яқинини йирик хорижий компаниялар эгаллайди [1, 18-бет.].

Ҳозирда франшизинг муносабатларини халқаро тартибга солиш БИМТнинг тавсиялари, Халқаро франшизинг ассоциация ишлаб чиққан ахлоқий ва маънавий кодекслари, УНИДРУА томонидан ишлаб чиқилган Халқаро мастер-франшизинг шартномалари бўйича раҳбарий кўрсатмалар (Guide to International Master Franchise Arrangements, 1998) ва Франшизинг шартномаси бўйича ахборотни ошкор қилиш тўғрисидаги модел қонуни (The Model Franchise Disclosure Law, 2002.), БИМТ томонидан тайёрланган БИМТнинг франшизинг бўйича раҳбарий кўрсатмалари (The WIPO Guide on Franchising, 1994), Халқаро савдо палатаси томонидан ишлаб чиқилган Халқаро франшизингнинг намунавий контракти (The ICC Model International Franchising Contract, 2000, МТП № 557 наشري), миллий ҳуқуқ тизимида кирмайдиган нормалар тизимидан иборат бўлган lex mercatoria орқали тартибга солинади [2].

Бугунги кунда франшизинг қўлланилаётган соҳалар сони кундан-кунга ўсиб бормоқда. Масалан, Германияда турли тадбиркорлик субъектлари 126 йўналиш ва соҳа бўйича франшизинг шартномаси асосида фаолият юритади [3]. Мамлакатимизда

комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномасига оид ҳуқуқий нормаларни такомиллаштиришда 2010 йил 4 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 244-сонли Қарори билан тасдиқланган Комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом муҳим аҳамият касб этди. Мустақиллик йилларида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, тадбиркорларга ўз бизнесларини амалга оширишлари учун кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Айниқса, кичик бизнес субъектларининг иқтисодиётдаги улуши йилдан-йилга ошиб бормоқда. Буни куйидаги рақамлар ҳам исботлайди: 2000 йилда ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 31 фоизи иқтисодиётнинг фаол сектори ҳисобланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари улушига тўғри келган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 52,5 фоизни [4], 2013 йилда 55,8 фоизни ташкил этди [5].

Бундан ташқари, 2010 йилда саноат ишлаб чиқариши таркибида тайёр маҳсулотнинг улуши 50 фоиздан зиёдни ташкил этган бўлса, 2013 йилда умумий экспорт ҳажмининг 72 фоиздан ортиғи тайёр маҳсулотлар ҳиссасига тўғри келади.

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида аҳамият бериб келинмоқда. Айниқса, янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектларига берилаётган имтиёзлар натижасида уларнинг ўз фаолиятларини йўлга қўйиш ва ривожлантириш жараёни жадаллик билан юз бермоқда.

Таъкидлаб ўтиш ўринлики, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидан кичик бизнес вакилларининг улуши ортиб бориб, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сони ва сифати ортиб бормоқда. Агар франшизинг шартномаси кичик бизнес фаолиятида янада кенгроқ татбиқ этиладиган бўлса, бу кўрсаткичларни янада ошириш имконияти пайдо бўлади.

Франчайзинг алкоғолсиз ичимликларни ишлаб чиқариш саноатида (Кока кола (Coca Cola) Пепси (Pepsi), Севен - ап (7-UP)) самарали қўлланилган ва бугунги кунда ҳам бу фаолият давом эттирилмоқда [6, 607-608-бет.]. Ушбу савдо белгилари мамлакатимизда ҳам комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) асосида фаолият олиб бормоқда.

Мамлакатимизнинг нефт-газ маҳсулотлари каби табиий заҳираларга бойлигини ҳисобга олиб хориж технологиясини франшизининг асосида, қўшимча инвестиция жалб қилмаган ҳолда соҳада қўллаш асосида нефт ва газнинг янги конларини аниқлаш ва ишлаб чиқариш, шунингдек, қайта ишлашни амалга оширишда қўллаш мумкин.

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, франшизинг атамаси инглиз ва француз тилларида (franchising, franchise) ҳуқуқ, имтиёз, устунлик маъноларини англатади [7]. Франшизинг – бозор субъектлари ўртасидаги муносабатлар тури бўлиб, бунда бир томон (франшизер) иккинчи томон (франшизи) га ҳақ эвази (роялти) га олдиндан ишлаб чиқилган бизнес модел (франшиза) дан фойдаланиб бизнеснинг муайян турини юритиш ҳуқуқини беради [8, 36-бет.].

Н.А.Ющенконинг фикрича, франшизинг – франшизер ва франшизи ўртасидаги узвий ва давомли ҳамкорликка асосланган товарлар ва хизматлар

бозоридаги ривожланиш тизими, шунингдек технологиялариди [9, 8-бет].

Е.С.Лысенковнинг фикрича, дастлаб “франшизинг” атамаси оммавий ҳокимият органлари томонидан хусусий шахсларга бериладиган махсус ҳуқуқ (имтиёз)ни ифодалаш учун қўлланилган. Кейинчалик ушбу атама хусусий шахслар ўртасидаги тадбиркорлик муносабатларининг алоҳида гуруҳларини ифодалашда қўлланила бошлади ва бунда тажрибали тадбиркор (ҳуқуқ эгаси - франшизер) бошловчи тадбиркорлик (фойдаланувчи - франшизи)га ўзининг тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун шахсийлаштирувчи воситаларига, махсус билим ва тажрибаларига нисбатан ҳуқуқ (имтиёз) беради [10, 13-бет].

А.И.Бахриддиновнинг фикрича, “лицензия” сўзи одатда рухсатнома маъносига келади. Ҳуқуқшунослик назариясида лицензия ҳужжат маъносига қўлланилади. Одат лицензия ҳуқуқ эгаси томонидан муайян объектдан ёки ҳуқуқдан фойдаланишга рухсат сифатида тушунилиши мумкин. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, ҳуқуқшунослик назариясида лицензияни маъмурий ҳужжат ва фуқаролик-ҳуқуқий битим сифатида талқин қилиш мавжуд. Бундай икки ёқлама ёндашув амалда бир-бирини инкор этмайди ва бир-бирига зид ҳисобланмайди. Зеро лицензия атамаси иккала ҳолатда муайян бир хатти-ҳаракатларни амалга ошириш учун рухсат маъносини англатади. Шу сабабли комплекс тадбиркорлик лицензияси франшизинг шартномаси номидаги “лицензия” атамасини шартномани номлашда тўғри қўлланилганлигини эътироф этиш лозим [11, 7-бет].

О.А.Орлованинг фикрича, халқаро тижорат ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида “франшизинг” деганда, шартнома асосида амалга оширилаётган тадбиркорлик фаолияти тушунилади. Бу шартномага мувофиқ бир тараф – франшизер – иккинчи томон – франшизига муайян бозор доирасида ва ҳақ эвазига тадбиркорлик фаолияти “франшиза” дан, яъни ўзида фирма номи, товар белгиси, саноат ва интеллектуал мулкнинг бошқа объектлари, техник билимлар, “ноу-хау”ни ифодалайдиган мулккий ва шахсий номулккий ҳуқуқ комплексидан фойдаланиш ҳуқуқини беради [12, 21-бет].

Мазкур фикрларга қўшилган ҳолда, таъкидлаш ўринлики, франшизинг одатда қўлланиладиган ҳуқуқий конструкциялардан фарқли равишда нафақат тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш кўникмалар ва усулларидан, ишлаб чиқариш воситалари ва методларини, балки интеллектуал мулк объектларидан фойдаланишга оид ҳуқуқларидан фойдаланишга рухсат беришни назарда туттади. Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда бундай “ҳамкорлик” айна пайтда франшизинг муносабатининг иккала субъекти учун ҳам манфаатлидир. Чунки, бир томондан ўзининг мутлақ ҳуқуқлар комплексидан тадбиркорлик фаолиятида фойдаланишга рухсат берган томон – франшизер бунинг учун иккинчи томон – франшизидан ҳақ олиши ҳисобига фойда кўрса, франшизи ўз бизнесини юритиш, машҳур фирма номидан маҳсулот ишлаб чиқариш эвазига рақобатбардорликка эришиш ва ўз фаолияти учун ўзига хос инвестиция жалб этиш имкониятига эга бўлади.

Таъкидлаш лозимки, франшизинг ҳамкорлик бизнесининг ўзига хос замонавий тури ҳисобланади ва шу сабабли ишбилармонлик муҳитида бизнеснинг мазкур турини “имтиёзли тадбиркорлик”, деб ҳам

юритишади. Қолаверса, ҳозирда кўплаб мутахассислар франшизингни – бизнесни юритиш шакли сифатида ҳам эътироф этишмоқда. Бизнес ҳамкорларнинг франшизингга асосланган ўзаро муносабатларининг моҳияти шундаки, бунда франшизер франшизига бизнеснинг муайян турини юритиш ҳуқуқини беради ва бунда бизнесни юритишнинг франшизер томонидан ишлаб чиқилган тизими ва франшизер обрўси (имиджи) (товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси, фирма номи ва шу қўйилган мақсадга эришиш муҳим ҳисобланади. Шуб боис улар ўз бизнесларининг “нухаси” ни жорий этиш ва амалга ошириш ҳуқуқини иккинчи фирмага беришади. Содда қилиб айтганда, франшизи фақатгина франшизер ривожланган, синалган ва ҳар томонлама шаклланган бизнеснинг “нухаси”ни кўчириб, муайян бозорда жорий этади, холос.

Франшизер эса бизнесни юритиш учун зарур бўлган ускуналар, материаллар ва хомашёни етказиб бериш, франшизи ва унинг ходимларини ўқитиш, бизнесни юритишда маслаҳат ва ёрдам бериш, бевосита молиявий ёки кафиллик ва кафолат кўринишидаги билвосита кўмаклашиши мумкин. Умуман олганда, франшизинг тизимидан фойдаланиш фирмага бизнеснинг дастлабки босқичида вужудга келиши мумкин бўлган қийинчиликларни бартараф этишида ёрдам беради ва бу ҳолат фаолиятини энди бошлаётган тадбиркорлар учун жуда муҳимдир. Шу муносабат билан айтиш мумкинки, франшизинг бўйича тарафларнинг муносабатлари, биринчидан асосий ва шўъба фирма ўртасида вужудга келадиган муқобил муносабатдир, иккинчидан, франшизинг методи билим олиш, тажриба орттиши ва ишбилармонлик муносабатларининг муайян соҳасига ихтисослашув имконини беради.

Шу муносабатлар франшизингнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий конструкцияси сифатидаги ўзига хос жиҳатлари ва франшизингни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги хулосаларни билдириш мумкин:

1. Франшизинг фуқаролик қонунчилигидаги мавжуд шартномалар гуруҳлари: мулкни топшириш, ижара, иш бажариш, хизмат кўрсатиш каби муносабатлардан фарқли равишда, бир субъектга тегишли бизнесни иккинчи субъект номидан ҳам амалга оширишни назарда тутувчи муносабат ҳисобланади. Бунда биринчи субъект ҳам, иккинчиси ҳам бир турдаги ва бир хилдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга оширади, яъни товар ишлаб чиқаради, иш бажаради ёки хизмат кўрсатади.

2. Франшизинг муносабатлари “комплекс ҳуқуқлар”дан фойдаланишга рухсат этишни назарда туттади. Бундай рухсат бериш хусусий субъектлар ўртасида кечадиган таомил бўлиб, шартнома кўринишида амалга оширилади ва берилган рухсат эмас, балки унинг асоси бўлган шартнома давлат рўйхатидан ўтказилади.

3. Франшизинг тайёр шаклланган ва амалда қўлланилган ҳамда тегишли бозор қонуниятлари

(талаб ва таклиф, рақобат) синовидан муваффақиятли ўтган бизнесни деярли ўзгартирмасдан бошқа бозорлар ва ҳудудларга кенгайтиришни назарда тутлади. Чунки, франшизер ўзига тегишли бизнесни юритиш ҳуқуқини бир вақтнинг ўзида тегишли чекловлар ва талабларга риоя қилган ҳолда кўплаб шахсларга бериши ва шу орқали ўзи маҳсулотини реализация қилиш доирасини кенгайтиради.

4. Бугунги кунда франшизинг муносабатлари фақат ФК ва мазкур турдаги шартномани рўйхатдан ўтказишга оид Низом билан тартибга солинади. Бу эса ўзига хос мураккаб ва бошқа шартномаларнинг объектларига мутлақо ўхшамайдиган, иқтисодий муносабатларнинг алоҳида тури – франшизингни ҳуқуқий тартибга солиш учун етарли эмас. Чунки, тадбиркорлик фаолияти субъектларига эркинлик бериш, улар фаолиятига нисбатан турли тўсиқлар ва ғовларни бартараф этишга ҳамда хусусий мулк ривожини алоҳида эътибор қаратилаётган ҳозирги шароитда, франшизинг муносабатларининг барча жиҳатларини ҳуқуқий тартибга солишни қамраб оладиган алоҳида қонун ҳужжатини қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Колесников В.В. Построение франчайзингового бизнеса. Курс для правообладателей и пользователей франшиз. – СПб.: Питер, 2008. – С. 17.

2. Климова С.В. Правовой режим франчайзинга в национальном и международном обороте: Автореф. дис... канд. юрид. наук. – М.: 2011. – С.4.

3. www.franchise.de

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи газетаси. 2014 й, 18 январь сони.

6. Зенин. И.А. Предпринимательское право. –М.: Высшее образование, 2009. – С. 607-608.

7. Баратов М.Х. Комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномаси / ТДҶОИ илмий мақолалар тўплами. 2005. №2. – Б. 67-74; Фуқаролик ҳуқуқи. II-қисм. – Т.: Илм-Зиё, 2008. – Б. 486.;

8. Менглиев Ш.М. Проблемы создания правовых основ договорного регулирования отношений в гражданском праве /Государство и право. 2000. – № 3. – С.21;

9. Бобоев Дж.К. Договор коммерческой концессии по законодательству Республики Таджикистан: дис. ... канд. юрид. наук. – Душанбе, 2010. – С. 3-4.

10. Давыденко Д.С., Ковалевская Н.В. Недостаточная обеспеченность правовой основы франчайзинга в России // Сибирский Федеральный Университет Торгово-Экономический Институт. 2012. – № 5. – С.36.

11. Ющенко Н.А. Правовое регулирование коммерческой концессии и франчайзинга в России и за

рубежом: Автореф. дис... канд. юрид. наук. – Казань: 2008. – С.7.

12. Лысенко Е.С. Гражданско-правовое регулирование франчайзинга в России: Автореф. дис... канд. юрид. наук. – Москва: 2010. – С.13.

13. Бахриддинов А.И. Комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномасини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари: Ҳуқуқ магистри даражаси учун ёзилган диссертация. – Т., 2014. – Б. 7.

14. Орлова О.А. Франчайзинг как форма деловых связей //Законодательство и экономика. 2002. –№ 4. – С. 21.

Ф.Урманбаева,
ТДЮУ мустақил изланувчиси

ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИКНИНГ ФУҚАРОЛИК ВА ОИЛА ҲУҚУҚИНИНГ ИНСТИТУТИ СИФАТИДАГИ АҲАМИЯТИ

Аннотация: ушбу мақолада муаллиф фуқаролик ва оила ҳуқуқининг муҳим институти сифатида васийлик ва ҳомийликнинг ҳуқуқий табиати, мазмуни ва ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилган.

Калит сўзлар: васийлик, ҳомийлик, муомала лаёқати, вояга етмаган, қариндош, яқин қариндош.

Аннотация: В данной статье проанализированы вопросы, связанные с правовой природой, содержанием и своеобразной особенностью значения опеки и попечительства в институте гражданского и семейного права.

Ключевые слова: опека, попечительства, дееспособность, несовершеннолетний, родственник, близкий родственник.

Annotation: in this article analyzed the issues related to the legal nature, content and distinctive feature of the value of guardianship and trusteeship at the institute of civil and family law.

Key words: custody, guardianship, legal capacity, a minor, a relative, a close relative

Ҳуқуқий институтлар муайян турдаги ўшаш муносабатларни тартибга солишга қаратилган қоидалар ва нормалар йиғиндисидан ташкил топади. Ҳуқуқий институт ижтимоий муносабатларнинг муайян гуруҳини тартибга солувчи қоидалар ва нормаларнинг бирлашувидан ва умумий қоидага бўйсундирилишидан ҳосил бўлади. Бунда ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ нормалари муайян мезон ва шартлар асосида гуруҳлаштирилади.

Ҳуқуқ назарияси билан шуғулланган мутахассисларнинг қайд этишларича, ҳуқуқ тизимини тармоқларга ва институтларга бўлиш кимнингдир хоҳиши ёки олимлар ва давлат арбобларининг истаги эмас. Бу жамиятда мавжуд турли-туман ижтимоий алоқалар табиатидан келиб чиқувчи объектив заруриятдир. Ҳуқуқ тармоғи ва институтларининг ҳосил бўлиши аввало ҳуқуқий тартибга солиш предмети ва усулидан келиб чиқади [1, 342-бет].

Айрим мутахассисларнинг фикрича, ижтимоий муносабатларнинг у ёки бу ҳуқуқий институтлар шаклида мустақамланиши ҳуқуқий тартибга солиш мақсадларидан биридир. Ушбу функция турли субъектларнинг ҳуқуқий мақомини белгилашда, масалан, инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини мустақамлаш-да, давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг ваколатларини белгилашда, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқдорлигини белгилашда намоён бўлади [2, 210-бет].

Дарҳақиқат, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг самарадорлигига нафақат амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш воситасида, балки ҳуқуқ тизими барча таркибий элементлари, шу жумладан ҳуқуқ институтларининг ўзаро уйғунлиги ҳисобига эришилади. Шу сабабли ҳуқуқий институтлар – ҳуқуқ тармоғининг элементи бўлиб, ижтимоий муносабатларнинг муайян турдош

гуруҳини яхлит ва нисбатан тугал тартибга солинишини таъминлайди.

Ҳуқуқий тизимини унинг таркиби нуқтаи назардан тавсифловчи жиҳатлар ҳуқуқ институтларига ҳам хос ҳисобланади ва бунда ҳуқуқий институтига хос жиҳатлар тегишли ҳуқуқ тармоғига нисбатан умумийлик ва алоҳидалик кўринишида ифодаланади. Ҳуқуқий институт предметли-функционал белгилари бўйича ўзаро боғланган ва аниқ турдаги ижтимоий муносабатларни қамраб оладиган юридик нормаларнинг бирламчи йиғиндиси ҳисобланади.

Шу боис ҳуқуқий институтларнинг моҳиятига бағишланган махсус тадқиқот олиб борган мутахассиснинг фикрича, ҳуқуқий институт махсус усуллар ва воситалар ёрдамида бир турдаги ижтимоий муносабатларни ёки унинг бир турдаги томонларини тартибга солувчи ҳуқуқий қоидаларнинг асосланганлиги комплексини ўзида ифода этади [3, 13-14-бетлар].

Фуқаролик-ҳуқуқий институтларнинг тушунчаси ва моҳияти хусусида фикр юритар экан, В.В.Васильев фуқаролик-ҳуқуқий институтнинг тушунчасида унинг ўзига хос жиҳатлари ҳам акс этиши лозим, деган хулосага келади ва мазкур муаммони ҳал этиш учун фуқаролик-ҳуқуқий институтни фуқаролик ҳуқуқи тизимининг тузилмавий элементи сифатидаги моҳиятига хос хусусиятларни аниқлаш зарурлигини қайд этган ҳолда, унинг қуйидаги бешта хусусиятини ажратади:

Биринчидан, фуқаролик-ҳуқуқий институт – фуқаролик-ҳуқуқий институтни ҳосил қилувчи фуқаролик-ҳуқуқий нормаларнинг умумийлиги ва йиғиндисидир.

Иккинчидан, фуқаролик-ҳуқуқий институтнинг ажралиб турадиган хусусияти фуқаролик-ҳуқуқий нормаларни фуқаролик ҳуқуқи институти таркибига бирлаштириш имконини берувчи институт ҳосил қилувчи омил ҳисобланади.

Учинчидан, ҳуқуқий институт фуқаролик ҳуқуқи тизимининг мажбурий таркибий элементидир. Бу шуни англатадики, фуқаролик-ҳуқуқий институт – бу нафақат мавжудлиги назарий ҳуқуқий категория сифатида аҳамият касб этадиган одатдаги ҳуқуқий конструкция, балки фуқаролик-ҳуқуқий назария ва амалиёт ўртасидаги боғлиқликни таъминловчи таркибий элемент ҳисобланади.

Тўртинчидан, фуқаролик-ҳуқуқий институтнинг моҳиятини ифодаловчи хусусиятлар жумласига унинг нисбий мустақиллиги ва амал қилишидаги мухториятлик белгисини киритиш зарур.

Бешинчидан, фуқаролик-ҳуқуқий институтнинг асосий хусусиятларидан бири муайян гуруҳдаги ижтимоий муносабатларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишнинг тўлиқлиги ва тугалланганлигининг таъминланиши ҳисобланади [4, 98-102-бет].

Бундай комплекслик мазкур ҳуқуқий институтнинг тартибга солиш предмети ва усулидаги комплексликдан келиб чиқади. Жумладан, васийлик ва ҳомийлик муносабатларини яхлит ижтимоий муносабат сифатида таҳлил қиладиган бўлсак, ушбу бу муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқий нормаларнинг йиғиндиси васийлик ва ҳомийлик институти ташкил этади. бироқ уни тартибга солувчи нормалар бир қатор ҳуқуқ нормаларида ўз ифодасини топган.

Ҳ.Р.Раҳмонқуловнинг фикрича, васийлик ва ҳомийлик фуқаролик ҳуқуқи, оила ҳуқуқи ва маълум

жиҳатлари бўйича маъмурий ҳуқуқ нормаларидан ташкил топган мажмуавий институтдан иборат деб ҳам талқин қилинади. Васийлик ва ҳомийлик муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш мажмуавий характерга эга деб тан олинishi тўғри бўлса керак, чунки ушбу муносабатларни тартибга солиш ФКнинг 27-34-моддалари, Оила кодексининг 173-193-моддаларида назарда тутилади. Ушбу муносабатларни маъмурий ҳуқуқ нормаларига тааллуқли бўлиши шундан иборатки, васийлик ва ҳомийлик туман ёки шаҳар ҳокимининг қарори билан белгиланади, васий ва ҳомий ҳуқуқларининг амалга оширилиши ҳамда мажбуриятларининг бажарилиши устидан васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан назорат олиб борилади [5, 35-бет.].

Ҳ.Р.Раҳмонқуловнинг фикрларига ўхшаш бўлган нуқтаи назарни Т.О.Урумова ҳам билдиради. Унинг ёзишича, доктрина ва қонунчиликда васийлик ва ҳомийлик институтининг шаклланиши ва ривожланиши унинг комплекслиги тусини асослантирди. Ҳозирги вақтда васийлик ва ҳомийлик билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи нормалар фуқаролик, оила, шунингдек маъмурий қонунчилик тармоғига оид ҳужжатларда ўз ифодасини топган.

Васийлик (ҳомийлик)нинг ижтимоий ва ҳуқуқий институ сифатида тўлақонли амал қилиши турли соҳавий мансубликка эга нормалар мажмуини қўллаш йўли билан таъминланиши мумкин [6, 10-бет.].

Л.Ю.Михееванинг фикрича, васийлик ва ҳомийлик қонунчилигининг институтини ифодалайди, яъни васийлик ва ҳомийликни белгилаш, амалга ошириш ва бекор қилиш бўйича муносабатларни тартибга солувчи, умумий вазибалар ва тамойиллар асосида бирлаштирилган турли соҳавий мансубликка эга нормалар тизимидир [7, 17-бет.].

Л.М.Пчелинцеванинг таъкиллашича, васийлик ва ҳомийлик институти комплекслик тусига эга, чунки бу институт нафақат оила, балки фуқаролик ҳуқуқи ҳамда маъмурий ҳуқуқ нормаларига асосланади [8, 492-бет.].

Бир қатор ҳуқуқшунос олимлар васийлик ва ҳомийликни қатъий равишда фуқаролик ҳуқуқи тааллуқлилигини билдиришса [9, 414-бет.], айримлари васийлик ва ҳомийликнинг комплекс институтлиги борасидаги фикрларга қўшилишади [10, 144-бет.].

Бу борада хорижий мамлакатлар қонунчилигида белгиланган нормаларга эътибор қаратадиган бўлсак, Франция ҳуқуқи бўйича, васийлик бўйича қоидалар Фуқаролик кодексига белгиланган (Франция Фуқаролик кодексининг Х титули 2-боби 1-томи). XX асрнинг иккинчи ярмида васийлик институти Францияда сезиларли даражада ўзгарди: кодекс матнига муҳим ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди (1964 йил 14 декабрь, 1974 йил 5 июль, 1975 йил 11 июль, 1985 йил 23 декабрь, 1989 йил 10 июль, 1993 йил 8 январь қонунлари). Бу ўзгаришлар натижасида Франциянинг амалдаги Фуқаролик кодексининг васийлик тўғрисидаги нормаларининг аксарият қоидалари оммавий-ҳуқуқий тус касб этади. Маълумки, кодексининг ҳам бўйича катта ва кўплаб муносабатларни қамраб олади. Квебек Гражданик кодексига васийлик ва ҳомийлик “Шахслар тўғрисида”ги биринчи китобда жойлаштирилган. Тегишли нормалар “Шахсларнинг муомала лаёқати тўғрисида” деб номланадиган тўртинчи титулнинг ичидаги иккинчи бобда ҳамда учинчи титул (“Вояга етмаган болаларни васийликка олиш” ва “Вояга етмаганлар устидан назоратнинг режимлари

тўғрисида”) да белгиланган [11, 62-77-бет.]. Маълумки, мазкур кодексининг тузилиши ва мазмунига Франция фуқаролик ҳуқуқи сезиларли даражада таъсир кўрсатган. Квебек Гражданик кодексига васийлик ва ҳомийликнинг ўрни Франция Фуқаролик кодексининг унинг ўрни билан ўхшашдир.

Ушбу муаммо 1889 йилдаги Испания Гражданик кодексига ҳам Франциядаги каби ҳал қилинган. Ушбу кодекснинг “Шахслар тўғрисида”ги биринчи китоби фуқаролик, никоҳ ва ажралиш, оилавий муносабатлар, васийлик ва ҳомийлик масалаларини тартибга солади. Шунга ўхшаш нормалар Латвия Республикаси Фуқаролик қонунида ҳам мавжуд. Мазкур қонуннинг биринчи қисми “Оила ҳуқуқи” деб номланса, унинг тўртинчи бўлими тўлиғича васийлик ва ҳомийликка бағишланган. Васийлик ва ҳомийликнинг умумий қоидалари Қирғизистон, Беларусь, Азәрбайжон давлатлари Фуқаролик кодексларининг биринчи бўлимида жойлаштирилган.

Пандект тизимлари васийлик ва ҳомийликка оид қоидаларни фуқаролик қонунчилигининг ичида жойлаштиради, бироқ уларни оилавий ҳуқуқ бўлимига киритади. Японияда васийлик институти оилавий муносабатларни тартибга солувчи Фуқаролик кодексининг тўртинчи бўлимига киритилган [12].

Хорижий мамлакат юридик адабиётларида васийлик ва ҳомийлик “вояга етмаганларнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқларини муҳофаза қилувчи чоралар мажмуи”дан ташкил топувчи фуқаролик-ҳуқуқий институт сифатида эътироф этишади [13, 274-бет.].

Шунга қарамасдан, васийлик ва ҳомийлик институти барча мамлакатларда ҳам фуқаролик қонунчилиги нормаларида ифодаланмаган. Хусусан, Қозоғистон Республикаси Фуқаролик кодексига васийлик ва ҳомийлик ҳақидаги қоидалар мавжуд эмас. Қозоғистон Республикасининг 1998 йил 17 декабрдаги “Никоҳ ва оила тўғрисида”ги Қонунининг 4-бўлими “Васийлик ва ҳомийлик” ка бағишланган бўлиб, унда нафақат вояга етмаган шахслар, балки вояга етган шахсларнинг ҳам манфаатларини муҳофаза қилиш қоидалари белгиланган. Мутахассисларнинг фикрича, Қозоғистон Республикасининг бу борадаги ҳуқуқий тизими фуқаролик ва оила қонунчилигининг предметини чегаралайди ва васийлик ва ҳомийлик институтининг ўрниги собиқ иттифоқ ҳуқуқи анъаналарига ҳамоханг белгилайди.

Мазкур фикрлардан келиб чиқиб, таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистоннинг васийлик ва ҳомийлик институтининг ҳуқуқий табиатига оид ўзига хослиги, мазкур институти тартибга солишга оид нормаларнинг бир пайтнинг ўзида иккита ҳуқуқи соҳаси – фуқаролик ва оила қонунчилигида белгиланганлигидир.

Фикримизча, васийлик ва ҳомийлик институти фақат оила қонунчилигида ифодаланиши ўзи мақсадга мувофиқ бўлмайди. Чунки, бу ҳолат биринчидан, васийлик ва ҳомийлик тайинланишининг асосий мақсади билан боғлиқ. Васийлик ва ҳомийликда фуқарони шундай жойлаштириш талаб этиладики, бунда мазкур фуқаро муомала лаёқатининг етарли бўлмаган қисми бошқа жисмоний шахснинг ҳаракати ёрдамида тўлдирилиши таъминланади, зарурий ҳолатларда эса, унинг манфаатларини ҳимоя қилинади. Муомала лаёқатининг етишмаган қисмини тўлдириш жараёни васий ва ҳомийнинг, шунингдек васийлик ва ҳомийлик органининг васийлик ёки

ҳомиликдаги шахснинг манфаатларига мос келувчи унинг эркини шакллантириш ёки ушбу эркининг етишмаган қисмини алмаштиришга йўналтирилган ҳаракатида ифодаланди. Васийликдаги ёки ҳомиликдаги шахснинг манфаатлари йўлидаги юридик ҳаракатлар васий ёки ҳомий амалга ошираётган энг муҳим ҳаракатлар ҳисобланади. Амалиётда юридик оқибатларга эришишга қаратилган юридик ҳаракатлар учун амалда шахснинг манфаатларини амалга ошириб ва ҳимоя қилиб келаётган шахслар томонидан васийлик ёки ҳомийлик расмийлаштирилиши талаб этилади. Шубҳасиз, васийлик ва ҳомийлик – шахсни жойлаштириш шакли ҳисобланади, бироқ жойлаштириш манфаатларни ҳимоя қилишни ва вакилликни назарда тутди. Васийнинг васийликдаги шахснинг ҳаёт кечирishi учун шaroитни таъминлаш ёки унинг шахсига таъсир кўрсатиш мажбурияти иккиламчи ҳисобланади. Шу боис васийлик ва ҳомийликнинг ўрнатилиши васий ва ҳомийнинг, шунингдек васийликдаги ва ҳомийликдаги шахснинг фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишга муҳим таъсир кўрсатади ҳамда ушбу муносабатларни фуқаролик қонунчилигининг предмети сифатида тан олиниши талаб қилади [14, 11-бет.].

Иккинчидан, қайд этилганидек, васийлик фақат қариндошлар ёки оиланинг бошқа аъзолари томонидан белгиланмаслиги лозим, аксинча, мутахассисларнинг таъкидлаганидек, васийлик бегона кишилар томонидан амалга оширилганда “кўпроқ холислик”ни кузатиш мумкин. Чунки, бу ҳолатда қариндошларда васийликдаги шахснинг мол-мулкига нисбатан мерос ундиришга оид ғаразли мақсадлар пайдо бўлиши мумкин [15, 456-457-бетлар.]. Замонавий муносабатларда бу муаммо аввало, муомалага лаёқатсиз фуқароларга нисбатан амалга оширилганда юзага келиши мумкин, зеро вояга етмаганлар камдан-кам ҳолларда мол-мулк эгаси ҳисобланадилар. Умуман олганда, васийлик васий (ҳомий) ва васийликдаги (ҳомийликдаги) шахс ўртасидаги қариндошлик муносабатлари мавжудлигини талаб этадиган биологик эмас, балки фақат юридик воқеъликдир.

Учинчидан, фикримизча, васийлик ва ҳомийлик ўрнатилиши натижасида оилавий-ҳуқуқий муносабат юзага келмайди. Юқорида қайд этилганидек, қонун чиқарувчи “оила аъзоси” атамасидан фақат шартли ҳолда фойдаланиши мумкин ва васий (ҳомий)ни ва васийликдаги (ҳомийликдаги) шахсни муайян ҳолларда ва муайян мақсад учун оила аъзоларига тенглаштириши мумкин.

Шу боис васийлик ва ҳомийлик институтининг умумий қоидаларини ҳамда мазкур институтнинг “оғирлик марказини” оила қонунчилигига ўтказиш асоссиз ва фуқаролик қонунчилиги тизиминининг яхлитлигини бузган бўлур эди.

Айни пайтда ушбу институт нормалари асосий қисмининг фуқаролик ҳуқуқига соҳавий мансублиги, васийлик ва ҳомийликнинг қонуний вакиллик институтига мослигини аниқламайди. Бу ҳолатга ўз вақтида Н.М.Ершова [16, 97-бет.] ва К.И.Скловский ҳам эътибор қаратишган эди. Қонуний вакиллик ота-оналар ва фарзандликка олувчилар болаларга нисбатан вужудга келади ва шу сабабли васийлик ва ҳомийликка мос келмайди. К.И.Скловскийнинг фикрича, вакиллик “васийлик бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш воситаси

ҳисобланади, яъни васийликка нисбатан ёрдамчи тусга эга” [17, 65-бет.].

Бироқ амалдаги ФҚда васий ва ҳомийнинг муомалага лаёқатсиз шахс номидан вакиллик қилишига оид қоидалар белгиланган. Жумладан, ФҚнинг 131-моддасига кўра, муомалага лаёқатсиз фуқаролар номидан битимларни уларнинг ота-оналари, фарзандликка олувчилари ва васийлари тузадилар. ОҚнинг 94-моддасида белгиланишича, ота-она, фарзандликка олувчилар, васийлар ва ҳомийлар вояга етмаган болаларнинг хусусий мулкни фуқаролик қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқарадилар ва тасарруф этадилар.

Айрим мутахассисларнинг фикрича, қонуний вакиллик шаклларида яна бири васийлик ва ҳомийлик ҳисобланади. Вакилликнинг бу шакли қонуний вакилликнинг энг асосий ва муҳим шаклларида бири ҳисобланиб, уни тартибга солиш давлат ва жамият ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Чунки бу вакиллик бевосита ўсиб келаётган ёш авлод тарбияси, ривожланиши, уларнинг камол топиб жамиятда ўз ўрнини топиб, давлат ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиши, шу билан бирга, жамиятдаги айрим муомала лаёқати чекланган ва лаёқатсиз шахсларга ёрдам кўрсатиш каби инсонпарварлик, меҳр-оқибат билан боғлиқ ҳисобланади [18, 31-32-бетлар.].

Фикримизча, васийлик ва ҳомийликни тўлиқ маънода қонуний вакиллик шакли сифатида баҳолаш бир қадар нотўғридир. Чунки, қонуний вакиллик ота-она ва фарзандликка олувчи томонидан амалга оширилади ҳамда бунда учинчи шахсларнинг назорат ва кимгадир ҳисобдорлик талаб этилмайди. Васийлик ва ҳомийликда эса аксинча, васийлик ва ҳомийлик органининг тўлиқ назорат остида муайян маънодаги вакиллик амалга оширилади бу ҳақда васий ҳамда ҳомий ҳисобот бериб боради.

Таъкидлаш лозимки, васийлик ва ҳомийлик институтини фақат фуқаролик-ҳуқуқий институт сифатида талқин этиш мумкин эмас. Чунки, ушбу институт нормаларининг катта қисми васийлик ва ҳомийликка муҳтож шахсларни аниқлаш, васийлик ва ҳомийликни белгилаш, васий ва ҳомий фаолияти устидан назорат қилиш ташкил этади. Давлат бошқарув органларининг ушбу масалалар бўйича вазибалари васийлик ва ҳомийлик фаолиятини ташкил этишга боғлиқ бўлади. Ташкилий вазибаларни васийлик ва ҳомийлик органларининг фаолияти орқали таъминловчи маъмурий-ҳуқуқий тусдаги нормаларнинг мавжудлиги васийлик ва ҳомийлик институтининг тўлиғича фуқаролик-ҳуқуқий институт бўлиш имконияти бермайди.

Васийлик ва ҳомийлик институтига оид қоидалар мавжуд бўлган маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги қонунчиликнинг алоҳида нормалари мазкур институтни маҳаллий давлат ҳокимияти ҳуқуқига ҳам “мансублигини” аниқламайди, чунки бу нормаларнинг аксарияти васийлик ва ҳомийлик институтини тайинлаш билан боғлиқ, холос. Шу боис маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги қонунчилик нормалари фақат васийлик ва ҳомийлик органларини ташкил этиш тартибини, маҳаллий давлат ҳокимиятининг турли органлари ўртасида васийлик ва ҳомийлик органларининг ваколатларини тақимлаш тартибини назарда тутди. Аксинча, ушбу нормалар васийлик ва ҳомийлик органининг васийликдаги ва ҳомийликдаги шахсларга нисбатан ваколатлари ҳажми масаласига таалуқли бўлиши, васийлик ва ҳомийликни

белгилаш ва бекор қилиш тартибини, васий ва ҳомий фаолияти устидан назорат шакллари белгилаши мумкин эмас. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тўғрисидаги қонунчиликнинг васийлик ва ҳомийликни ҳуқуқий тартибга солишидаги аралашувини бундай чеклаш ушбу институтнинг вазифалари ва тартибга солиш предмети билан боғлиқ.

Хулоса қилиб айтиш лозимки, васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги нормаларнинг миллий қонунчилик тизимидаги ўринни белгилашда, васийлик ва ҳомийликнинг қонунчилик институти эканлигини қайд этиш лозим. Ушбу таъкид васийлик ва ҳомийликнинг ижтимоий ғамхўрлик шакли сифатидаги моҳиятига оид ғояларга тўлиқ мос келади, шунингдек бундай ғамхўрлик умумдавлат аҳамиятидаги вазифаларни бажариш ҳисобланади ва давлат ҳокимияти органларининг фаолияти билан таъминланиши ҳамда комплекс ҳуқуқий тартибга солиниши зарур. Шунга қарамадан васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги нормалар тизимининг комплекслиги туси ушбу институтнинг аҳамияти юқори эканлигини кўрсатади ва васийлик ва ҳомийликни қонунчилик соҳаси даражасида эътироф этилиши учун асос бўлади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик / Х.Т.Одилқориев, И.Т.Тулътеев ва бошқ.; проф. Х.Т.Одилқориев таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2009. – 342 б.
2. Давлат ва ҳуқуқ назарияси \Бобоев Ҳ.Б., Исломов З.М., Чориёров У.; //Масъул муҳаррирлар: Ҳ.Б.Бобоев, Ҳ.Т.Одилқориев. –Т.: "Иқтисодий ва ҳуқуқ дунёси" нашриёт уйи, 2000. –Б.210.
3. КиримоваЕ.А. Правовой институт: теоретико-правовое исследование: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. –Саратов, 1998. –С. 13-14.
4. Васильев В.В. Понятие гражданско-правового института как структурного элемента системы гражданского права // Вестник Пермского университета, 2012. Выпуск 1(15) Научный журнал. – С. 98-102.
5. Раҳмонқулов. Ҳ. Фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари. –Тошкент, 2008. –Б. 35.
6. Урумова Т.О. Опекa и попечительство над несовершеннолетними детьми: актуальные проблемы правового регулирования: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2009. –С. 10.
7. Михеева Л.Ю. Проблемы правового регулирования отношений в сфере опеки и попечительства: автореф. дис. ... докт. юрид. наук. – Томск, 2003. – С.17.
8. Пчелинцева Л.М. Комментарий к Семейному кодексу Российской Федерации. –М., 1999. – С. 492.
9. Хусусан, Е.Ю. Валявина шундай фикрни билдиради / Гражданское право: Учебник. Ч. III / Под ред. А.П. Сергеева, Ю.К. Толстого. –М., 1998. –С. 414.
10. Шундай нуқтаи назарни С.М. Корнеев асослантиришга ҳаракта қилади / Гражданское право: В 2 т. Т. I: Учебник / Отв. ред. Е.А. Суханов. 2-е изд., перераб. и доп. –М., 1998. –С. 144.
11. Гражданский кодекс Квебека. Серия: Современное зарубежное и международное частное право. –М., 1999. –С. 62–77.
12. Вагацума С., Ариидзуми Т. Гражданское право Японии (в двух книгах). Кн. 1. –М., 1983.

13. Гражданское и торговое право капиталистических государств. Ч. II: Учебник / Под ред. Р.Л. Нарышкиной. –М., 1984. –С. 274.

14. Комментарий к Семейному кодексу Российской Федерации / Под общ. ред. П.В. Крашенинникова, П.И. Седугина. –М., 1997. – С. 11.

15. Шершеневич Г.Ф. Учебник русского гражданского права (по изданию 1907 г.). –М., 1995. – С. 456, 457.

16. Ершова Н.М. Проблемы гражданско-правового регулирования личных и имущественных отношений в сфере семьи: Дис. ... докт. юрид. наук. –М., 1979. –С. 97.

17. Скловский К.И. Представительство в гражданском праве и процессе (вопросы теории: сущность, содержание, структура): Дис. ... канд. юрид. наук. – Ростов-на-Дону, 1981. –С. 65.

18. Сеитниязов К.П. Фуқаролик ҳуқуқида вакиллик ва уни амалга ошириш муаммолари: Ҳуқуқ магистри академик даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2014. – Б. 31-32.

Н.Азизов,

Тошкент давлат юридик университети
“Молия, банк ва солиқ ҳуқуқи” кафедраси мудир

ХЎЖАЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА ПРОЦЕССУАЛ ХУЖЖАТЛАР ВА УЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация: мазкур мақолада хўжалик ишлари бўйича процессуал хужжатлар ва уларни расмийлаштиришнинг назарий-амалий жиҳатлари тадқиқ этилган. Хўжалик ишлари бўйича процессуал хужжатларни расмийлаштиришни такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган. Хўжалик ишлари бўйича процессуал хужжатларни тўғри расмийлаштириш, шахсларнинг хўжалик судига электрон мурожаат қилишлари каби масалалар ҳамда суд амалиётидаги айрим процессуал хужжатларни расмийлаштиришда вужудга келиши мумкин бўлган хатоликлар ҳақида фикрлар билдирилган.

Калит сўзлар: Хўжалик процесси, процессуал хужжатлар, ҳал қилув қарори, қарор, суд буйруғи, ажрим.

Аннотация: в данной статье исследованы процессуальные акты по хозяйственным делам, а также теоретические и практические аспекты их оформления. Введены предложения по совершенствованию оформления процессуальных актов по хозяйственным делам. Высказаны мнения о правильном оформлении процессуальных актов, вопросы обращения лиц в суд в электронной форме, а также некоторые ошибки, возникающие в практике при оформлении процессуальных актов.

Ключевые слова: Хозяйственный процесс, процессуальные акты, решение, постановление, судебный приказ, определение.

Annotation: in this article it was researched the procedural acts on economical cases and theoretical and practical aspects of their registration. It was put forward the proposals on the improvement the registration of procedural acts on economical cases. It was said opinion about the right registration of procedural acts, the issues of applying to the courts on electronically, as well as the some mistakes that are appearing in practice in the process of registration of procedural acts.

Key words: Economical process, the procedural acts, the court decisions, decision, court order, ruling.

Суд ишларини юритиш тартибини белгиловчи хўжалик процессуал қонунчилик тизимини такомиллаштириш, қонунчиликдаги мавжуд нормаларнинг ҳаётга татбиқ этилишини таъминлайдиган процессуал механизмларни кучайтириш билан боғлиқ муаммоларни илмий, амалий жиҳатдан чуқур таҳлил қилиш, бу борада юксак даражада тараққий топган демократик давлатларнинг ўзини ҳар томонлама оқлаган тажрибасини танқидий таҳлилдан ўтказиш ҳамда уларни миллий қонунчилик тизимига жорий этиш масалаларини тадқиқ қилиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Статистик таҳлиллар шуни кўрсатадики, хўжалик судлари томонидан 2012 йилда жами 345.611 та ва 2013 йилда 235.150 та иш кўриб ҳал этилган. Биргина

2015 йил 9 ойи давомида 217 258 та иш кўриб чиқилган [1]. Бу ўз-ўзидан суд ишларини юритишда процессуал хужжатларнинг аҳамиятини ва уларни расмийлаштиришга бўлган талабни янада кучайтиради.

Шу маънода мазкур масаланинг, яъни биринчи инстанция хўжалик судларда процессуал хужжатлар ва уларни расмийлаштиришнинг назарий-амалий жиҳатлиги долзарблигини қуйидагилар орқали асослантириш мумкин:

Биринчидан, келиб чиқаётган низолар бўйича суд ва бошқа органларга мурожаатларни расмийлаштириш воситаларини татбиқ этишда муайян қулайликлар яратиш, шахсларнинг суд ва бошқа органларга мурожаатларини мумкин қадар соддалаштириш механизминини ишлаб чиқиш зарурияти сезилади;

Иккинчидан, давлатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар мазмунини фуқаролар, хўжалик юритувчи субъектларга тушунтириш, уларга иш фаолиятида қулайликлар яратиш, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишнинг зарурияти;

Учинчидан, хўжалик ишлари бўйича судга мурожаат қилувчи субъектлар (жисмоний ва юридик шахслар)нинг процессуал хужжатларни тайёрлаш, суд жараёнида уларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларидан тўлақонли фойдаланишларига етарли шароит яратиш, уларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш механизминини такомиллаштириш ва уларнинг фаолиятида тезкорлик ҳамда қулайлик яратиш, уларда хўжалик ишлари бўйича процессуал хужжатлар ҳақида асосий тушунча, кўникма ва билим ҳосил қилиш бугунги кунда долзарб масала ҳисобланади;

Тўртинчидан, хўжалик судлари амалиёти, адвокатура ва ҳакамлик судлари фаолиятида процессуал хужжатларни расмийлаштириш қоидаларини бирхиллаштириш, уларни моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари, тегишли қонун хужжатлари ва Олий хўжалик суди Пленуми қарорларининг тушунтиришларига инobatга олган ҳолда чиқарилишини таъминлаш (муаллиф изоҳи - ҳакамлик судлари бундан мустасно) ва натижада суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишини таъминлашга эришиш зарурияти сезилади.

Шу ўринда хўжалик судига даъво, илтимоснома ва уларга илова қилинадиган хужжатлар билан биргаликда маълумотлар алмашишнинг электрон воситалари орқали мурожаат қилиш имконияти берилишини таъминлаш мақсадида мурожаат ва унга илова қилинадиган хужжатлар хўжалик судига ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилиши мумкинлигини назарда тутувчи норма билан тўлдирилди. Ундан ташқари, ХПКнинг даъво аризалар ва аризаларнинг мазмуни ва шаклига нисбатан талабларни белгиловчи моддаларига ариза билан мурожаат қилган шахсларнинг телефонлари, факслари рақамлари ва электрон манзили кўрсатилиши мумкинлигини назарда тутувчи нормалар киритилди (ХПКнинг 104, 112-моддалари). Худди шу каби талаблар даъво аризаси юзасидан бериладиган фикр-мулоҳазаларга ҳам татбиқ этилди (ХПКнинг 119-моддаси) [2]. Хўжалик процессуал кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалардан яна бири бу маълумотлар алмашишнинг электрон воситалари орқали суд муҳокамаси қатнашчиларини хабардор қилиш имкониятини яратиш билан боғлиқдир.

Масалан, муқаддам мазкур кодекснинг 124-моддаси ишда иштирок этувчи шахслар судда кўриладиган вақт ва жой тўғрисида суднинг ажрими орқали хабардор қилинишини, ажрим топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат билан юборилишини назарда тутган бўлса, эндиликда мазкур қоидага кўшимча сифатида ушбу шахсларга тилхат олиб топширилиши ёхуд хабардор қилинганлиги факти қайд этилишини таъминлайдиган алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда хабардор қилиниши каби талаблар белгиланди. Шунингдек, агар ишда иштирок этувчи шахслар телефонлари ва факслари рақамларини, электрон манзиларини хўжалик судига маълум қилган бўлсалар, улар ишни юритиш вақтида бу маълумотлар ўзгарганлиги ҳақида хўжалик судини ёзма шаклда, шу жумладан, ахборот тизими орқали электрон шаклда хабардор қилишлари кераклиги ҳақидаги талаблар ҳам назарда тутилди (ХПКнинг 121-моддаси). Ушбу қоидалар ва талаблар электрон процессуал ҳужжатлар ҳам тузилиши мумкинлигини кўрсатади.

Хўжалик процессуал кодексининг бир неча моддаларида хўжалик судлари томонидан чиқариладиган процессуал ҳужжатларнинг номлари ва уларнинг мазмуни аниқ кўрсатиб ўтилган. Хўжалик судлари томонидан қўйидаги процессуал ҳужжатлар қабул қилинади: ҳал қилув қарорлари, қарорлар, ажримлар, суд буйруғи, суд баённомалари, суд чақирув қоғозлари ва хабарномалар ва ижро варақалари. Процессуал ҳужжатларнинг хўжалик судлов ишларини юритишнинг босқичлари бўйича ҳам алоҳида турлари ва хусусиятлари мавжуд.

Бундан ташқари, хўжалик ишлари бўйича процессуал ҳужжатларни расмийлаштиришни ўрганишда фуқаролик судлари томонидан чиқариладиган процессуал ҳужжатларнинг бир-бирига ўхшаш ва фарқли жиҳатлари кўзга кўринади. Лекин фуқаролик судларида иш юритиш жиҳатидан хўжалик судларида иш юритиш ва ишларни кўриш инстанциялари, ҳал қилув қарорлари, ажримларининг мазмун-моҳияти, уларнинг кучга кириш муддатлари, судда иштирок этувчи шахслар тоифаси билан фарқланади.

Суд амалиётини умумлаштириш натижалари шуни кўрсатадики, оддийгина ҳал қилув қарори (қарор)нинг кириш қисмида мажлисда ҳозир бўлган шахсларнинг ваколатлари кўрсатилиши тўғрисидаги қоидаларга амал қилинмаётганлиги аниқланмоқда. Хусусан Қашқадарё вилоят Адлия бошқармаси “Ёғ” қўшма корхонаси манфаатида хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар “Обод” фермер хўжалигидан 2.122.200 сўм ундиришни сўраган (муаллиф изоҳи – мазкур низодаги номлар ўзгартириб ёзилди). Даъво аризаси суднинг 2011 йил 25 январдаги ажрими билан иш юритишга қабул қилиниб, ишни кўриш 2011 йил 11 февралга тайинланган. Бироқ, шу кун суд мажлисида жавобгар иштироки таъминланмаганлиги сабабли, ишни кўриш 17 февралга қолдирилган. Суд 2011 йил 17 февралда ишни мазмунан кўриб чиқиб, даъво талабини қисман қаноатлантириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган [3].

Аммо ҳал қилув қарорининг кириш қисмида шу кунги суд мажлисида даъвогар вакили Ф.Марипов иштирок этаётганлиги кўрсатилган бўлса-да, унга суд мажлисида иштирок этиш учун берилган ишончноманинг санаси, тартиб рақами ва ким

томонидан берилганлиги кўрсатилмаган. Ваҳоланки, ХПК 138-моддасининг учинчи қисмига кўра, ҳал қилув қарорининг кириш қисмида уни қабул қилган хўжалик судининг номи, суд таркиби, суд мажлиси котиби, ишнинг тартиб рақами, иш кўрилган сана ва жой, ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи, низо предмети, мажлисда ҳозир бўлган шахсларнинг фамилиялари ва ваколатлари кўрсатилади.

Шунингдек, Олий хўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги “Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида”ги 161-сонли қарори 5-бандининг учинчи қисмида қарорнинг кириш қисмида қарорни қабул қилган суднинг номи, суд таркиби, ишнинг тартиб рақами, суд муҳокамаси санаси ва жойи, ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи, низо предмети, суд мажлисида қатнашаётган шахсларнинг ваколатлари кўрсатилган ҳолда фамилиялари, шунингдек ишнинг ёпиқ ёки очиқ, сайёр суд мажлисида кўриб чиқилганлиги кўрсатилиши ҳақида тушунтириш берилган. Бундан ташқари, ишда мавжуд бўлган даъвогар томонидан Ф.Марипов номига берилган ишончнома мазкур иш 1795-сонли ишда вакил сифатида қатнашиш учун эмас, балки 1791-сонли бошқа ишда даъвогар манфаатларини ҳимоя қилиш учун берилганлиги аниқланган.

Суд ҳужжатлари албатта асосли, адолатли ва қонуний бўлиши лозим. Шу маънода, судлар томонидан чиқарилаётган ҳужжатларнинг кўпчилик қисми процессуал ва моддий нормаларнинг бузилиши натижасида бекор бўлмоқда. Хусусан, процессуал ҳужжатлар шаклига ва мазмунига қўйилган талабларни, суд амалиётида кўплаб учраётган хатоликлар, ўз ечимини топмаган муаммоли вазиятларни ўрганиш ва тегишли тавсия ҳамда таклифларни ишлаб чиқиш лозим. Биргина суд буйруғи билан боғлиқ ишлар бўйича фуқаролик ишлари бўйича ҳамда хўжалик судларининг суд буйруқларининг расмийлаштирилиши турли хил. Бундан ташқари, хўжалик ишлари бўйича суд амалиётидан бўйича мисол тариқасида айрим процессуал ҳужжатларни расмийлаштиришда хатоликларни келтириш мумкин:

- ҳал қилув қарори (қарор)нинг кириш қисмида мажлисда ҳозир бўлган шахсларнинг ваколатлари кўрсатилмаслиги;

- ҳал қилув қарори (қарор)нинг кириш қисмида суд муҳокамаси ўтказилган жой ва ишнинг ёпиқ ёки очиқ, сайёр суд мажлисида кўриб чиқилганлиги тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаслиги;

- ҳал қилув қарорининг баён қисмида даъво аризаси юзасидан билдирилган фикр-мулоҳаза ва ишда иштирок этувчи шахслар тушунтиришларининг қисқача баёни ифодаланиши;

- ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида ишнинг хўжалик суди томонидан аниқланган ҳолатлари ва бу ҳолатлар тўғрисидаги хулосаларга асос бўлган далиллар кўрсатилмаслиги;

- ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида нисбон ҳал этишда суд таянган моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари кўрсатилмаслиги;

- ишда учинчи шахслар иштирок этганда суд қарорларида ишга жалб қилинган учинчи шахснинг процессуал мақоми аниқ белгиланиши кераклигига;

- ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида хўжалик судининг ишда иштирок этувчи шахслар асос қилиб келтирилган қонун ҳужжатларини қўлламаслигига сабаб бўлган важдари кўрсатилмаслиги;

- давлат органи ҳужжатини ҳақиқи эмас деб топиш тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарорининг хулоса

қисмида талаб қаноатлантирилган ёки уни қаноатлантириш рад этилган бўлишдан қатъий назар ҳақиқий эмас деб топиш сўралаётган ҳужжатнинг номи, тартиб рақами, чиқарилган санаси, бошқа зарур реквизитлари ва уни чиқарган орган тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаганлиги;

– ҳуқуқий таъсир чораси, жумладан, молиявий жазо тайинланмасдан, балки қўлланилишига аҳамият берилмаслиги;

– пул маблағларини ундириш тўғрисидаги даъво қаноатлантирилганида ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида асосий қарз, зарарлар, неустойка алоҳида-алоҳида аниқланган ҳолда ундириладиган сумманинг умумий миқдори кўрсатилмаётганлиги;

– ҳақамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича ажрим чиқарилмасдан ҳал қилув қарори чиқарилганлиги каби бир қатор процессуал ҳужжатларни расмийлаштиришдаги хатоларни келтириш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса ўрнида хўжалик процессуал қонунчилигини ва одил судловни амалга ошириш шакли бўлган процессуал ҳужжатлар бўйича куйидаги тақлифлар берилади:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майда ХПКга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, эндиликда ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида суд ҳал қилув қарори қабул қилган шахслар хўжалик судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан апелляция шикоят (протест) беришга ҳақлидир. Бироқ суд буйруғини бекор қилиш ҳуқуқи фақат қарздорга берилган. Суд буйруғининг устидан эса апелляция шикояти берилмайди. Шу сабабли ХПКнинг 111-моддасига куйидаги қўшимча киритиш тақлиф этилади:

“Шунингдек, агар қарздор мавжуд бўлмаган ҳолатда ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида ёки қонун талабларига номувофиқ бўлган суд буйруғи қабул қилинган шахслар хўжалик судининг суд буйруғи бекор қилиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиши мумкин”.

Шунга ўхшаш қоидалар масалан Қозғистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 148-моддасида ҳам мавжуд.

Иккинчидан, ХПКнинг III бўлими “Ҳал қилув қарорларини қайта кўриш бўйича иш юритиш” деб номланади. Бизнинг фикримизча, фақат ҳал қилув қарорлари қайта кўрилмайди. Бундан ташқари хўжалик судининг ажримлари ҳам қайта кўрилиши мумкинлиги сабабли, ушбу бўлимни “Қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларнинг қайта кўриш” деб номлаш мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, ХПКнинг 219-моддасида суд ҳужжатининг қайтарма ижроси тўғрисида норма белгиланган бўлиб, унда фақат даъво ишлари бўйича агар ижро этилган суд ҳужжати ўзгартирилиб ёки бекор қилиниб, даъвони тўла ёки қисман рад этиш тўғрисида янги суд ҳужжати қабул қилинса ёхуд иш юритиш тугатилса, ёхуд даъво кўрмасдан қолдирилса, бекор қилинган ёки тегишли қисми ўзгартирилган суд ҳужжати бўйича даъвогар фойдасига ундирилган ҳамма нарса жавобгарга қайтарилиши англашилади. Бироқ бу ерда суд буйруғи бўйича ҳам қайтарма ижро бўлиши мумкинлиги тўғрисида суд амалиётида муаммолар учраб турибди. Тўғри, Олий хўжалик суди Пленумининг 2013 йил 5 декабрдаги “Суд буйруғи

бериш тўғрисидаги ишларни кўришда Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси нормаларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 254-сон Қарорининг 18-бандида суд буйруғи ижро ҳужжати кучига эга бўлганлиги сабабли қайтарма ижроси тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш бўйича тушунтириш берилган бўлса-да, ушбу қоидаларни айнан ХПКда акс этиши мақсадга мувофиқ.

Тўртинчидан, судлар фаолиятига замонавий ахборот коммуникация технологиялари жорий этиш бўйича яратилаётган шарт-шароитларнинг давоми сифатида суд жараёнларини видео, аудио қайд этишни, шунингдек суд жараёнлари стенографиясининг янги турларини ташкил этиш бўйича тақлифлар тайёрлаш долзарб ҳисобланади. Шунингдек, фақат электрон почта орқали эмас, балки онлайн равишда хўжалик суди сайти орқали процессуал ҳужжатларни тўғри расмийлаштиришнинг жараёни иштирокчилари электрон танишиш имконияти берилиши мақсадга мувофиқ.

Бешинчидан, суд ҳужжатлари бўлмиш процессуал ҳужжатлар, хусусан, ҳал қилув қарори, қарор, суд буйруғи, ажрим, суд мажлиси баённомаси юзасидан асосий тушунча ва қоидаларни ўрганиш ҳамда ушбу процессуал ҳужжатларни тўғри расмийлаштиришнинг назарий-амалий масалаларини тадқиқ этиш ҳамда суд амалиётини умумлаштириш материалларидан фойдаланган ҳолда процессуал ҳужжатларнинг шакли ва мазмунига қўйилган талабларни ишлаб чиқиш, суднинг процессуал ҳужжатлари намуналари ва амалиётда учраётган хатоликларнинг таҳлилини ўз ичига олган, судларда иш юритишни ва процессуал ҳужжатларни расмийлаштиришнинг назарий-амалий масалаларини қамраб олган “Хўжалик ишлари бўйича процессуал ҳужжатлар намуналари ва уларни расмийлаштиришнинг назарий-амалий масалалари” номли монография чоп этиш муҳим ҳисобланади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг расмий веб сайти. <http://oxs.uz>.
2. Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси (ЎзР 30.08.1997 й. 478-1-сон Қонуни билан тасдиқланган), “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси”. 1997. –№ 9, 234-модда (2015 йил 20 августда энг сўнгги киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳисобга олинган ҳолда).
3. Суд амалиётини умумлаштириш материаллари тўплами (кўчирмалар). Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди. – Т.: «Niso Poligraf» наشريёти, 2015. –Б 640.

У.Холикулов,
кандидат юридических наук,
старший научный сотрудник-
исследователь ТГЮУ

РОЛЬ УГОЛОВНОГО ПРАВА В МОДЕРНИЗАЦИИ СТРАНЫ

Аннотация: в рамках данной статьи рассмотрены вопросы, связанные с ролью уголовного права в модернизации страны и его направление в дальнейшее реформирование. Высказывается мысль о его месте в системе права с учетом социального назначения уголовного права.

Ключевые слова: преступность, безопасность, наказание, реформирование, правовая система.

Аннотация: ушбу мақола доирасида мамлкатни модернизация қилиш ва амалга ошириладиган келгуси ҳуқуқий ислохотларда жиноят ҳуқуқининг аҳамияти билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилган. Жиноят ҳуқуқининг ижтимоий аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда унинг ҳуқуқ тизимида тутган ўрни ҳақида назарий-ҳуқуқий фикрлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: жиноятчилик, хавфсизлик, жазо, ислох қилиш, ҳуқуқ тизими.

Annotation: in this article the issues related to the role of criminal law in the country's modernization and its future direction of reform. It is suggested in its place in the legal system with regard to the social purpose of criminal law.

Key words: crime, safety, punishment, reform, legal system.

Уголовное право безусловно играет важную роль в модернизации общества. Однако этот вопрос требует более пристального внимания. Хотелось бы отметить, что значение уголовного права в этом процессе весьма велико, так как оно охраняет наиболее важные социальные ценности и тем самым обеспечивает модернизацию страны. Однако не следует переоценивать ее роли. Чаще контекстом реформирования (или либерализации) уголовного права являются не изменения в обществе, а переосмысление правовой основы, ценностей, существующих в том или ином обществе.

В Узбекистане уголовное право постоянно находится под влиянием реформ, которые могут быть признаком быстрого социального развития. В обстановке динамично развивающегося общества, уголовное право рассматривается не столько как движущая сила социальной модернизации, а скорее всего как средство ее нормального обеспечения. В контексте реформирования Узбекского общества, дебаты по развитию уголовного права, в основном связаны именно с политикой уголовного наказания, а тема о назначении и роли уголовного права в модернизации общества не затрагивалась.

Если уголовное право страны начинает явно отставать от развития общества, то возникнет вопрос о его легитимности и, в таких случаях, реформы затрагивают только наказания. Но бывает, что уголовный закон опережает модернизацию общества. В подобных ситуациях в уголовное законодательство включаются статьи об уголовной ответственности за деяния, которые в силу развития общественных отношений, коммуникаций, технологий до поры до времени по своей природе не могут быть совершены.

Являясь частью более широкой правовой системы, уголовное право вынуждено находиться под влиянием других отраслей права, которые, в свою очередь, влияют на тенденцию уголовного права. Традиционно, более комфортно оно чувствует себя в отсталой системе правопорядка, чем в перспективно развивающейся, где закон должен служить развитию общества в различных областях социальной и правовой политики.

В уголовной политике Узбекистана, серьезный позитивный шаг в направлении либерализации был сделан в 1995 году с принятием действующего уголовного законодательства. В 2001 году, когда Президент Узбекистана И.Каримов, придерживаясь идеи всеобщего благосостояния, в своем докладе на VI сессии Олий Мажлиса Республики Узбекистан второго созыва, предельно ясно поставил вопрос о роли уголовного правосудия (в том числе и уголовного закона) в нашем развивающемся обществе. В 2005 году, данные им же идеи были развиты и нашли своё отражение во многих позитивных изменениях, внесенных в Уголовное законодательство.

Третий шаг в этом направлении был сделан после доклада И. Каримова на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан в 2010 году. И хотя, на вопросах уголовного права внимание не заострялось, тем не менее, было констатировано, что важнейшим направлением развития уголовной политики остаются либерализация, гуманизация и декриминализация уголовного законодательства[1, 41-стр.].

Предлагая те или иные идеи по поправкам в Уголовный кодекс РУз, Президент исходил из комплексности реформирования страны, параллельно, и, что немаловажно, в первую очередь, предлагал внести изменения в законодательства, регулирующие социальные сферы [2, 116-стр.].

В период с 2001 по 2014 годы в УК было внесено более 180-ти изменений. Если не вдаваясь в подробности представить общую картину, то она выглядит следующим образом: 1) изменения, связанные с исключением таких видов наказания, как конфискация имущества и смертная казнь; 2) изменение классификации преступлений; 3) внедрение института примирения; 4) смягчение при назначении наказания; 5) послабления в отправлении правосудия в отношении несовершеннолетних и женщин; 6) криминализация деяния. Из более, чем 180-ти изменений и дополнений криминализировано около 20-ти деяний, и за этот период ни одно деяние не было декриминализовано. Остальные изменения либо редакционного характера, либо связаны с приведением в соответствие с вышеупомянутыми положениями [4, 62-78-стр.]. Институциональные изменения были приняты и вступили в силу до 2010 года. О позитивных результатах ранее сказано было немало. После 2010 года изменения в УК вносились в основном по поводу криминализации деяний. Однако интерес вызывает другой немаловажный вопрос, каким образом эти изменения и дополнения повлияли на структуру и динамику преступности, насколько они подтолкнули законодателя на разработку таких законов, которые способствуя углублению реформ, повлияли и на предупреждение преступности.

И здесь возникает вопрос, как Уголовное право может способствовать социальному развитию? С какого ракурса необходимо изучить его роль и, что необходимо пересмотреть в этой новой обстановке для

дальнейшего совершенствования уголовного законодательства?

Думается, что бессистемное и скороспелое внесение поправок в УК может привести к его нагромождению множеством специальных, фрагментарных норм, которые, в свою очередь, будут в той или иной мере дублировать друг друга и затруднят работу правоохранительных органов и суда, может привести к утрате уголовным правом его естественной роли в системе права.

В соответствии с новыми вызовами сегодняшнего дня назревает необходимость глубинных реформ уголовного законодательства. Основная идея должна состоять в том, что в обеспечении общественного благосостояния социальная политика должна преобладать над уголовным правосудием, она должна служить отправной точкой совершенствования УК. При этом нет ни малейшего сомнения в том, что уголовное право, при правильной оценке её возможностей играет немаловажную роль в обеспечении модернизации страны, но отнюдь не модернизирует её.

Исходя из того, что социальная политика имеет решающее значение, в первую очередь необходимо дальнейшее совершенствование социальных систем в противодействии таким сферам преступности как экономические, экологические, должностные преступления, преступления против мира и безопасности человечества и против Республики Узбекистан. Модернизация общества и интеграция в мировое сообщество, в первую очередь, может породить новые возможности для преступности, именно в этих сферах, этот факт должен мотивировать законодателей к решению этих вопросов. Вместе с тем необходимо пересмотреть все институты уголовно-правового регулирования: начиная от основополагающих принципов, до защиты индивидуальных интересов и коллективных социальных благ.

Что же касается уголовных наказаний, современная национальная законотворческая практика, как правило, придерживается слишком традиционных ценностей в этом плане в контексте развития форм наказаний даже ближнего зарубежья.

Современные теории наказания, можно классифицировать в соответствии с ролью, которую уголовное законодательство играет в модернизации страны. Это позволит выяснить несколько разных ответов на основной вопрос.

Классические теории, карающих наказаний, основываются на индивидуальной профилактике, ссылаясь на биологические корни преступности. Полагая, что эффективно управляя людьми, можно решить коренные проблемы преступности, сторонники указанной теории верили в специальную профилактику преступности. Они считают, что даже если специальная профилактика не работает, то по крайней мере, она контролирует опасных лиц.

Эти предположения во многом утратили свою актуальность. Как было доказано современной криминологией, лишение свободы не работает настолько эффективно, насколько на нее рассчитывают. Объяснение преступности не может быть сведено до уровня индивида, так же как и противодействие ей. Преступность представляет собой социальное явление. Именно поэтому она должна быть осознана на соответствующем уровне и противодействие ей должно осуществляться соответствующим образом. Изоляция же виновного от общества не даст долгосрочного результата.

Так, ориентиры социальной политики, очерченные Президентом и правительством, призывают к переосмыслению практически всех социальных сфер. В своих докладах И. Каримов не раз указывал на ненужную жестокость уголовного права и другие, связанные с ними формы социального контроля[3, 325-стр.]. Идея заключается в том, что законность и пропорциональность должны ограничивать роль уголовно-правовых мер. Общая профилактика, предупреждение преступности должны быть актуальнее, чем привлечение к уголовной ответственности и наказание.

Поэтому, сегодня назрела необходимость создания комиссии по разработке принципов и оснований, на которых должен строиться новый Уголовный кодекс, готовя таким образом всеобъемлющую реформу национального уголовного права. В работу этой комиссии должны привлекаться представители различных профессий и специальностей, начиная от учёных и социологов, и заканчивая опытными практиками.

При работе над совершенствованием УК, необходимо терпение, так как спешка может лишь навредить реформам. В первую очередь, необходимо заложить такие фундаментальные положения, которые могли бы оставить простор для его совершенствования в перспективе с учетом влияния на него международного права.

Важно, осознать реальные масштабы рисков как с учетом правовой глобализации, так и с возникновением новых угроз в условиях дальнейшей модернизации страны. Избавится от привычки рассматривать каждую проблему отдельно. Чтобы не допустить фрагментарности норм уголовного законодательства, необходимо оценивать систему права и состояние социальных ценностей комплексно.

Если вместо стратегического и глобального видения верх возьмут ведомственные интересы с расчетом на достижение ближайших целей, то возникнет опасность утраты социальных рычагов воздействия на преступность и обеспечения безопасности в целом.

В качестве отправной точки, на наш взгляд, следует исходить из задач, поставленных Президентом страны. Основываясь на них можно предложить следующие направления работы.

1. Сокращение репрессивных, карательных функций системы наказания, можно добиться путем включения в систему наказаний новых видов и пересмотра санкций статей Особенной части УК в соответствии с принципами справедливости, законности и ценности охраняемого объекта.

2. Разработать критерии классификации правонарушений, которые позволят четко разграничить правонарушение от преступления. С учетом перспективы создания судов по административным делам в Кодексе об административной ответственности предусмотреть только ответственность за административные споры. Остальные правонарушения перевести в Уголовный кодекс в качестве уголовного проступка, отличающегося от преступления. В свою очередь, это требует пересмотра таких понятий, как "понятие преступления", "основания уголовной ответственности" "классификация преступлений", "понятие и цели наказания", и повлечет внесение изменений в систему наказаний.

3. Отдельно предусмотреть классификацию преступлений, совершенных несовершеннолетними, женщинами, а также престарелыми лицами.

4. Необходимо также синтезировать и сконцентрировать некоторые ключевые принципы, которых следует придерживаться при составлении Особенной части Уголовного кодекса. Уровень абстрактности и расплывчатости должен быть доведен до минимума, потому что в противном случае кодекс увеличится до немислимых размеров. Он должен быть точным, простым и понятным в своих формулировках. Один из способов достижения такой компактности, это сокращение соотношения общих и специальных норм, которое позволит избежать конкуренции норм и, следовательно, проблем ошибочной квалификации по совокупности на практике.

5. В зависимости от актуальности, необходимо периодически и системно изучать такие сферы общественной жизни, как экономика, порядок государственного управления, общественная и государственная безопасность, охрана окружающей среды, международные обязательства и в соответствии с внесенными корректировками вносить предложения в УК. С учетом увеличения мошенничества в сфере налогообложения, банковских услуг, предполагаем, что это может привести к целому ряду новых положений, охраняющих эту область.

Во избежание серьезной критики и споров, подготовленный проект необходимо представить широкому обсуждению, в том числе и в научных кругах, а обоснования проектов законов, в случаях если они будут приняты, заложить в проекты постановлений верховного суда для исключения их различных толкований.

6. Совершенно очевидно, что инструменты уголовного-правового регулирования, а также политика борьбы с преступностью достигла новых уровней, которые разработаны международным и европейским сообществом. Борьба с транснациональной преступностью предопределяет транснациональное сотрудничество. И в таких условиях крайне важно разработать общий (или хотя бы максимально приближенный к международному) понятийный аппарат и форму, дабы облегчить взаимодействие на международном уровне в том объеме, который необходим для эффективного противодействия указанной преступности.

Такие вопросы безопасности в современных условиях как борьба с организованной преступностью, коррупцией, наркоторговлей и терроризмом требуют глубоко продуманных и взвешенных поправок в национальное законодательство. В какой-то степени эти законы будут выходить за рамки классических принципов национального уголовного права.

Наличие высокого требования к обеспечению внешней и внутренней безопасности может серьезно повлиять на гарантии прав человека. Ситуацию с безопасностью и повышением эффективности государственного управления необходимо улучшать параллельно с обеспечением основных прав человека в интересах законности. В этом направлении Конституция страны может служить достойной опорой.

Основной функцией уголовного права в современном правовом государстве должно стать обеспечение тех ценностей, которые позволяют развиваться обществу, а не тормозят его. Уголовное право должно обладать вспомогательным характером по отношению к социальным моральным основам общества, которое не может существовать без его поддержки, в котором оно зародилось, и которое оно призвано охранять. Мы не можем отдавать предпочтение уголовно-правовым средствам регулирования общественных отношений,

так как в этом случае рискуем потерять из виду общественные и социальные рычаги воздействия на преступность и управление обществом.

Список литературы:

1. Каримов И.А. Справедливость – в приоритете закона / За безопасность и мир надо бороться. Сборник работ. Том X. – Т., 2002. – С.41.

2. Каримов И.А. По пути преодоления последствий мирового кризиса, модернизации страны и достижения уровня развитых государств. –Т., 2010, Т 18. – С.116.

3. Каримов И.А. Демократик имлохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. – Т., 2011, Т.19. – Б. 325

4. Абдукодиров Ш.Ё., Мирзаев У.М. Жиноят қонунчилиги соҳасида амалга оширилган ислохотлар ва уни ривожлантириш истиқболлари // Жиноят ва жиноят процессуал қонунчилигини такомиллаштириш масалалари: миллий ва хорижий тажриба мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. –Т.: ТДЮУ, 2014. –С. 62-78.

М.Қ.Ўразалиев,

ТДЮУ “Жиноят ҳуқуқи ва криминология”
кафедраси катта илмий ходим изланувчиси

ГИЁҲВАНДЛИККА ЙЎЛИҚҚАН МАҲҚУМЛАРГА НИСБАТАН ТИББИЙ ЙЎСИНДАГИ МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ

Аннотация: мақолада гиёҳвандликка йўлиққан маҳқумларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини ижро этиш ва гиёҳвандлик билан касалланган шахсларни мажбурий даволаш масалалари таҳлил қилинган. Шунингдек, мақолада ҳуқуқшунос олимларнинг бу борадаги фикрлари баён қилинган.

Калит сўзлар: гиёҳвандлик, гиёҳвандлик билан касалланган шахс, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари, мажбурий даволаш, гиёҳвандлик оқибатида содир этиладиган жиноятлар.

Аннотация: в статье проанализированы вопросы применения принудительных мер медицинского характера в отношении лиц, страдающих наркоманией, а также принудительного лечения лиц, страдающих наркоманией. Кроме того, в статье изложены мнения и воззрения ученых по данному вопросу.

Ключевые слова: наркомания, лицо, страдающее наркоманией, принудительные меры медицинского характера, принудительное лечение, преступление, воздействие наркотических средств.

Annotation: in the article author had analysed the questions of application of forcibly medicine measures for the drug addicted person and the compulsory treatment of these persons. Also, in the article outlined the ideas and means of the scientists about these matters.

Key words: drug addiction, drug addicted person, the forcibly medicine measures, the compulsory treatment, the crimes concerned with the drug addiction.

Мамлакатимизда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан боғлиқ ҳолда содир этилаётган жиноятларга қарши курашиш уларнинг олдини олиш давлат жиноят-ҳуқуқий сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Зотан, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан боғлиқ ҳолда содир этиладиган жиноятларнинг ижтимоий хавфлиги юқори ҳисобланиб, бундай жиноятларнинг шахс, жамият ва давлатга зарар етказиш даражаси жуда юқоридир.

Гиёҳвандлик билан касалланган маҳқумларга нисбатан жазони ижро этиш, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш, шу жумладан мажбурий даволаш амалиётининг таҳлили, В.В.Чернишов фикрига кўра, камида уч заиф бўғин мавжудлигидан далолат беради: *биринчидан*, аниқ қонунчилик базиси мавжуд эмас; *иккинчидан*, тиббий йўсиндаги чораларни озодликдан маҳрум қилишнигина эмас, балки жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган, шунингдек гиёҳвандлик билан касалланган ва унинг боисида маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларга нисбатан тайинланган жазоларни ўташ пайтида ҳам ижрони ташкил этишнинг ягона тизими йўқ; *учинчидан*, жазони ўташда муддатидан

илгари озод қилинган гиёҳвандларнинг ҳуқ-атвори устидан ҳар томонлама назорат мавжуд эмас. Ҳам юқорида кўрсатилган чоралар қўллашнинг оптималлаштириш, ҳам маҳқумларнинг ўрганилаётган тоифаларига нисбатан жазоларни ижро этишни ҳуқуқий тартибга солиш ва ташкил этишни такомиллаштириш йўлларини белгилашда айна шу йўналишлар ҳақида фикр юритиш ўринли бўлади.[1]

Жиноят-ижроия кодексида ҳам гиёҳвандлик оқибатида содир этиладиган жиноятларнинг олдини олишга қаратилган нормалар мавжуд. Бунда, аввало, ахлоқ тузатиш ишлари, қамоқ, озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилаётган маҳқумлар назарда тутилади. ЖИКнинг 15-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка йўлиққан маҳқумларга нисбатан, соғлиқни сақлаш органларининг тиббий муассасалари томонидан, улар озодликдан маҳрум этиш ёки қамоққа ҳукм қилинган тақдирда эса, ички ишлар органларининг тиббий муассасалари томонидан ижро этилади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини ижро этиш масалалари ЖИК 33-бобида тартибга солинган. Хусусан, ЖИК 182-моддасига мувофиқ, алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка йўлиққан маҳқумларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қуйидаги тартибда қўлланилади:

– жамиятдан батамом ажратиш қўйиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинган шахсларга – соғлиқни сақлаш органларининг тиббий муассасалари томонидан умумий асосларда;

– қамоқ ёки озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахсларга – жазони ўташ жойида, озод этилганларидан сўнг даволашни давом эттириш зарурати бўлганда эса – соғлиқни сақлаш органларининг тиббий муассасалари томонидан умумий асосларда.

Шунингдек, мажбурий даволанишдан ўтаётган маҳқумлар манзил-колонияларга ўтказилмайди; бир маҳқумга тўғри келадиган яшаш майдони нормаси қуйидаги миқдордан кам бўлиши мумкин эмас: бемор маҳқумлар сақланадиган палаталарда – тўрт квадрат метр; даволаш самарадорлигини ва касаллар ёки бошқа шахслар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда беморларнинг ҳуқуқлари чекланиши мумкин; беморлар тайинланган муолажани қабул қилиши ва ички тартиб қоидаларига риоя этиши шарт.

ЖИКнинг 194-моддасига мувофиқ, қамоқ жазосига ва озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган, алкоголизм, гиёҳвандлик ва заҳарвандликка йўлиққан шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади.

Мажбурий даволаш ЖИКдан ташқари, идоровий норматив ҳуқуқий ҳужжатлар билан ҳам тартибга солинади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2002 йил 3 сентябрдаги 21-сон буйруғи (рўйхат рақами 1182, 2002 йил 24 октябрь) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ИИВ тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган шахслар тиббий таъминоти бўйича Қоидалар [2] ҳамда 2012 йил 29 декабрдаги 174-сон буйруғи (рўйхат рақами 2495, 2013

йил 29 июль) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларини [3] шундай норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қаторига киритиш мумкин. Мазкур норматив ҳуқуқий ҳужжатларда гиёҳвандликдан мажбурий даволанаётган шахсларни сақлаш ва мажбурий даволанишни ўташ жойлари; даволашни амалга оширувчи мутахассисларнинг тоифалари ва унинг асослари; гиёҳвандлик билан касалланган маҳкумларни гиёҳвандликдан даволаниш учун ихтисослаштирилган махсус жазони ижро этиш муассасасидан бошқа жазони ижро этиш муассасасига ўтказиш тартиби; маҳкум озодликка чиқарилганда гиёҳвандликдан даволаниш учун ихтисослаштирилган махсус жазони ижро этиш муассасасининг наркология билан ўзаро алоқа қилиш тартиби белгиланган.

Бундай жиноятларнинг ижтимоий хавфлиги жазони ижро этиш муассасаси ҳудудида бўлган шахсларнинг хавфсизлигига таҳдид солиниши, гиёҳвандлик воситаларидан мастлик ҳолатида оммавий тартибсизликлар, бўйснмасликлар юзага келиши, жазони ижро этиш муассасаси фаолиятини издан чиқарувчи ҳаракатлар содир этилиши мумкинлиги билан боғлиқ.

Жиноят-ижроия қонун ҳужжатларида жазони ижро этиш муассасаларида гиёҳвандлик воситаларининг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган муайян нормалар мавжуд. Хусусан, ЖИК 111-моддасига мувофиқ, ички тартиб қоидаларида тақиқланган буюмлар ва нарсаларни, шу жумладан гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни сақлаш, тарқатиш, истеъмол қилиш ва улардан фойдаланиш жазони ўташ тартибини қўпол тарзда бузиш деб ҳисобланади. Жазони ижро этиш муассасаларида гиёҳвандлик воситалари тарқатилишининг олдини олишга идоравий норматив ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам алоҳида эътибор қаратилади [4].

Гиёҳвандлик билан касалланган маҳкумларга нисбатан жазони ижро этиш амалиётини, уларнинг ўртасида такрорий жиноятчиликнинг ҳолатини ўрганиш, амалдаги қонунчилик таҳлили қуйидаги иккита хулосани чиқариш имконини беради.

Биринчи хулоса суднинг мажбурий даволашни қўллаш тўғрисидаги масалани ҳал этиш ҳуқуқини қонун йўли билан мустаҳкамлаш зарурлиги билан боғлиқ. Шу мақсадда, ЖИКнинг 181-моддаси биринчи хатбошисини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади:

“Руҳий касалларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари соғлиқни сақлаш органлари томонидан суд-психиатрия экспертизаси хулосаси асосида қабул қилинган суд ажримига мувофиқ қуйидаги тартибда қўлланилади:”

Иккинчи хулоса, кўрсатилган тоифадаги шахслар жазони ўташдан озод қилинганидан кейин уларнинг хулқ-атвори устидан таъсирчан назорат ўрнатиш тўғрисидаги масалага тегишли бўлиб, бунда жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ва жазони ўташ даврида гиёҳвандликдан мажбурий даволанишдан бўйин товлаган шахслар устидан ўрнатиладиган маъмурий назорат ўзининг ижобий ролини ўйнаши мумкин. Биринчи навбатда, у оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахслар устидан ўрнатилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан

бўшатилган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ [5], маъмурий назорат вояга этган қуйидаги шахсларга нисбатан ўрнатилади: а) оғир жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган ёки ҳар қандай қасддан қилинган жиноятлар учун икки ёки ундан ортиқ марта ҳукм этилган шахсларга нисбатан, агар уларнинг жазони ўташ давридаги хулқ-атвори тузалиш ва ҳалол меҳнат қилиб кун кечириш йўлига ўтишни асло истамаганликларидан далолат берса; б) оғир жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган ёки ҳар қандай қасддан қилинган жиноятлар учун икки ёки ундан ортиқ марта ҳукм этилган шахсларга нисбатан, агар улар жазо муддатини ўтаб бўлганларидан сўнг ички ишлар идораларининг жамият учун зарарли кун кечиришни тўхтатиш тўғрисидаги оғоҳлантиришига қарамай, жамоат тартибини мунтазам бузаётган ва фуқароларнинг қонуний манфаатларига путур етказётган бўлсалар; в) ўта оғир жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахсларга нисбатан.

Бунда маъмурий назорат остига олинган шахсларга нисбатан қуйидаги чеклашлар қўлланилиши мумкин: куннинг ички ишлар идоралари белгилаб қўйган вақтида уй (квартира)дан чиқиб кетишини тақиқлаш; туман (шаҳар)нинг муайян жойларида бўлишини тақиқлаш; ички ишлар идоралари (милиция)нинг руҳсатисиз туман (шаҳар)дан ташқарига чиқиб кетишни тақиқлаш; рўйхатдан ўтиш учун ҳар ойда бир мартадан тўрт мартагача милицияга келиб учрашиш.

Юқорида кўрсатилган чеклашлар назорат остида бўлган шахснинг турмуш тарзига, оилавий аҳволига, аввалги судланганлигига ва унинг шахсини тавсифловчи бошқа ҳолатларга қараб тўла ҳажмда ёки айрим-айрим йўсинда қўлланилади. Чеклашлар рўйхати узил-кесил ҳисобланади, унга қўшимчалар қилиш ёки кенгайтириб шарҳлаш мумкин эмас. Маъмурий назоратни амалга ошириш назорат остидаги кишининг истиқомат жойидаги ички ишлар идоралари (милиция)га юклатилади.

Ички ишлар идоралари (милиция) ходимлари Маъмурий назоратни амалга оширишда: а) назорат остига олинганларнинг хулқ-атворини улар яшаётган ва ишлаётган жойда мунтазам назорат қилиб боришлари; б) назорат остига олинганларни танланган истиқомат жойида прописка қилиш ва уларни ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб этиш юзасидан зарур чоралар кўришлари; в) улар томонидан жамоат тартиби бузилиши, бошқа фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига путур етказилишининг олдини олишлари ҳамда йўл қўймасликлари; г) уларга нисбатан белгиланган чеклашлар бузилганлиги тўғрисида қонунда белгиланган тартибда баённомалар ёзишлари шарт.

Жиноят-ижроия тизими муассасаларининг Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги наркология хизматлари билан ўзаро алоқаларни такомиллаштириш, юқорида кўрсатиб ўтилган ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган маъмурий назорат тизимини кучайтириш, мазкур фаолият турлари аниқ ҳуқуқий тартибга солинган, қонунлар ва норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг нормалари сўзсиз бажарилишига эришиш бундай шахслар янги жиноятлар содир этилишининг олдини

олиш самарадорлигини оширишнинг бош йўналишларидан ҳисобланади.

Гиёҳвандлик билан касалланган маҳкумнинг даволанишга бўлган рағбатни кучайтириш мақсадида унга бўлган муносабат “ижтимоий лифтлар” тизимини қўллашга доир услубий тавсияларда янада аниқ белгилаб қўйилиши лозим. Айни ҳолда биз В.С. Евлампиевнинг гиёҳвандлик билан касалланган маҳкумларга рағбатлантирувчи нормалар (жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш, жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо тури билан алмаштириш ва ҳ.к.)ни қўллашда уларнинг хулқ-атворигина эмас, балки гиёҳвандликдан даволаниш нияти ҳам ҳисобга олиниши лозим, деган фикрига қўшилаемиз. “Гиёҳвандликнинг ижтимоий хавфлилик даражасидан келиб чиқиб, гиёҳвандлик билан касалланган маҳкумларни уларнинг гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилишдан бош тортиш ҳақида ёзма мажбурияти бўлган тақдирда жазони ижро этиш муассасасида яхшироқ шароитларда сақлашга ўтказиш амалиёти жорий этилиши лозим”. [6]

Бу тақлифни ривожлантириш учун А.П.Скибанинг гиёҳвандлик билан касалланган маҳкумлар учун ахлоқан тузалганлик даражасини аниқлашнинг қўшимча мезони – даволаниш жараёнига бўлган муносабат ва унга риоя этишни киритиш ҳақидаги фикри ҳам диққатга сазовор [7].

Ҳуқуқий нормалар мазмунини ўрганиш ҳам гиёҳвандликдан мажбурий даволашни ижро этишни ва гиёҳвандлик билан касалланган деб эътироф этилган маҳкум жазони ижро этиши муддатини кечиктиришни норматив-ҳуқуқий тартибга солишни, ҳам ташкилий ва услубий таъминлашни такомиллаштириш зарур, деган хулосага келиш имконини беради. Уларда жиноят содир этган гиёҳванд – бу аксарият ҳолларда руҳий ва жисмоний ҳолати бузилган шахс ёки ижтимоий қийинчиликларга дуч келаётган ёнги гиёҳвандлик воситаларига қарамликдан халос бўлиш учун ижтимоий ва терапевтик ёрдамга мутож бўлган инсондир.

Гиёҳвандлик билан касалланган маҳкумларга нисбатан жазоларни ижро этишга доир услубий тавсияларда қуйидагиларга урғу берилса, айни муддао бўлур эди: гиёҳвандлик билан касалланган маҳкумларга уларнинг шаъни ва қадр-қиммати камситилишини истисно этадиган инсоний муомалада бўлинишини таъминлашга; тиббий воситалар ва усулларни қўллашда раҳмдилликка; мажбурий даволашни тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилувчи тиббий комиссия ишида иштирок этиш учун исталган врач-наркологни тақлиф қилиш ҳуқуқини беришга. Уларда гиёҳвандларни фақат улар гиёҳванд деб эътироф этилганига асосланган ҳолда ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларидан маҳрум этишга йўл қўйилмаслиги акс эттирилиши лозим. [8]

Наркологик жиҳатдан соғломлиги аён бўлган шахсга нисбатан мажбурий даволашни асоссиз қўллаш учун жавобгарлик (шу жумладан жиноий жавобгарлик) жорий этиш ҳақидаги тақлиф [9], бизнингча, ўта муҳим аҳамият касб этади.

Шу мақсадда ЖКга қуйидаги мазмундаги 234¹-моддани киритиш тақлиф этилади.

“234¹-модда. Қонунга хилоф равишда тиббий йўсиндаги мажбурият чораларини қўллаш

Наркологик ва руҳий жиҳатдан соғломлиги аён бўлган шахсга нисбатан, шунингдек қонунда белгиланган тартиб ва асосларга риоя қилмасдан

тиббий йўсиндаги мажбурият чораларини қўллаш, шу жумладан, мажбурий даволашни асоссиз қўллаш, –

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ билан жазоланади.”.

Ўз навбатида, қуйидагилар қонун даражасида мустаҳкамланиши лозим: а) гиёҳвандлик билан касалланган маҳкум ҳуқуқий мақомининг хусусиятлари; б) наркологик ёрдам кўрсатаётганда тиббиёт ходимлари ва бошқа мутахассисларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари; в) наркологик ёрдам кўрсатишда хавфсизликни таъминлаш чоралари; г) гиёҳвандлик билан касалланган маҳкумлар жазони ўташдан озод қилингандан кейин уларнинг устидан ижтимоий назорат; д) гиёҳвандларга наркологик ёрдам кўрсатиш турлари: ихтиёрий, мажбурий; кўрсатилган турда наркологик ёрдам кўрсатишнинг ҳуқуқий асослари.

Гиёҳвандлик билан касалланган маҳкумлар жазони ўтаётган жазони ижро этиш муассасалари ходимлари тегишли тайёргарликдан ўтишларини таъминлаш зарур. Улар шу жумладан наркология, психология ва пенитенциар криминология асосларини ўрганишлари ташкил этилса, бизнингча, мақсадга мувофиқ бўлади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Чернышов В.В. Исполнение наказания в виде лишения свободы в отношении осужденных, больных наркоманией: Дисс. ...канд. юрид. наук. – М., 2008. – С. 133.
2. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2002 йил 3 сентябрдаги 21-сон “Ўзбекистон Республикаси ИИВ тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган шахслар тиббий таъминоти бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 8-9-сон, 88-модда.
3. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2012 йил 29 декабрдаги 174-сон “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 31-сон, 414-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2002 йил 3 сентябрдаги 21-сон буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ИИВ тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган шахслар тиббий таъминоти бўйича Қоидалар; 2012 йил 29 декабрдаги 174-сон буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидалари.
5. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатилган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида”ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 1-сон, 33-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 229-модда.
6. Евлампиев В.С. Правовые и криминологические проблемы принудительного лечения осужденных-наркоманов: Автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. – Рязань, 1996. – С. 11.

7. Скиба А.П. Исполнение наказания в лечебно-профилактических учреждениях: Автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. – Ростов н/Д., 2003. – С. 8.

8. Журавлева Т.Н. Институт принудительных мер медицинского характера в законодательстве Российской Федерации: Автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. – Ростов н/Д., 2002. – С. 8.

9. Трепель В., Шишов М., Варданян Г. Актуальные медицинские аспекты уголовного права и процесса // Уголовное право. 2012. – №4. – С. 119.

Б.Муминов,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
мустақил изланувчиси

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ ВА МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ ТИЗИМИДА ТАФТИШНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Аннотация: мақолада дастлабки терговда махсус иқтисодий билимлардан фойдаланиш муаммолари қайд қилиниб, мазкур муаммоларни ҳал қилиш юзасидан таклифлар киритилган. Мулоҳазалар натижасида, тафтишнинг мамлакатимиз иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга қаратилган хўжалик назоратининг ва жиноятларни очишнинг асосий воситаси сифатида моҳияти белгиланган.

Калит сўзлар: жиноят процесси, дастлабки тергов, махсус иқтисодий билимлар, молиявий назорат, тафтиш.

Аннотация: в статье описываются проблемы применения специальных экономических познаний в предварительном следствии, рассматриваются возможные пути решения данной проблемы. Путем рассуждений определена сущность ревизии, как основного метода хозяйственного контроля, направленного на обеспечение экономической безопасности страны и способа раскрытия преступлений.

Ключевые слова: уголовный процесс, предварительное следствие, специальные экономические познания, финансовый надзор, ревизия.

Annotation: an article describes problems of using special economic knowledge on preliminary investigation, examines possible solutions to tackle this tasks. By reasoning determined the matter of inspection as basic procedure of economic control and detection of a crime, ensuring economic security

Key words: criminal procedure, preliminary investigation, special economic knowledge, financial control, inspection.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги маърузасида мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг иқтисодиётида эришилган ютуқлар ва натижалар негизида аввало бозор ислохотлари ва мамлакатни модернизация қилишнинг пухта ўйланган модели ва узоқ муддатга мўлжалланган дастурини босқичма-босқич амалга ошириш бўйича олиб борилаётган тизимли, изчил ва қатъий ҳаракатлар турганлигига алоҳида эътибор қаратди» [1, 47-бет]. Бу борада амалга оширилган туб ўзгартиришлар қаторига тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш мақсадида, ягона солиқ тўловининг жорий этилишини, банк-кредит тизимининг либераллаштирилишини, нақд ва нақд бўлмаган пул айланмаларини унификация қилиш бўйича чора-тадбирларни, солиқ ва божхона маъмуриятчилиги билан боғлиқ жараёнларни соддалаштириш бўйича кўрилган чора-тадбирларни, давлат ва назорат тузилмаларининг корхоналар молия хўжалик фаолиятига аралашувини кескин қисқартириш, хўжалик субъектлари ҳамда тадбиркорликнинг иқтисодий эркинлиги ва ҳуқуқларини сезиларли даражада кенгайтирилганлиги, шу жумладан, назорат идораларининг хўжалик

субъектлари ва тадбиркорлик объектларини текшириш натижалари бўйича қонун бузилишлари аниқланганда жазо чоралари фақат судлар томонидан қўлланилиши тартиби жорий этилганлигини кўрсатиб ўтиш керак.

Молиявий назорат турли усулларда олиб борилди. Молиявий назорат усуллари деганда уни амалга ошириш йўллари, воситалари ва шакллари назарда тутилади. Молиявий назоратнинг қуйидаги усуллари мавжуд: тафтиш, текшириш, молиявий режа лойиҳаларини кўриб чиқиш, мансабдор шахс ҳисоботи, ахборотларини эшитиш ва б. Бу назорат олдиндан режалаштирилиб ёки режалаштирилмаган ҳолда—тўсатдан амалга оширилиши мумкин.

Молиявий назоратнинг асосий усули — тафтиш ўтказишдир. Тафтиш ўз объектларига кўра: а) ҳужжатлар асосидаги; б) амалдаги; в) тўлиқ; г) танлаш йўли билан ўтказиладиган турларга, ташкилий жиҳати кўра: режали ва режасиз; атрофлича (бир неча идора томонидан) бўлиши мумкин. Тафтиш 30 кундан ортиқ давом этмаслиги керак.

Жиноят ишлари бўйича дастлабки терговни амалга оширишда ва суд жараёнида терговчи ва судьялар бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги махсус билимларга мурожаат қиладилар. ЖПКда махсус билимлардан фойдаланишнинг уч шакли қайд этилган:

1. Тергов ўтказилишда ва суд фаолиятида мутахассиснинг қатнашиши;

2. Тергов ва судда кўрилаётган жиноий ишлар бўйича ҳужжатли тафтиш ўтказиш;

3. Суд бухгалтерия экспертизаси.

Жиноятларни очиш ва тергов қилиш жараёнида, шунингдек жиноят ишлари бўйича суд муҳокамасини ўтказишда махсус билимлардан фойдаланиш доимо муҳим аҳамият касб этиб келган. Ушбу ҳолат илм-фан, техниканинг бугунги кундаги эришаётган ютуқларига мос равишда янада кенгайиб бормоқда. Фан-техниканинг такомиллашуви жараёни жиноят ишлари бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун аҳамиятли бўлган махсус билимлар ёрдамида аниқланадиган масалаларнинг доирасини доимий тарзда кенгайиб боришида ўзининг аксини топапти.

Тафтиш ўтказилиши мураккаб жараён бўлиб, илмий-техник, услубий, ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатларга эга. Уларнинг ҳар бири экспертлик фаолиятининг самарали бўлишини таъминлаш учун муайян аҳамият касб этади.

Тайёрланаётган ёки содир этилган жиноятлар ҳақидаги ариза ва хабарларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш, суриштирув ва тергов фаолиятини юритиш, жиноят ишларини судда ҳал этиш фаолиятини амалга оширишда дастлабки тергов идоралари ва суд ҳал этилиши учун махсус билимлар талаб қиладиган масалаларга дуч келадилар.

Терговчи ва иш бўйича юритувни амалга ошираётган бошқа шахслар ҳуқуқшунос мутахассис ҳисобланадилар ва бундай мураккаб масалаларни муайян соҳа билимлари эгаларининг ёрдамисиз ҳал эта олмайдилар. Хусусан, мулкни растрата қилиш ёки ўзлаштириш орқали талон-тарож қилишда жиноят ишини кўзғатиш учун асос бўлиб, тафтишчи томонидан тузилган тафтиш далолатномалари хизмат қиладди. Бундай турдаги жиноят ишлари кўзғатилганидан сўнг тергов заруриятига кўра кўрсатиб ўтилган шахслар чақирилиб, гувоҳ тариқасида сўроқ қилинадилар ва ишнинг муайян ҳолатлари аниқлаштириб олинади. Шунингдек, дастлабки терговни амалга ошириш жараёнида терговчи махсус тавсифланадиган

маълумотномаларни олиш учун турли муассасаларга мурожаат қиладди.

Кўрсатиб ўтилган ҳолларда терговчилар томонидан махсус билимлардан фойдаланиш тафтиш ва суд-бухгалтерия экспертизаларини тайинлаш, ҳужжатларни талаб қилиб олиш ва гувоҳларни сўроқ қилиш орқали чекланган чегараларда ўтказилади.

Шунингдек, қонунчиликда жиноят ишлари бўйича терговни амалга оширишда махсус билимлардан фойдаланишнинг бир неча турлари кўрсатиб ўтилган: тафтиш (ревизия), идоровий текширув, маълумотлар бериш бўйича фаолиятни амалга ошириш, тергов ҳаракатларини ўтказишга мутахассисни жалб қилиш (ЖПКнинг 69-70-м.м.), ишда иштирок этиш учун таржимонни жалб қилиш (ЖПКнинг 71-м.), педагогнинг, қонуний вакилни ишга жалб қилиниши (ЖПКнинг 61, 549-м.м.), экспертиза текшируви учун намуналар олиниши (ЖПКнинг 188-197-м.м.), шунингдек экспертизаларни тайинлиниши ва ўтказилиши (ЖПКнинг 172-187-м.м.).

Фикримизча, тафтиш – жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахслар ва органларнинг топшириғига биноан амалга ошириладиган фаолият бўлиб, тафтишчи ихтиёрига тақдим этилган материалларни ўрганиш ва ўтказилган тадқиқотларнинг натижаларига кўра далилий кучга эга бўлган хулосалар беришдан иборатдир.

Шундай қилиб, тафтиш қуйидаги сифатлар билан тавсифланади:

а) унинг ўтказилиши – юзага келган масалаларни махсус билимларни ишлатиш орқали ҳал этиш вазифасига эга процессуал ҳаракатдир;

б) тафтиш тайинлиниши билан тафтишчи-мутахассис жиноят процессига субъект сифатида киритилиб, муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади, ҳамда ўз фаолиятини амалга оширишда нисбий мустақилликка эга бўлади;

в) тафтиш натижалари далолатнома билан расмийлаштирилади ва улар кейинчалик жиноят ишида далил сифатида ишлатилиши мумкин.

Тафтиш хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини, бухгалтерлик ҳисоби ва моддий бойликларнинг ҳисобининг тўғри йўлга қўйилганлигини текшириш учун ўтказилади. Унинг экспертизадан (суд-бухгалтерлик, қурилиш-техник ва х.к.) фарқлиниши унинг процессуал шаклидан иборат.

Тафтиш тушунчасининг тўғри белгиланиши ва унинг турларини аниқ ажратилиши жиноят ишларини тергов қилишда тафтишчиларнинг махсус билимларидан фойдаланишнинг самарадорлиги юқори даражада бўлишига хизмат қиладди. Терговчи томонидан тафтиш ва текширувларнинг турлари ҳақидаги билимларга эга бўлиш илгари ўтказилган тафтишлар ҳужжатларини тўғри баҳолашга, тергов қилинаётган жиноят иши материалларидан келиб чиққан ҳолда бирламчи, қўшимча, такрорий тафтиш тайинлашда тафтишнинг турининг тўғри танланишига хизмат қиладди.

Тафтиш сўзи, лотинча «revisio – қайта кўриб чиқиш» сўзининг муқобили бўлиб, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятига тааллуқли равишда амалга оширилган ҳар бир ўтказма ва операциянинг, бухгалтерлик ҳужжатларида акс эттирилишини контроль қилиш мақсадларида, қайта кўриб чиқилиши мумкинлигини аниқлатади.

Ҳужжатли тафтиш хўжалик контролининг тури ҳисобланади. Ҳужжатли тафтишнинг асосий вазифалари қаторига белгиланган молия-хўжалик вазифала-

рининг тўғри бажарлишини назорат қилиш, моддий ва молиявий ресурсларни тўғри ишлатилишини текшириш, назорат-тафтиш ишларининг тўғри йўлга қўйилганлигини текшириш, ҳамда қўшиб ёзишлар, ўзлаштириш, растрата қилиш ҳолатлари ва бошқа ноқонуний ҳатти-ҳаракатларнинг мавжудлигини текширишдан иборатдир.

Иқтисодга оид ва юридик адабиётларда ҳужжатли тафтишнинг тушунчаси ва мазмуни турли равишда талқин қилиниши оқибатида тергов органлари томонидан унинг моҳиятини нотўғри тушунилишига ва қўлланилишига олиб келади. Бу асосан, тафтишчининг ҳал этиши учун унинг ваколатли доирасига кирмайдиган, нотўғри саволларнинг қўйилиши, ўтказилган тафтиш ҳужжатларининг дастлабки тергов материалларида нотўғри ишлатилиши ёки умуман ишлатилмаслиги, тафтишчилар томонидан ўз ваколатлари доирасига кирмайдиган саволларга жавоб беришларида намоён бўлади.

Тафтиш ўтказиш жараёнида корхонанинг ишлаб-чиқаришга оид, молиявий-ҳўжалик фаолиятига оид ҳужжатлар текширилиши керак. Бухгалтерлик ҳисоби юритилишининг ҳолати тафтиш учун асосий ва ягона манбаа бўлмайди. Тафтиш ўтказиш жараёнида фактик таҳлил усуллари (инвентаризация, лаборатория текшируви, назорат ўлчаш ва ҳ.) ҳам қўлланилади ҳамда бухгалтерлик ҳужжатларидан ташқари, бошқа ҳужжатлар ҳам (масалан, меҳнат дафтарчаларидаги ёзувлар ва ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқлар солиштирилади) текширилади, шунингдек назорат нафақат тафтишчи томонидан балки бошқа мутахассис томонидан ҳам амалга оширилади.

Ўтказилаётган комплекс тафтишларнинг сифатини ошириш ва корхона фаолиятининг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятининг барча жабҳаларини қамраб олиш мақсадида, тафтиш-назорат бўлимлари штатига турли мутахассислар – қурувчилар, ўлчовчилар ва бошқалар киритилади. Шу сабабли, бизнинг фикримизга кўра, «бухгалтерлик тафтиши» эмас, балки «ишлаб-чиқариш ва молиявий фаолиятнинг ҳужжатли тафтиши» тушунчасини қўллаш мақсадга мувофиқ. Тушунчаларда фарқларнинг мавжудлиги сабабли баъзи терговчилар тафтиш тайинлашда ҳужжатли тафтиш ўтказишни, бошқалари ҳужжатли тафтиш ўтказилишини, учинчилари эса ҳужжатли-бухгалтерлик тафтиши ўтказилишини талаб қиладилар.

Дастлабки тергов идоралари томонидан тайинланадиган тафтишларнинг тушунчалари ҳақида тўхталиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

З.П.Климованинг фикрича, терговчининг талабига асосан ўтказиладиган ҳужжатли тафтишнинг предмети бўлиб, ҳўжалик воситаларининг ҳужжатлар, ҳисоб рўйхатларида акс этган ҳаракатланиши ва бухгалтерлик ҳужжатларининг юритилиши ҳолати ҳисобланади, ҳамда улар жиноят ишининг материаллари ва терговчининг топшириғи мазмунига бевосита боғлиқ бўлади [2, 27-36-бетлар].

Бу фикрга, умуман қўшилиш мумкин бўлсада, терговчи тафтиш тайинлаш орқали нафақат терговга маълум бўлган ҳолатларни аниқлаштиришга ҳаракат қилади, балки терговнинг тўлиқлигини ва ҳолислигини таъминлаш мақсадида, ишга алоқадор бўлган, ҳали аниқланмаган, суиистеъмолликларни аниқлашга ва фош этишга ҳаракат қилади. Суд-тергов амалиётида ҳужжатли тафтиш ўтказиш жараёнида, жиноят ишини қўзғатишда ҳам, иш бўйича дастлабки тергов жараёнида ҳам аниқланмаган жиноий суиистеъмолликлар-

нинг ҳолатлари, ўзлаштириш, растрата қилишнинг терговга маълум бўлмаган фактлари аниқлангани ҳолатлари маълум.

Бизнинг фикримизча, тафтиш тергов органининг талаби биланми ёки режали тарзда амалга оширилишидан қатъий назар, унинг предмети бўлиб, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб-чиқариш, молиявий-ҳўжалик фаолияти, унинг самарадорлиги, мансабдор шахсларнинг қарорлари ва ҳатти-ҳаракатларининг қонунийлигини текширишдан иборат. Юқорида келтирилган тафтиш турларининг мақсади ҳар хил. Режали тарзда амалга оширилаётган тафтишнинг мақсади, корхонанинг нормал тарздаги молиявий-ҳўжалик фаолиятини белгиланган вақтда, юқори турувчи органлар томонидан текширишдан иборат.

Жиноят иши қўзғатилиши муносабати билан тайинланадиган ва ўтказиладиган тафтишнинг мақсади қуйидагилардан: талон-қорж ёки бошқа жиноий қилмишлар содир этилганлиги ёки содир этилмаганлигини аниқлаш, молиявий операцияларнинг тўғри бажарилганлигини, бухгалтерлик ҳисобини тўғри юритилганлигини, моддий ресурсларнинг ҳаракатланиши тўғри ташкиллаштирилганлигини текширишдан иборатдир [3, 124-129-бетлар]. Биз ушбу фикрни қўллаб-қувватлаймиз. Тафтишнинг объектлари бўлиб, ҳўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш, молия-ҳўжалик юритиши фаолиятини ўзида акс эттирувчи ҳар қандай молиявий ҳужжатларда акс этган ҳолатлар хизмат қилади.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 май кунидаги ПФ-4725-сонли Фармони билан, жиноят ишлари юзасидан ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш жараёнида адвокатларнинг мажбурий иштироки таъминлаши, ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтирди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Т., 2010. –Б.47.
2. Климова З.П. Производство ревизии по уголовным делам. –М., 1999. –С.27-36.
3. Ортиков А. Суд бухгалтерияси. Дарслик. –Т., 2005. –Б.124-129.

Д.Каримова,

Старший научный сотрудник - соискатель Института старших научных сотрудников - соискатель Академии МВД Республики Узбекистан

ОСОБЕННОСТИ ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ СЛЕДОВАТЕЛЯ С ОРГАНАМИ ДОЗНАНИЯ ПРИ ОСУЩЕСТВЛЕНИИ ДОСЛЕДСТВЕННОЙ ПРОВЕРКИ ЗАЯВЛЕНИЙ И СООБЩЕНИЙ О ПРЕСТУПЛЕНИЯХ

Аннотация: в статье рассматриваются вопросы взаимодействия следователя с органом дознания при осуществлении доследственной проверки на стадии возбуждения уголовного дела в досудебном производстве при расследовании уголовного дела, а также процессуальные особенности взаимоотношения и проведения процессуальных, следственных и оперативно-розыскных действий следователя с дознавателями при производстве доследственной проверки.

Ключевые слова: уголовный процесс, досудебное производство, возбуждение уголовного дела, доследственная проверка, следователь, орган дознания, взаимодействие следователя с органом дознания.

Аннотация: мақолада жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни терговга қадар текширувини амалга оширишда терговчининг суриштирув органлари билан ҳамкорлигининг ўзига хос хусусиятлари баён қилинган. Шунингдек, бу борадаги муаммоларни бартараф қилиш бўйича илмий асосланган ечимлар таклиф этилган.

Калит сўзлар: жиноят ҳақидаги ариза ва хабарлар, жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни терговга қадар текшируви, терговчининг суриштирув органлари билан ҳамкорлиги.

Annotation: The article is dealing with the theoretical analysis of scientific views concerning the essence and contents of investigators and inquiry office's interaction. In the light of the study author its definition of interaction investigator with the bodies of inquiry.

Key words: interaction, bases of interaction, social conditionality of interaction, investigator, bodies of inquiry, interaction investigator with the bodies of inquiry.

Осуществляемая в Республике Узбекистан судебно-правовая реформа коснулась различных сторон. Осуществляемая в Республике Узбекистан судебно-правовая реформа коснулась различных сторон жизни общества. Одной из таких сторон является совершенствование уголовно-процессуальных правоотношений, в том числе стадий уголовного судопроизводства. Правовые нормы, регулирующие первоначальную стадию уголовного процесса – возбуждение уголовного дела, уже несколько раз подвергались изменениям. В последние годы были внесены изменения, связанные со сроками проведения доследственной проверки при возбуждении уголовного дела, в частности, увеличился срок данной проверки до одного месяца. Процессуальный порядок доследственной проверки совершенствуется и одним из направлений, имеющее большое значение является взаимодействие между лицами ответственными за производство по уголовными делами в досудебном производстве: следователем и органами дознания.

При возбуждении уголовного дела, согласно уголовно-процессуального законодательства Республики

Узбекистан, осуществляется доследственная проверка. Так, согласно ст. 329 УПК «заявления, сообщения и иные сведения о преступлениях должны быть зарегистрированы и разрешены немедленно, а при необходимости проверить законность повода и достаточность оснований к возбуждению уголовного дела непосредственно, либо с помощью органов дознания – не позднее десяти суток. Этот срок исчисляется с момента получения заявлений, сообщений и иных сведений о преступлении и до момента принятия решения о возбуждении дела или об отказе в возбуждении, либо направления материалов доследственной проверки прокурору в соответствии со статьей 587 настоящего Кодекса.

В пределах срока, указанного в части первой настоящей статьи, проводится доследственная проверка, в ходе которой могут быть истребованы дополнительные документы, объяснения, а также произведены задержание лица, осмотр места происшествия и экспертиза. Производство во время доследственной проверки других следственных действий запрещается.

В исключительных случаях срок доследственной проверки может быть продлен прокурором до одного месяца по мотивированному постановлению дознавателя или следователя при наличии одного из следующих обстоятельств:

1) назначение экспертизы, служебного расследования, документальной ревизии или иной проверки, требующие продолжительного времени для их производства;

2) необходимость истребовать объяснения лиц, находящихся в отдаленных местностях или уклоняющихся от явки по вызовам;

3) установление новых обстоятельств, без дополнительной проверки которых невозможно принятие решения.

Исходя из анализа данной статьи видно, что при проведении доследственной проверки предполагается взаимодействие следователя с органами дознания по различным направлениям расследования. Доследственная проверка позволяет своевременно выявить и закрепить признаки преступной деятельности, дать конкретным проявлениям этой деятельности правильную правовую оценку, определяя направления и конкретные мероприятия по закреплению доказательств (проведение осмотра места происшествия, назначения экспертизы и т.д.) выбрать оптимальную форму реализации полученных в результате оперативно-розыскной деятельности данных, и тем самым, создать предпосылки для успешного расследования уголовного дела. На наш взгляд, правильно отмечает по этому поводу А.И. Кривенко, который отмечает, что «взаимодействие следователя и оперативно-розыскных подразделений будет наиболее эффективным, если оно возникнет на самой ранней стадии, на которой возможно взаимодействие в конкретных обстоятельствах» [1, 118-стр.].

Проведение доследственной проверки является совместной деятельностью следователя и органа дознания. Следователь без помощи органа дознания и других служб правоохранительных органов, просто не в состоянии качественно провести доследственную проверку с целью подготовки к раскрытию тщательно подготовленного преступления, особенно, совершенного в условиях неочевидности. Как справедливо отмечает по этому поводу А.С. Кудинов, что эффективность организации взаимодействия при раскрытии

преступлений по «горячим следам» в большой степени зависит от знания и правильного применения норм уголовно-процессуального законодательства следователя и органа дознания [2, 24-стр.].

Доследственная проверка основывается на законах и нормативных правовых актах, что включает в себя осуществление взаимодействия в правовой процессуальной форме или иной форме, предусмотренной Законом «Об оперативно-розыскной деятельности Республики Узбекистан». Кроме этого, данная деятельность должна предполагать четкую регламентацию статусного положения сторон. Правовая основа взаимодействия следователя и сотрудников органа дознания не может считаться логически завершенной без установленной в УПК РУз прямого указания о взаимодействии, сотрудничестве данных субъектов предварительного следствия. Следовательно, нормативные правовые акты регулируют не только деятельность, но и процессуальный статус каждого из взаимодействующих участников в процессе доследственной проверки, и это сотрудничество носит взаимный характер.

Сущность взаимодействия при проведении доследственной проверки двух самостоятельных органов заключается, главным образом, в соединении усилий следователя ОВД и органов дознания, в согласованности их действий при строгом соблюдении принципа законности, самостоятельном выполнении каждым из них намеченных действий, при руководящей роли следователя.

Взаимодействие следователя с органом дознания при проведении доследственной проверки, а впоследствии, установление оснований для возбуждения уголовного дела, направлено на подготовку почвы для раскрытия преступления. Производство первоначальных процессуальных действий, составляют правовую и организационную основу доследственной проверки. Для успешного завершения доследственной проверки необходимо согласованное взаимодействие следственных и оперативных подразделений, сочетание процессуальных и оперативно-розыскных форм получения доказательств и установления истины по делу.

Как и любое взаимодействие, совместная деятельность следователей ОВД и органов дознания, при проведении доследственной проверки призваны решать определенные задачи. Из многообразия задач, выполняемых следователем и органами дознания при их взаимодействии в проведении доследственной проверки, можно выделить основные: защита прав и законных интересов лиц и организаций, потерпевших от преступных посягательств, а также личности от незаконного и необоснованного обвинения, ограничения ее прав и свобод. [4, 31-35-стр.].

Для более эффективного и качественного проведения доследственной проверки следователь и орган дознания должны выполнять согласованные, спланированные действия. Осуществление данной задачи дает более четкую определенность, совершаемых действий взаимодействующих органов:

- оптимальное сочетание сил, средств и методов при осуществлении проверки;
- следователь и сотрудники органов дознания принимают предусмотренные законом меры, делая все возможное, чтобы установить основания для возбуждения уголовного дела и, чтобы никто из виновных не избежал уголовной ответственности и наказания.

В современной процессуальной литературе вопрос о взаимодействии при производстве доследственной проверки толкуется по-разному.

Наиболее часто звучат точки зрения, выражающиеся в предоставлении более широких полномочий следователю при проведении следственных действий до возбуждения уголовного дела и обязательном, более оперативном выполнении поручений со стороны органа дознания. [5, 43-47-стр.].

Другая точка зрения связана с более активной деятельностью органа дознания в начальном этапе доследственной проверки, и вступление следователя в процесс проверки только после проведенной оперативно-розыскных мероприятий дознавателями. [6, 178-181-стр.].

Наконец, ряд авторов предлагает устранить пробелы и противоречия связанные с взаимодействием следователя и органа дознания путем законодательного рецензирования стадии возбуждения дела и доследственной проверки [7, 31-35-стр.].

Действующее уголовно-процессуальное законодательство, регулирующее доследственную проверку, содержит ряд правовых пробелов и коллизий, в связи с чем на практике у следственных органов возникает ряд дискуссионных вопросов, связанных, прежде всего, с возбуждением уголовного дела, включая поводы для возбуждения уголовного дела, сроки, пределы и полноту проведения доследственной проверки.

Необходимо признать, что в настоящее время доследственная проверка стала по своей сути не процессуальной формой расследования, а уголовное дело возбуждается лишь после того, как установлена судебная перспектива уголовного дела.

Вместе с тем, анализ норм уголовно-процессуального кодекса в их совокупности, и в части порядка проведения доследственной проверки по поступившим в следственные органы заявлениям и сообщениям о преступлениях, и сложившаяся практика, позволяющая сделать вывод о том, что для принятия решения о возбуждении уголовного дела, вне зависимости от повода его возбуждения, часто необходимы результаты оперативно-розыскной деятельности. А для того, чтобы они имели доказательственную силу, необходимо их «легализовать». Здесь мы имеем определенную коллизию, связанную с некоторыми противоречиями норм Закона «Об оперативно-розыскной деятельности» со статьями, регулирующими деятельность органов дознания, имеющих право на производство оперативно-розыскной деятельности в части использования сведений, полученных оперативно-розыскным путем. Непосредственно, касающаяся доследственной проверки, данная проблема, появилась с вступлением в силу в 2013 году Закона «Об оперативно-розыскной деятельности». С учетом имеющихся этих и других проблем, целесообразно рассмотреть вопросы организации взаимодействия следователя и органов дознания, а также специфику процессуальной регламентации их взаимоотношений при доследственной проверке заявлений и сообщений о преступлениях, а также при осмотре места происшествия.

Самым доступным и распространенным проверочным средством является получение объяснений от граждан. Содержание объяснения не является показаниями. Эффективным способом проверки, поступившей информации о преступлении, являются оперативно-розыскные мероприятия. Проверка информации о

преступлении производится сотрудником органа дознания по поручению начальника органа дознания. Проверка должна быть завершена в течение 10 суток. Но, на основании ст. 329 УПК Республики Узбекистан, в исключительных случаях срок доследственной проверки может быть продлен прокурором до одного месяца по мотивированному постановлению дознавателя или следователя, если по делу необходимо назначить экспертизу, служебное расследование, документальную ревизию или иная проверка, требующая продолжительного времени для их производства, а также в случае необходимости истребования объяснения лиц, находящихся в отдаленных местностях или уклоняющихся от явки по вызовам, а также, если были установлены новые обстоятельства, без дополнительной проверки которых невозможно принятие решения. Производством во время доследственной проверки других следственных действий запрещается.

Следующим проверочным действием является истребование необходимых письменных материалов от различных органов, учреждений и организаций. Это означает, что при проверке заявления или сообщения о преступлении орган дознания либо следователь вправе требовать производства документальных проверок, ревизий и привлекать к их проведению оперативных сотрудников и специалистов, имеющих научные знания в данной области. В случаях невозможности проведения доследственной проверки процессуальными методами оперативное подразделение вправе провести доследственную оперативную проверку путем проведения оперативно-розыскных мероприятий, перечень проведения которых определен статьей 14 Закона Республики Узбекистан «Об оперативно-розыскной деятельности». Если по результатам данной проверки, обнаружатся поводы и основания для возбуждения уголовного дела, то орган дознания в лице руководителя оперативного подразделения передает материалы органам следствия для возбуждения и дальнейшего расследования уголовного дела.

Доследственная проверка должна завершиться анализом обстоятельств, перечисленных в ст. 322 УПК РУз, среди которых следует особо выделить установление поводов и оснований для возбуждения уголовного дела. Основанием же для возбуждения уголовного дела является наличие достаточных данных, указывающих на признаки преступления. Достаточные данные – это недостаточные доказательства и признаки преступления – не признаки состава преступления. В теории и на практике уголовного процесса пока не сложилось единого понимания о том, какой объем признаков состава того или иного вида преступления должен содержаться в понятии «признаки преступления», и быть достаточным для возбуждения уголовного дела. Это касается и результатов оперативно-розыскной деятельности. Обобщение практики показывает, что каких-либо формальных критериев, признаваемых достаточными для положительного решения вопроса о возбуждении уголовного дела по итогам доследственной проверки, пока не выработано, что также является задачей, требующей своего разрешения.

В целом, процесс оценки материалов доследственной проверки, поступивших в следственные органы, можно условно разделить на три этапа. На первом, который можно назвать внешней оценкой, необходимо исследовать правильность оформления и легитимности первоначальных информационных доку-

ментов. Прежде всего, необходимо убедиться, что в материалах имеется постановление надлежащего лица о проведении проверки, протокол изъятия и осмотра документов, заявление, объяснения и возражения лиц, потерпевших, свидетелей и подозреваемых по настоящему делу.

На втором – осуществляется формальная оценка, включающая проверку правильности использования нормативной базы при исследовании и наличие причинно-следственной связи между исследованием и выводами.

Наконец, на третьем – оцениваются фактические данные. Особое значение имеет вопрос о том, каким методом проводилась проверка, и какая нормативная база при этом использовалась, поскольку от того, как она проводилась, какие методы при этом использовались, зависит ее полнота, а главное достоверность выводов доследственной проверки.

Таким образом, материалы доследственной проверки, собранные следователем и органом дознания, являются важнейшим и необходимым условием получения полной информации о наличии признаков преступления, что позволит следователю объективно оценить поступившие материалы и принять законное и обоснованное решение о возбуждении уголовного дела либо об отказе в его возбуждении.

К сожалению, как правильно отмечает Н.Н.Хайдаров, «часто взаимодействие между органом дознания и следователем прерывается после передачи материалов оперативным работником следователю для дальнейшего расследования [8, 16-17-стр.]. Это происходит от того, что некоторые практические работники думают, что преступление считается раскрытым с момента возбуждения уголовного дела и подписания начальником органа дознания карточки о раскрытии преступления. Это мнение неверно, так как, преступление считается раскрытым с момента утверждения прокурором обвинительного заключения.

Изучение материалов доследственной проверки, приобщенных к уголовным делам показало, что наиболее распространенными типичными недостатками, содержащимися в них, являются: несвоевременное начало и нарушение методики проведения доследственной проверки – 27,5%; неполнота собранных материалов об основаниях для возбуждения уголовного дела – 21,1%; недостаточная степень взаимодействия следователя и органов дознания в процессе доследственной проверки – 52,4% [9].

Как видно из результатов изучения уголовных дел, более половины из выявленных недостатков при доследственной проверке являются различного рода проблемы, связанные с взаимодействием между следователем и органом дознания на данном этапе, что в очередной раз подтверждает необходимость совершенствования взаимодействия следователя с органами дознания в процессе доследственной проверки. Кроме этого, вопрос о праве следователя давать поручения органу дознания о проведении оперативно-розыскных мероприятий в процессе рассмотрения заявлений, сообщений о преступлении также нуждается в законодательном закреплении.

Следует отметить, что эффективность взаимодействия вышеназванных субъектов повышается и при разбирательстве действий сменяемого дежурного наряда, где будут выявлены и обсуждены отдельные недостатки (если есть таковы) в организации взаимо-

действия, выясняются, по чьей вине они допущены, и принимаются безотлагательные меры для их устранения. Мы уверены, что это дисциплинирует других следователей и сотрудников уголовного розыска, подчеркивая необходимость организации оперативным дежурным четкого взаимодействия между участниками группы.

Для повышения эффективности взаимодействия субъектов раскрытия и расследования преступлений в предлагаемой нами Инструкции по организации взаимодействия по раскрытию и расследованию преступлений, Целесообразно особо подчеркнуть право следователя на дачу указаний и поручений всем участникам группы при рассмотрении и проверке сообщений и заявлений, как в процессе проведения осмотра места происшествия, так и при подготовке к нему. В связи с чем, предлагается внести соответствующее дополнение ч. 4 ст. 36 УПК Республики Узбекистан, следующего содержания: «в процессе рассмотрения заявлений, сообщений о преступлении, следователь вправе давать поручения органу дознания о проведении оперативно-розыскных мероприятий». Это внесёт определенную ясность во взаимоотношения следователей, работников уголовного розыска и сотрудников других служб при доследственной проверке сообщений и заявлений о преступлении.

Таким образом, правильно организованное и осуществленное взаимодействие оперативно-розыскных подразделений и следователя на этапе возбуждения уголовного дела позволяет своевременно выявить и закрепить признаки преступной деятельности, дать конкретным проявлениям этой деятельности правильную правовую оценку, определить направления и конкретные мероприятия по закреплению доказательств, выбрать оптимальную форму и момент реализации результатов оперативно-розыскной деятельности и тем самым создать предпосылки для успешного расследования уголовного дела.

Список литературы:

1. Кривенко А.И. Взаимодействие следователя и органов, осуществляющих оперативно-розыскную деятельность. Монография. – М., 2006. – С.118.
2. Кудинов А. С. Особенности организации взаимодействия сил средств органов внутренних дел при раскрытии преступлений по горячим следам: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Волгоград, 2002. –С.24.
3. Косимов О. А. Проблемы взаимодействия следователя с органами дознания на стадии возбуждения уголовного дела по материалам оперативно-розыскной деятельности //Российский следователь. 2011. – № 12. – С.31-35.
4. Быков В. М. Взаимодействие следователя с органами дознания при расследовании преступлений // Следователь. 2013. – № 6. – С. 43 – 47.
5. Взаимодействие следователей органов внутренних дел Российской Федерации с органами дознания при раскрытии и расследовании преступлений / Ю. А. Ковтун и др. Пробелы в российском законодательстве. 2014. –№ 6. –С. 178 – 181.
6. Косимов О. А. Проблемы взаимодействия следователя с органами дознания на стадии возбуждения уголовного дела по материалам оперативно-розыскной деятельности //Российский следователь. 2011. – № 12. – С.31-35.

7. Шилин А. В. Взаимодействие следователя с органами дознания, средствами массовой информации на первоначальном этапе расследования по уголовным делам, возбужденным по фактам безвестного исчезновения несовершеннолетних //Вопросы ювенальной юстиции. 2007. – № 1. –С. 16-17.

8. Хайдаров Н.Н. Подозреваемый в уголовном процессе. Автореф. дис... канд. юрид наук. –Т. 2001. –С. 25.

9. По результатам проведенного автором исследования.

Д.Бекматова,

Тошкент давлат юридик университети
мустақил изланувчиси

ЖИНОЙ ТАЪҚИБ ФАОЛИЯТИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА БУГУНГИ ҲОЛАТИ — ТАРИХИ, ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ, ҚОНУНЧИЛИК ТАҲЛИЛИ

Аннотация: мақолада жиноий таъқиб функцияси, унинг мазмунига жиноят-процессуал ҳуқуқ назариясида билдирилган фикрлар, уларнинг таҳлили, жиноий таъқиб институтининг ривожланиш тарихи, жиноят-процессуал ҳуқуқ назариясини ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар баён қилинган.

Калит сўзлар: жиноий таъқиб, айблов, айблов фаолияти, гумонланувчи, айбланувчи, жиноий-процессуал функция.

Аннотация: в статье изложены взгляды учёных об уголовном преследовании, их анализ, история возникновения института уголовного преследования, даны предложения по совершенствованию теории уголовно-процессуального законодательства.

Ключевые слова: уголовное преследование, обвинение, обвинительная деятельность, подозреваемый, обвиняемый, уголовно-процессуальная функция.

Abstract: in the article presented opinions of scientists on criminal persecution, its' analyze, the history of appearance of the institute of criminal persecution, given recommendations on enhancement of criminal-procedural law.

Key words: criminal persecution, accusation, accusing activity, suspected, accused, criminal-procedural function.

Жиноий таъқиб жиноят процессида энг муҳим фаолият йўналишларидан бирини ташкил этади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида таъқиб –“орқасидан қувиш, изига тушиш, қувгин қилиш, жазолаш; зимдан, билдирмасдан кўз-қулоқ бўлиб кузатиш; эркин ҳаракат-фаолият кўрсатишга қўймаслик, шу мақсаддаги назорат, кузатиш; издан тушмоқ, кетидан қувмоқ” сифатида “таъқиб этмоқ (қилмоқ) — кўздан ўтказмоқ, кузатмоқ, кўз-қулоқ бўлиб кузатмоқ, назоратда тутмоқ” тарзида изоҳланган [1, 38-бет]. Ушбу тушунча жумладан, жиноят ишини қўзғатиш асосларини аниқлашга, жиноятни очишга, жиноятчини фош қилишга, жиноий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларни ёхуд жиноятни содир этиш сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш мақсадида қувиш, кузатиш сифатида баҳоланиши мумкин.

Ҳозирги кунга келиб, процессуалчи олимлар ўртасида “жиноий таъқиб”нинг мазмуни турли хил ёндашувлар асосида талқин этилмоқда. Хусусан, жиноий таъқибга оид олимларнинг қарашларини уч гуруҳга ажратиш имконини берди:

Биринчи гуруҳ процессуалчи олимлар жиноий таъқибни жиноят процессининг ваколатли субъектлари томонидан амалга ошириладиган айблов фаолияти сифатидаги ёндашувни қўллаб-қувватлайдилар (Ф.М.Мухитдинов, Б.Н.Рашидов, В.Асанов,

А.В.Синельников, Е.Г.Васильева, В.В.Вандышев, А.Г.Халиулин, З.Ф.Коврига, Р.К.Досанов, Ю.В.Козубенко, О.Я.Баев, С.И.Герасимова). Жумладан, ўзбек процессуалчи ҳуқуқшунос олими Ф.М.Мухитдиновнинг фикрича ҳам “дастлабки тергов

органи томонидан айблов функцияси амалга оширилишини тасдиқ этувчи бирламчи асосни ЖПКдаги 2-модданинг мазмунида кўриш мумкин. Унга биноан, дастлабки тергов органининг жиноят процессидаги энг муҳим вазифаси “жиноятларни тез ва тўла очишдан”, “жиноят содир этган” ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ... учун “айбдорларни фош этишдан” иборатдир. Демак, дастлабки тергов органи томонидан амалга ошириладиган фаолиятнинг мазмуни ва шакли, бевосита - жиноий таъқиб (айблов) функциясининг ғоясини акс эттиради” [2, 132-133 бетлар].

Бизнинг фикримизча, ушбу гуруҳдаги ҳуқуқшунос олимлар жиноий таъқиб тушунчасига таъриф беришда жиноий таъқибни айблов фаолиятига тенглаштирадилар, ваҳоланки, жиноий таъқибда асосий мезон ҳар қандай шахсни айблаш эмас, балки жиноят ҳодисасибўйича ҳақиқатни аниқлаш ҳамда уни содир этишда айбдор шахсларни фош этиш билан боғлиқ жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари вазифаларини самарали ҳал қилишдан иборат, деб ҳисоблаймиз. Бошқача айтганда, жиноий таъқибни амалга оширадиган мансабдор шахсларнинг фаолияти жиноят иши бўйича айблов доирасидан четга чиқади. Чунки, гумон қилинувчи, айбланувчи аниқ бўлмаган жиноят иши бўйича тергов ҳаракатлари, айнан, ушбу жиноятни содир этган мазкур шахсларни аниқлашга (айблашга эмас) қаратилган бўлади. Шу боис ҳам мазкур ёндашув тарафдорларининг мулоҳазалари мазмунан нисбатан торроқ доирани қамраб олади, деб ҳисоблаймиз ва уларга қисман қўшилаемиз.

Иккинчи гуруҳ олимлар жиноий таъқибни жиноят-процессуал фаолият сифатида баҳолайдилар (А.Б.Соловьёв, О.Н.Коршунова, З.Д.Еникеев, А.М.Ларин). Жумладан, А.Б.Соловьёв жиноий таъқибни фақатгина айблов фаолияти сифатида баҳолашга қўшилмаган ҳолда, жиноий таъқиб бўйича мансабдор шахсларнинг фаолияти жиноят иши бўйича айблов доирасидан четга чиқиб кетишини таъкидлагани ҳолда, дастлабки терговда ушбу органларни айблов тарафига айлантириш ҳақидаги таклифлар эса, назарий ва амалий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, бу ҳол бир тарафламалikka олиб келиб, жиноят-судлов ишларини юритиш иштирокчиларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишга салбий таъсир кўрсатади [3. 115-бет].

Бизнинг назаримизда эса, иккинчи гуруҳдаги ҳуқуқшунос олимлар жиноий таъқибга жиноят-процессуал фаолият сифатида ёндашганларида унинг мазмунини ҳаддан зиёд кенгайтириб юборганлар. Хусусан, жиноий таъқибни жиноят ишини ҳал қилиш деб ёзганларида, жиноят ишини ҳал қилиш нафақат жиноий таъқиб (айблов), балки ҳимоя ва одил судлов фаолиятидан ҳам иборат эканликларини эътибордан четда қолдирганлар. Зеро, мазкур таърифга кўра, жиноят иши юритиши фақатгина айблов фаолиятига тенглаштирилади. Ёхуд ушбу гуруҳдаги лсиноий таъқибни иш бўйича қонуний ва асосли қарор қабул қилишга боғлаган муаллифлар ҳам унинг асосий мазмун-моҳияти таъқиб этиш хусусиятидан иборат эканлигини кўрсата олмаганлар. Шу боис ҳам мазкур ёндашув тарафдорларининг мулоҳазалари мазмунан нисбатан кенг доирани қамраб олиши ва унинг асл мазмунини ифодалаб бера олмаслиги туфайли уларга қўшила олмаймиз.

Учинчи гуруҳ ҳуқуқшунослар жиноий таъқибга жиноят-процессуал функция сифатида ёндашадилар. Уларнинг фикрича, жиноят-процессуал функцияси сифатида жиноий таъқиб кенг мазмун касб этади (Г.П.Химичева, Р.В.Мазюк, Б.Т.Безлепкин, Т.З.Зинатуллин). Масалан, Г.П.Химичева жиноий таъқиб жиноят-судлов ишларини юритиш иштирокчиларининг қонун орқали мустақамланган жиноят-процессуал функцияси бўлиб, у ҳар бир ҳолатда жиноятнинг белгилари, жиноят ҳодисасини аниқлаш, жиноят содир қилган шахсларни фош қилишга йўналтирилган мажбуриятларни ўз ичига олади" [4. 122-бет], деб ёзади.

Ушбу гуруҳдаги процессуалчи ҳуқуқшунос олимларнинг қарашларига қўшиламмиз. Чунки, бизнингча ҳам жиноий таъқибга, айнан, жиноят-процессуал функция сифатида ёндашиш мақсадга мувофиқ бўлиб, бу унинг табиати ва хусусиятларини янада тўлароқ акс эттиришга ҳамда шаклланган ҳуқуқни қўллаш амалиётига мос келади. Юқоридаги ҳуқуқшунослар билан илмий баҳсга киришган ҳолда, лсиноят-процессуал функция сифатида жиноий таъқиб тушунчасида қуйидаги жиҳатлар албҳида эътироф этилиши лозим деб ҳисоблаймиз: биринчидан, унинг амалга ошириш тартиби, ҳуқуқий асослари, субъектлари ва чегаралари; иккинчидан, жиноий таъқиб доираси ва унинг мазмуни, нималардан иборат эканлиги.

Демак, юқоридагилар асосида жиноий таъқибга қуйидагича таъриф бериш мумкин: **“Жиноий таъқиб-бу жиноят-процессуал қонунчилигида белгиланган тартибда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва, жабрланувчининг ижтимоий хавфли қилмишни аниқлаш, уни содир қилган шахсни фош қилишга йўналтирилган процессуал фаолияти мажмуини ифодаловчи жиноят-процессуал функция”**.

Жиноий таъқиб фаолиятининг қуйидаги хусусиятларини алоҳида ажратиш бўлиб кўрсатишимизмумкин: ушбу фаолият айбловчи хусусият касб этади, шахснинг жиноят содир этишдаги айбини фош этишга қаратилган бўлади; қатъий процессуал хусусиятга эга бўлиб, процессуал қонунда кўзда тутилган тартибда, қонунда кўзда тутилган усул ва воситалардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади; давлат мажбурлов чораларини қўллаш орқали амалга оширилиши мумкинлиги; жиноий таъқибни қузғатиш ва уни амалга ошириш субъектида қоида тариқасида ҳокимият ваколатларига эгаллиги; жиноий таъқибни амалга ошириш усуллари ва процессуал чоралари ўзига хос хусусиятларга эга; содир қилинган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига боғлиқ ҳолда дифференциялашуви мумкин; хусусий айблов элементлари мавжуд бўлганда диспозитивлик хусусиятига эга бўлади; жиноий таъқибнинг бошланиши юридик ва фактик хусусиятга эга бўлган муайян умумий ва махсус шартларнинг мавжудлигини талаб қилади; алоҳида тоифада юритиладиган жиноят ишлари бўйича жиноий таъқибни амалга ошириш ҳам ўзига хос процессуал хусусиятларга эга; аксарият ҳолларда жиноий таъқиб оммавий хусусият касб этиши; жиноий таъқиб давлат номидан унинг махсус ваколатга эга бўлган субъектлари - суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан амалга оширилиши ва шу кабилар.

Жиноий таъқиб функциясининг шаклланиши ва ривожланиши узоқ тарихга бориб тақалади.

Мамлакатимиз ҳудудида ушбу жиноят-процессуал функциянинг ривожланиш хусусиятларини ўрганиш асосида уни қуйидаги босқичларга ажратиш мақсадга мувофиқ:

Биринчи босқич - қадимги даврда жиноий таъқиб функцияси. Ибтидоий жамоа тузумида суд муҳокамасида тарафлар сифатида шахслар эмас, балки уруғлар иштирок этганлиги жиноий таъқибнинг дастлабки содда кўриниши бўлган. Ушбу даврда мазкур муносабатлар ташкилий жиҳатдан тартибга солинмаган; ўзаро муносабатларда вужудга келадиган низоларни ҳал қилиш учун тажрибали ва обрў-эътиборли шахс (оқсоқол, сардор) ёки жамоа (оқсоқоллар кенгаши, йиғилиш) судлов вазифасини амалга оширган; айблаш ҳуқуқи асосан жабрланувчига тегишли бўлган; давлат фаоллиги суст бўлиб, илоҳий ҳамда талион ҳуқуқлари қўлланилган; жиноий таъқиб жазолаш функциясига тенглаштирилган, жазо таъқиб этишининг ажралмас қисми сифатида талқин этилган ва шу кабилар.

Иккинчи босқич - ўрта асрларда жиноий таъқиб функцияси. Ушбу босқичда мамлакатимиз ҳудудида жиноий таъқиб функциясининг ривожланиши бевосита ислом ҳуқуқи билан боғлиқ. Унинг асосий хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади: жиноят судлови шаклан айблов юритувига асосланган; судда даъво кўзғатиш ва жиноятларнинг ҳолатларини исбот қилиб бериш бевосита айбловчининг зиммасида бўлган; қози судлари ва бий судлари шариятга асосланган ҳолда халқ одатлари ва анъаналарига таяниб қарорлар қабул қилган; жиноий таъқиб юритишнинг усул ва шакли асосан жиоиятнинг турига қараб, асосан оммавий ва хусусий тартибда амалга оширилган; жиноий жазо қоида тариқасида оммавийлик тамойилига асосланган ва шу кабилар.

Учинчи босқич- XIX-XX асрларда жиноий таъқиб функцияси. Марказий Осиё ҳудудининг Россия Империяси томонидан босиб олиниши дунёвий нормаларга асосланувчи жиноий таъқиб функциясини шаклланишига асос бўлди. Ушбу босқичда қабул қилинган 1864 йилги Жиноят-судлов ишларини юритиш Устави, 1898 йилги “Суд уставларини Туркистон ўлкаси вилоятларига нисбатан қўллаш тўғрисидаги қоидалар”, 1917 йил 24 ноябрдаги, 1918 йил 15 феврал ва 13 июлдаги Суд тўғрисидаги 1, 2 ва 3-сонли декретлар, 1918 йил 23 июндаги “Маҳаллий ва халқ судлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Йўриқнома, 1921 йил 6 октябрдаги “Қози судлари тўғрисида”ги Низом, 1922 йил 27 июлдаги “Туркистон Республикасида суд аппаратини ташкил этиш тўғрисида”ги Декрет, 1918 йил 30 январдаги “Туркистон ўлкаси шаҳар ва туманлари милиция инспекторлари бошқармаси тўғрисида”ги Низом, 1918 йил декабрдаги “Россия Совет Федерациясининг Туркистон Республикаси милицияси тўғрисида”ги Низом, 1919 йил 16 июлдаги “Жиноят қидирувни ташкил қилиш тўғрисида”ги Низом, 1924 йил 24 апрелдаги

“Туркистон Республикаси жиноят қидирув бўлинмалари тўғрисида”ги Низом, шунингдек, 1926 йил 16 июндаги Ўзбекистон ССРнинг биринчи, 1929 йил 29 июлдаги иккинчи ва 1959 йил 21 майдаги учинчи Жиноят-процессуал кодекслари жиноий таъқибнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди. Жумладан, 1959 йилги ЎзССР ЖПК жиноий таъқибни амалга ошириш қоидаларига жиддий ўзгаришлар киритмай фақатгина мансабдор шахс сифатида халқ депутатларига

нисбатан жиноий таъқибнинг алоҳида тартибда кўзгатишни белгиланган.

Тўртинчи босқич - мустақиллик йилларида жиноий таъқиб функцияси. Мамлакатимизда ҳуқуқий ислохотлар ўтказилаётган шароитда жиноятларни очиш ва тергов қилишнинг янада самарали усулларини топиш, терговчи ўзига юклатилган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириши учун зарур шароитларни яратиб бериш устидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, МДХга аъзо давлатлар орасида биринчилардан бўлиб, 1994 йил 22 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси қабул қилинди. Прокуратура органлари фаолияти ислоҳ этилиб, 2001 йил 29 августда “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди, 2012 йил 18 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-335-сонли “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун билан суд жиноий таъқиб субъектлари рўйхатидан чиқарилди. 2012 йил 25 декабрда Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниб, унда 16 та турдаги тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш имконияти кўзда тутилди.

Шу ўринда амалдаги процессуал қонунчиликни такомиллаштириш бўйича қуйидаги таклиф ва тавсияларни илгари суришимиз мумкин:

Биринчидан, ЖПКга “Жиноий таъқиб” деб номланган 3¹-боб киритиб, унда жиноий таъқибни амалга ошириш ваколатига эга бўлган органлар, жиноий таъқибнинг турлари ва жиноий таъқибни юритиш мажбуриятига оид қуйидаги моддаларни назарда тутилиши мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, хусусий айблов институтини янада такомиллаштириш мақсадида ЎзР ЖПК 325-моддасида ЖК 141-моддасининг биринчи қисмида, 142-моддасида, 143-моддасида, 144-моддаси биринчи қисмида, 145-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги жиноят ишларини айбдорни жавобгарликка тортишни сўраб жабрланувчи берган шикоят аризаси асосидагина кўзгатишни кўзда тутиш мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, жиноят процессида жиноий таъқибнинг халқро тажрибада қўлланилаётган муқобил усулларини тадқиқ этиш ва уларни миллий қонунчиликка татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан ЖПКга “Жиноий таъқибни тугатишнинг махсус турлари” деб номланган янги ўн бешинчи бўлим ва унга тегишли бб-боб киритилиб, ундан жиноий таъқибни тугатишнинг махсус турларини қўллаш асослари, уларнинг турлари, жиноий таъқибни тугатиш ҳар бир усулини қўллаш тартиби ўрин олиши мақсадга мувофиқдир.

Тўртинчидан, вояга етмаган айбланувчиларни расмий огоҳлантириш, жарима, айбга иқролик тўғрисида келишув институтларини қонунчилигимизга киритиш учун кенг имкониятлар мавжуд. У ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятларни биринчи марта содир қилган вояга етган ва вояга етмаган шахсларга нисбатан қўлланилса, мақсадга мувофиқ.

Бешинчидан, ЖПКда хусусий айбловчининг мақоми, хусусий айблов ишлари бўйича суриштирув ва дастлабки тергов ўтказилмаслиги, хусусий айблов билан жабрланувчи судга мурожаат этиши ҳамда

хусусий айблов шикояти бевосита судда кўриб чиқилиб ҳал қилиниши, хусусий айблов бўйича айбловни судда жабрланувчи ва унинг қонуний вакили қўллаб-қувватлашни кўзда тутиш мақсадга мувофиқ.

Ушбу вазифаларни самарали ҳал этиш мақсадида ЖПКнинг алоҳида тоифадаги жиноят ишларини юритиш деб номланган ўнчинчи бўлимига “Хусусий айблов бўйича иш юритиш” деб номланган 63¹-боб киритилиши мақсадга мувофиқ. Ушбу бобда хусусий айблов тартибида юритиладиган жиноят ишлари тоифаси, хусусий айбловчининг ҳуқуқий мақоми, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ушбу ишлар бўйича судда иш юритиш, хусусий айблов тартибида юритиладиган ишларда жабрланувчи иштироки, жабрланувчи узрсиз сабабларга кўра қатнашмаслигининг ҳуқуқий оқибатлари, жабрланувчи томонидан айбловни қувватлаш тартиби ва бошқа масалалар ўз ечимини топиши лозим. Ушбу ўзгаришлар ўз навбатида жабрланувчининг ҳуқуқий ҳолатига оид 54-55-моддаларга ҳам тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар (жабрланувчининг хусусий айблов ишини кўзгатиш билан мурожаат этиш, хусусий айблов ишлари бўйича айбловни қувватлаш ҳуқуқи ва б.қ.) киритишни тақозо этади.

Олтинчидан, ЖПК 341-моддасига мувофиқ, жиноят иши юзасидан суриштирув ўн суткадан ошмаган муддатда тамомланиши лозим. Ваҳоланки, суриштирув органлари ҳамиша ҳам объектив сабабларга (экспертиза текширувини ўтказиш зарурияти ва б.қ.) кўра, айрим жиноят ишлари бўйича суриштирувни 10 кунлик муддат ичида тугата олмайдилар. Шу нуқтаи назардан суриштирув самарадорлигини ошириш, суриштирув олдида турган вазифаларни тўлақонли ҳал этишга эришиш мақсадида, ЖПК 341-моддасини қуйидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ: “Жиноят иши юзасидан суриштирув йигирма суткадан ошмаган муддатда тамомланиши лозим. Ушбу муддат прокурор томонидан 10 суткадан ошмаган муддатга узайтирилиши мумкин”.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли / А.Мадвалиев таҳрири остида. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, ДИН, 2008. –Ж.4. –Б. 32
2. Мухитдинов Ф.М. Жиноят процесси: моҳият, мазмун, шакл. –Тошкент: Адолат, 2002. –Б. 132-133.
3. Соловьёв А.Б., Якубович Н.А. К вопросу о концепции правового обеспечения функции уголовного преследования // Современные процессы уголовной и уголовно-процессуальной политики. Материалы научно-практической конференции. –М.: МГУ, 2008. –С. 115.
4. Химичева Г.П. Досудебное производство по уголовном деле: концепция совершенствования уголовно-процессуальной деятельности. Монография. –М.: Экзамен, 2003. –С.122.

И.Рустамбеков,
“Халқаро тижорат (хусусий) ҳуқуқи”
кафедраси мудири,
юридик фанлар номзоди, доцент

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аннотация: в статье анализируются правовые вопросы регулирования электронной коммерции в Республике Узбекистан. Автор проводит критический анализ законодательства Республики Узбекистан, регулирующего электронную коммерцию, в частности, Закон «Об электронной коммерции» в новой редакции. В заключении автор дает выводы о перспективах правового регулирования электронной коммерции в стране.

Ключевые слова: электронная коммерция, электронные сделки, информационные технологии, интернет.

Аннотация: мақолада Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни ҳуқуқий тартибга солишнинг ҳуқуқий масалалари таҳлил қилинган. Муаллиф Ўзбекистон Республикасининг электрон тижорат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солувчи қонунчилигини, хусусан янги таҳрирдаги “Электрон тижорат тўғрисида”ги Қонунни танқидий таҳлилин амалга оширган. Хулосада муаллиф мамлакатда электрон тижоратни ҳуқуқий тартибга солиш истиқболлари тўғрисида мулоҳазалар баён қилган.

Калит сўзлар: электрон тижорат, электрон битимлар, ахборот технологиялари, Интернет.

Annotation: in the article legal questions of regulation of electronic commerce in the Republic of Uzbekistan are analyzed. The author carries out the critical analysis of the legislation of the Republic of Uzbekistan regulating electronic commerce, in particular the Law "On Electronic Commerce" in the new edition. In the conclusion the author gives opinion about prospects of legal regulation of electronic commerce in the country.

Key words: electronic commerce, electronic transactions, information technologies, Internet.

Иқтисодиётимизга замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг кенг татбиқ этилиши, ўз навбатида, истеъмолчилар билан ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги ўзаро алоқаларни янги босқичга олиб чиқди десак, муболаға бўлмайди. Бугунги кунда мамлакатимизда электрон тўловлар, интернет глобал тармоғи ва мобил алоқа воситалари орқали банк соҳаси мижозлари учун интерактив хизматлар кўрсатиш тизимлари жорий этилиб, улардан самарали фойдаланилмоқда. Хўжалик юритувчи субъектлар, жумладан, кичик бизнес ва тадбиркорлик вакиллари томонидан ўз фаолиятлари жараёнида электрон тўловлар ва электрон тижорат имкониятларидан самарали фойдаланиш, уларнинг рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий натижаларга эришишларида етарли асосларни яратади.

Айни вақтда банк-молия секторида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг ўсиб боровчи глобал тенденцияси, банк пластик карточкалари миқдорининг ўсиши ҳамда

электрон тўловлар ва электрон тижоратнинг ривожланиб бориши баробарида, юртимизда электрон тўловлар ва электрон тижорат соҳасидаги қатор лойиҳаларнинг амалга оширилиши фаоллашиб бормоқда. Мамлакатимиз банк ва молия муассасалари интернет глобал тармоғи ва мобил алоқа воситалари орқали ўз мижозларига масофадан туриб электрон тўловлар, “SMS-банкнинг”, “Мобил-банкнинг” каби интерактив банк хизматларини кўрсатмоқдалар.

Таъкидлаш жоизки, республикаимизда электрон тижоратни тартибга солиш бўйича тегишли норматив-ҳуқуқий база яратилган. Жумладан, “Электрон тижорат тўғрисида”ги, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги, “Электрон тўловлар тўғрисида”ги, “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги қонунлар ва бошқа қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар шулар жумласидандир. Бироқ, ахборот технологиялари ва тижоратнинг бугунги кундаги ривожланиш даражаси электрон тижорат соҳасидаги муносабатларни янада пухтароқ тартибга солишни талаб этади.

Электрон тижорат ва тўловлар соҳасида ижобий жараёнлар билан бир қаторда, уни фаол ривожлантиришга монелик қилаётган бир қатор муаммолар ҳам мавжуд. Хусусан, Ўзбекистонда асосий иш чакана савдо секторида В2С1 «Бизнес-мижоз» модели бўйича олиб борилади. Электрон бизнеснинг В2В2 «Бизнес-бизнес» модели эса кам қўлланилади. Айни вақтда, Европада В2В сектори тизими инфратузилмасининг технологик фаолияти EDI электрон маълумотларни айирбошлаш халқаро стандартлари бўйича амалга оширилса, бизда улар деярли қўлланилмайди.

Интернетда битимларга солиқ солиш, электрон тўловларни амалга ошириш, буюртма қилинган (ҳақи тўланган) товарни етказиб беришни тартибга солиш энг жиддий муаммолардан бири ҳисобланади. Электрон битимларни амалга оширишда қандай солиқлар ва бож тўловлари ундирилиши лозимлигини, бунда ким Ўзбекистон Республикасининг солиқ резиденти ҳисобланишини миллий қонунчиликда аниқ белгилаб қўйиш талаб этилади.

Сегментнинг ривожланишига монелик қилаётган омиллар орасида электрон тижоратда давлат органлари иштирокининг сустлигини кўрсатиш мумкин. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирилиги, банклар ва божхона органлари электрон контрактларни ҳисобга олиш, уларнинг ижроси устидан мониторинг ва назорат олиб бориш масалаларини ҳанузгача ҳал этгани йўқ. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар учун электрон паспортлар давлат стандарти ҳам ишлаб чиқилмаган. Электрон кўринишда амалга ошириладиган тўловлар бўйича имтиёзлар ва афзалликларнинг аниқ рўйхати йўқ. Бозорни давлат томонидан тартибга солиш, электрон ҳужжатларни тасдиқлаш, электрон тижорат борасида кўникмаларга эга кадрлар билан боғлиқ муаммолар мавжуд. Электрон рақамли имзонинг ишончли (учинчи) томони ягона маркази, электрон тўловлар суғуртаси мавжуд эмас. Пластик карталар билан тўловлардан фарқли ўлароқ, электрон тўловлар нақд пулнинг эквивалентлари ҳисобланмайди. Онлайн-терминаллар инфратузилмаси яхши ривожланмаган.

Шу маънода “Электрон тижорат тўғрисида”ги Қонунни [1] таҳлил қилиш, бизнингча, ўринли бўлади, чунки Ўзбекистонда электрон тижоратни самарали ривожлантириш мавжуд ҳуқуқий базани халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш ва унинг ривожланиш

жараёнларини ҳисобга олган ҳолда тақомиллаштиришни тақозо этади.

Ҳозирда айнан электрон тижорат жаҳон иқтисодий инфратузилмасининг муҳим таркибий қисмига айланмоқда. Шу туфайли ҳам электрон тижоратни ривожлантириш устувор йўналишлардан бири бўлиши лозим ва бу мамлакатимиз учун ҳам ички иқтисодий янада юксалтириш, ҳам жаҳон иқтисодий жараёнида иштирок этиш нуқтаи назаридан жуда муҳимдир.

“Электрон тижорат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасига мувофиқ, Ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда тузиладиган шартномага (бундан буён матнда электрон тижоратдаги шартнома деб юритилади) мувофиқ амалга ошириладиган товарлар (ишлар, хизматлар) олди-сотдиси электрон тижорат деб тушунилади.

Электрон тижорат муайян шахслар ўртасида, яъни ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари томонидан амалга оширилади. Электрон тижорат субъектлари доирасини жисмоний ва юридик шахслар ташкил этиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тижорат тўғрисида”ги Қонуни 10-моддасида электрон тижорат иштирокчиси берилган бўлиб, унга кўра электрон тижоратда товарларни (ишларни, хизматларни) сотувчи ёки уларнинг харидори бўлган юридик ёки жисмоний шахс электрон тижорат иштирокчиси бўлиши кўрсатиб ўтилган. Аммо модданинг мазкур таърифи электрон тижорат иштирокчилари таркибини очиқ бермайди. Бизнинг назаримизда, ушбу модда нормасини қуйидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ бўлади: “Электрон алоқа воситаси ёрдамида тижорат битимини тузувчи шахслар, яъни адресат, ташаббусчи, харидор, сотувчи ва ахборот воситачилари электрон тижорат иштирокчиларидир”.

Айни вақтда, сервис-провайдерларни яратиш ва лицензиялаш жараёнларининг ноаниқлигини, уларга қўйиладиган моддий ва молиявий талабларнинг йўқлигини ҳам қайд этиб ўтиш, бизнингча, ўринли бўлади. Буларнинг барчаси лицензия беришда асоссиз чеклашлар белгиланишига сабаб бўлиши ва сервис-провайдерлар ўртасида рақобатга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, сервис-провайдерларга нисбатан янада аниқ талабларни белгилаш, бизнингча, мақсадга мувофиқ бўлади. Бундан ташқари, суғурта ва банк фаолиятини қонун йўли билан тартибга солиш тажрибасидан сервис-провайдерларнинг кредит қобилиятини белгилайдиган қоидалар қисмидан фойдаланиш зарур. Масалан, Россия Федерациясининг “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги Федерал Қонуни [2] 8-моддасида рўйхатга олиш марказларига қўйиладиган асосий талаб уларда фойдаланувчилар олдида фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлиш имконини берадиган етарли моддий ва молиявий имкониятларнинг мавжудлиги ҳисобланиши кўрсатиб ўтилган. Бундай жавобгарлик тасдиқловчи марказ, яъни рўйхатга олиш маркази томонидан имзо рақами сертификатига киритилган маълумотларнинг ҳаққоний эмаслиги туфайли фойдаланувчиларга етказилган зарар учун келиб чиқиши назарда тутилган.

Ушбу масалаларни ҳал қилиш учун Ўзбекистон Республикасининг “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги Қонунига [3] рўйхатга олиш марказлари фаолиятини ваколатли органлар томонидан

лицензиялаш тартиб-қоидаларини аниқ белгилайдиган нормалар киритилиши лозим. Шуни қайд этиш зарурки, рўйхатга олиш маркази фақат қонунда белгиланган талабларни бажаришга қодирлигини исботлаган ҳолда лицензия олиши мумкин ва кейинчалик ваколатли органлар рўйхатга олиш маркази мазкур талабларга риоя этаётганини вақти-вақти билан текшириб туриши шарт. Бундай талаблар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) лицензияланган рўйхатга олиш маркази ўз фаолиятини ушбу Қонун ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириши лозим;

2) рўйхатга олиш маркази фақат ўз лицензиясида назарда тутилган фаолият турларини амалга ошириши лозим;

3) рўйхатга олиш маркази ҳаққоний сертификатлаштириш хизматлари кўрсатилишини таъминлашга қодир бўлиши лозим;

4) рўйхатга олиш маркази ўз фаолияти хусусида ахборот ва батафсил маълумотлар, шу жумладан ҳисоботлар, аудит билан тасдиқланган баланслар ҳамда даромад ва зарарлар ҳисобварақларини тақдим этиши лозим;

5) рўйхатга олиш маркази рухсатсиз модификациялашга қарши ҳимояланган ишончли тизимлар ва маҳсуллардан фойдаланиши, шунингдек техник ва криптографик хавфсизликни таъминлаши лозим;

6) рўйхатга олиш маркази сертификатлар ҳар қандай тарзда қалбакилаштирилишига қарши чоралар кўриши лозим.

Агар рўйхатга олиш марказининг фаолияти юқорида кўрсатилган талабларга жавоб бермай қўйса ва камчиликлар ваколатли орган томонидан белгиланган муддат давомида тўлиқ бартараф этилмаса, лицензия қақриб олинishi лозим.

Электрон тижоратда томонлар ўртасидаги муносабатлар, бошқа фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардаги сингари, шартнома асосида юзага келади. Хусусий ҳуқуқ назариясидан маълумки, шартнома мажбурият замирида ётувчи юридик факт ҳисобланади. Шартнома мажбурияти ҳам, мажбуриятларга доир ҳуқуқий муносабат ўрнатилганини тасдиқловчи ҳужжат ҳам моҳият эътибори билан икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки тугатиш тўғрисидаги келишувидир.

Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тижорат тўғрисида”ги Қонуни [4] 14 ва 15-моддаларида электрон тижоратда шартнома тузиш масалари ёритилган. Таъкидлаш жоизки, электрон ҳужжат – бу қоғозли ҳужжатнинг маълумотлар, рақамлар, белгилар ёки ёзма тарзда ифодаланиши бошқа усулларидаги ахборотни ўзида ўз ичига олган аналог. “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ, электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имкониятини берадиган бошқа рекевизитларга эга бўлган ахборот электрон ҳужжатдир. Бунда электрон рақамли имзо электрон ҳужжатдаги мазкур электрон ҳужжат ахборотини электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда махсус ўзгартириш натижасида ҳосил қилинган ҳамда электрон рақамли имзонинг очиқ калити ёрдамида электрон ҳужжатдаги ахборотда

хатолик йўқлигини аниқлаш ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасини идентификация қилиш имкониятини берадиган ҳужжат реквизити вазифасини бажаради.

“Электрон тижорат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасида мустаҳкамланган қоида анча ижобий аҳамиятга эга. Бу ҳолат эски таҳрирдаги қонунда назарда тутилмаган электрон тижоратда шартномалар нафақат электрон ҳужжатлар, балки электрон хабарнинг бошқа турлари воситасида ҳам тузилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, электрон тижоратдаги шартнома икки усулда тузилиши мумкин:

1) шартномаларни электрон почта (e-mail) воситасида тузиш. Электрон хатлар-хабарларни айирбошлаш орқали шартнома тузишнинг уч босқичи амалга оширилиши мумкин: томонларнинг шартнома тузилган олдинги алоқалари (музокаралар), оферта ва оферта акцепти;

2) шартномаларни web-саҳифалар (сайтлар) ёрдамида тузиш. Бирон-бир шахс ўз товарлари ва хизматларини улар тўғрисидаги ахборотни интернет-саҳифада график, матнли ёки товушли форматда жойлаштириш орқали таклиф қилади. Жойлаштирилган таклифдан фойдаланишни истаган бошқа шахс шу сайтда муайян шаклни тўлдирди ва унда ўзи тўғрисида маълумотларни кўрсатади, агар бу зарур ва мумкин бўлса, шартнома шартларини ҳам белгилайди. Шаклни тўлдиргандан кейин миждоз, қоида тариқасида, унинг охирида жойлаштирилган “Розиман” ёки “Submit”, “I Agree” кнопка-нишончасини босади.

“Электрон тижорат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддасига мувофиқ, электрон тижоратдаги шартнома шартлари қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бўлиши керак. Аммо бу норма Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 366-моддасининг шартнома битимлар тузиш учун назарда тутилган ҳар қандай шаклда тузилиши мумкинлиги ҳақидаги қоидасига зид. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 107-моддасига мувофиқ, битимлар имзодан факсимиле усулида нусха кўчириш, ҳужжатлар, хатлар, телеграммалар, телефонограммалар, телетайпограммалар, факсларни айирбошлаш йўли билан тузилиши мумкин. Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг юқорида зикр этилган нормаси электрон тижорат томонларини чалғитиши мумкин, чунки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 116-моддасида қуйидаги қоида мустаҳкамланган: қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келмайдиган мазмундаги битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир. Шу тўғрисида ҳам Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 107-моддасининг 2, 3, 4-бандлари нормаларига қуйидаги тузатиш киритилса, мақсадга мувофиқ бўлади: “Битимлар, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, имзодан факсимиле усулида нусха кўчириш воситалари, электрон рақамли имзо ёрдамида, қоғоз ёки электрон ҳужжатлар, хатлар, телеграммалар, телефонограммалар, факсларни айирбошлаш йўли билан, шунингдек Интернет тармоғи ва бошқа алоқа воситалари орқали тузилиши мумкин”.

Электрон тижоратда оферта ва акцептнинг юридик амал қилиши оферта ким томонидан юборилгани ва олинганига, шунингдек акцептни ким юборганига боғлиқ бўлади. Электрон тижоратда шартномалар тузишда айна шу жиҳатлар биринчи даражали аҳамият

касб этади. Аммо Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тижорат тўғрисида”ги Қонунида бу хусусда тушунтириш берилмаган. Фақат Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги Қонунининг [5] 14-моддасида электрон ҳужжат, агар у бевосита электрон ҳужжатни жўнатувчи ёки унинг ахборот воситачиси томонидан жўнатилган бўлса, жўнатилган деб ҳисобланиши айтиб қўйилган, 15-моддада эса электрон ҳужжатни қабул қилиб олувчи томонидан кўрсатилган ахборот тизими орқали электрон манзил бўйича электрон ҳужжат келиб тушган вақт электрон ҳужжат қабул қилиб олинган вақт деб ҳисобланиши қайд этилган.

Электрон тижоратда электрон ҳужжатларга суд далиллари сифатида юридик куч бериш муҳим элементлардан бири ҳисобланади. Бунда электрон ҳужжат юридик факт сифатида ёки тузилган битимнинг далили сифатида хизмат қилиши мумкин. “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддасига мувофиқ, электрон ҳужжатлардан битим тузилганлигининг далили сифатида фойдаланилиши мумкин. Аммо Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 54-моддасида томонлар, учинчи шахслар ёки уларнинг қонуний вакилларининг тушунтиришлари, гувоҳларнинг кўрсатувлари, ашёвий ёки ёзма далиллар, экспертлар хулосаси суд далиллари бўлиши мумкинлиги айтиб қўйилган ва бу бир қатор коллизияларга сабаб бўлади.

Чет эл мамлакатларининг қонун ҳужжатларида электрон шартномалар ёки ҳужжатлар далиллар сифатида қўлланилиши мумкинлиги назарда тутилган. Масалан, Франция Фуқаролик кодексининг 1316-1-моддасига мувофиқ, электрон ҳужжат қоғоз ҳужжатнинг далилига тенглаштирилиши мумкин.

Шуни қайд этиб ўтиш муҳимки, қонунчилик асосини такомиллаштириш учун қуйидаги масалаларни ҳал этиш зарур:

- электрон тижорат субъектларига янада кенг таъриф бериш;
- электрон шартномаларни тузиш усулларини ҳуқуқий мустаҳкамлаш;
- электрон ҳужжатларга қоғоз ҳужжатларнинг далили кучини бериш, бунда Фуқаролик ва Хўжалик процессуал кодексларига ўзгартиришлар киритиш;
- электрон тижоратга солиқ солиш ҳуқуқий тизимини яратиш;
- электрон тижоратда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.

Ўз навбатида мамлакатимизда электрон тижоратни ривожлантириш қуйидаги афзалликларни яратилишига сабаб бўлади:

- янги тадбиркорлик соҳаларининг вужудга келиши ва ривожланиши;
- аҳоли учун уйдан чиқмаган ҳолда ўз харидларини амалга ошириш имокияти;
- табиатга етказиладиган заралар камайиши;
- таълим соҳасида дунёдаги энг охириги билимлардан халқимиз хабардор бўлиши ва ундан фойдаланишидир.

Тадбиркорлар учун эса:

- катта ҳудуд ёки бино талаб этилмаслиги;
- жаҳон бозорида маҳсулотларни сотиб олиш имкониятининг мавжудлиги;
- ортиқча харажатлардан ҳолилиги (транспорт харажатлари, дўконларга бориш);

– товар етказиб бериш тизимини тузиш имкониятининг мавжудлиги;

– бизнеснинг доимий фаоллиги (24 соат / 7 кун / 365 кун йил давомида);

– товарни бозорга чиқиш тезлиги;

– интернет орқали товар тарқатилгани боис, уни савдо расталарига қўйилмаганлиги учун нархи нисбатан пастлиги.

Харидорларга афзаллиги:

– бир неча дўконларга уйда ўтирган ҳолда кириб чиқиш имконияти;

– анонимлик;

– товар хилма-хиллиги;

– товарлар ва хизматлар бозорга нисбатан арзонлиги;

– оператив етказиб бериш имконияти;

– харидор тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчига мурожаат қилиш имконияти.

Электрон тижорат соҳасида кадрларни тайёрлаш масаласи ҳам бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда. Зеро, юксак интеллектуал билимга эга ва салоҳиятли кадрларни тарбиялаш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш орқали соҳа ривожиди муайян ютуқларга эришиш мумкин. Ушбу фикр-мулоҳазалар асосида электрон тўловлар ва электрон тижорат тизимини янада ривожлантиришга доир қонунчилик механизмларини янада такомиллаштириш зарурати вужудга келди. Бундай ўзгаришлар йўналишлари сифатида электрон битимлар тузиш ва электрон рақамли имзодан фойдаланиш жараёнини ва электрон ҳужжат айланмасини соддалаштириш, счет-фактура ва бошқа зарурий ҳужжатларни электрон шаклда расмийлаштириш имконини яратиш, электрон тижорат учун қулай шароитлар яратиш ва уни ривожлантириш, мазкур соҳани тартибга солувчи ваколатли орган тайинланиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Мазкур соҳадаги қонун-ҳужжатларини такомиллаштиришда электрон тижорат иштирокчилари маълумотлари ва шахсий маълумотлар хавфсизлигини таъминлашга янада кўпроқ эътибор қаратилиши зарур.

Ўз навбатида электрон тижорат глобал характерда эканлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Мазкур ҳолат электрон тижорат муносабатларида кўплаб коллизия муаммолар келиб чиқишини ҳам намоён қилади. Хусусан, тарафлар ўртасида виртуал маконда вужудга келаётган муносабатга қайси мамлакат қонунчилигини қўллаш кераклиги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, шу жумладан “Электрон тижорат тўғрисида”ги қонунда ҳам ўз аксини топмаган. Шунини таъкидлаш жоизки электрон тижоратда тарафлар дунёнинг ҳар қандай жойида жойлашган бўлишлари ёки бир давлатда рўйхатдан ўтган, иккинчи давлатда фаолият юритаётган, шартнома тузиш вақтида эса учинчи давлат ҳудудида бўлиши ҳам мумкин. Шундай вазиятда тузилган электрон шартномага ёки вужудга келган мажбуриятга нисбатан қайси мамлакат қонунини қўллаш кераклиги бугунги кунда аниқ ўз ечимини топмаган.

Амалда бундай ҳолатларда халқаро хусусий ҳуқуқ ёки чет эл таърибасида коллизия ҳуқуқ нуқтаи назаридан тарафлар жойлашган жой қонуни ёки мажбурият ижро этилиши керак бўлган жой қонуни қўлланилиши мумкинлиги намоён бўлади. Лекин шу ўринда таъкидлаш жоизки, бу муносабатларда халқаро хусусий ҳуқуқнинг эрк мухторияти тамойили қўлланилиши энг мақбул усули бўлади.

Кўриниб турибдики мазкур соҳада ўз ечимини кутаётган муаммолар кўп. Шундан келиб чиққан ҳолда мазкур соҳани ривожлантиришда аниқ режалар ишлаб чиқиши ва ушбу режалар асосида тизимли ишлар олиб борилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Электрон тижорат тўғрисида»ги Қонуни. 22.05.2015 йил (янги таҳрир) // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 20-сон, 250-модда.

2. www.rg.ru/2011/04/08/podpis-dok.html

3. Ўзбекистон Республикасининг «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Қонуни. 11.12.2003 йил // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 4-сон, 41-модда.

4. Ўзбекистон Республикасининг «Электрон тижорат тўғрисида»ги Қонуни. 22.05.2015 йил (янги таҳрир) // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 20-сон, 250-модда.

5. Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги Қонун. 29.04.2004 йил // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 20-сон, 230-модда.

М.Салиев,

Преподаватель Высших Учебных курсов
Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан

Э.Хайруллаев,

независимый соискатель ТГЮУ

ПЕРЕДОВАЯ ПРАКТИКА ПРИМЕНЕНИЯ ИНСТИТУТА МЕДИАЦИИ: ОПЫТ НЕКОТОРЫХ СТРАН ЕВРОПЕЙСКОГО СОЮЗА

Аннотация: данная статья освещает опыт применения правовой медиации во Франции, Англии и Уэльсе, а также Германии. В статье анализируются основные положения национального законодательства и законодательства Европейского союза, регулирующие применение института медиации в праве.

Ключевые слова: медиация, конфликт, досудебное урегулирование, Европейский Союз, Франция, Англия и Уэльс, Германия, медиатор, этика медиатора.

Аннотация: ушбу мақола Франция, Англия ва Уэльс, шунингдек, Германия мамалакатларида ҳуқуқий медиациянинг қўлланилишини ёритиши. Мақолада мазкур давлатларнинг ҳуқуқда медиация институтини қўллашга доир миллий ва Европа Иттифоқи қонунчилиги таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: медиация, низо, судгача ҳал қилиш, Европа Иттифоқи, Франция, Англия ва Уэльс, шунингдек, Германия, медиатор, медиатор ахлоқ-одоби.

Annotation: the article observes the experience of France, England and Wales, Germany on implementation of the legal mediation. The article analyzes the main provisions of national law and legislation of the European Union which regulate the use of mediation in law.

Key words: mediation, conflict, pre-trial adjustment, the European Union, France, England and Wales, Germany, the mediator, the ethics of mediator.

Медиация в праве – один из механизмов альтернативного урегулирования споров с участием третьей нейтральной, беспристрастной, не заинтересованной в данном конфликте стороны – медиатора, который помогает сторонам выработать определенное соглашение по спору, при этом стороны полностью контролируют процесс принятия решения по урегулированию спора и условия его разрешения.

Первые задатки медиации зародились ещё в глубочайшей древности. В определенных исторических эпохах существовали разнообразные методы урегулирования конфликтов, которые предусматривали целый комплекс мер и способов погасить конфликт между сторонами. Процедура медиации – это примирительные методы урегулирования споров, которые применялись со времен существования человека. Многие историки находят первые упоминания о медиации в странах Древнего Мира, таких, как Древний Вавилон, Древний Китай, Япония, страны Африки, Древняя Греция и Рим. Современная медиация стала развиваться во второй половине XX столетия в таких странах как США, Австралия, странах Европы.

На сегодняшний день один из интереснейших опытов и систем медиации функционирует в странах Европейского Союза. С нашей точки зрения, следует остановиться на важных аспектах следующих систем медиации, функционирующих в европейских странах.

Франция. Во Франции не существует централизованного государственного органа, ответственного за регулирование профессии медиатора. Тем не менее, существуют неправительственные организации, специализирующиеся в сфере семейного права.

В ассоциации семейной медиации состоит около 800 членов, большинство из которых являются физическими лицами – медиаторами и более 100 – юридическими лицами (ассоциации/центры семейной медиации). Ассоциация предоставляет доступный список медиаторов в каждом регионе.

Национальная федерация ассоциаций семейной медиации состоит из 260 ассоциаций/центров медиации и предоставляет список данных организаций.

Кроме того, Институт экспертизы, арбитража и медиации объединяет 175 практикующих медиаторов и юристов (около 70 из которых специализируются в судебной медиации и арбитраже) в таких сферах, как экономика и финансы, право и налогообложение, медицина, строительство и общественные работы, промышленность, сырье и транспорт.

Федерация медиаторов и координаторов проектов объединяет сотню экспертов по недвижимости и промышленности, предлагающих также медиацию в рамках своих профессиональных услуг.

Также, Национальная ассоциация медиаторов была учреждена в 1997 году и объединяет ряд ассоциаций и медиаторов. Данной ассоциацией был разработан национальный кодекс поведения медиаторов.

В соответствии с Французским законодательством стороны могут передать дело на рассмотрение медиатору во всех сферах законодательства, в случае, если медиация не идет в разрез с государственной политикой, регулирующей социальное и экономическое поведение. К примеру, заключение медиативного соглашения во избежание обязательных правил касательно заключения брака, либо развода – невозможно.

Медиация применяется в основном при решении семейных споров (в суде по семейным делам, посредством вмешательства семейного медиатора) и при удовлетворении исков на небольшую сумму (в суде мелких тяжб, либо окружном суде, в случае, если сумма иска не превышает 10 000 Евро, при участии примирителя).

Обращение к процедуре медиации требует предварительного согласования сторон. Однако, если судопроизводству было положено начало, «суд, рассматривающий дело, после получения согласия сторон может назначить третье лицо, чтобы, заслушав стороны и сопоставив их точки зрения, найти решение конфликта, их разделяющего» (Статья 131-1 Уголовно-процессуального кодекса).

В узких сферах касательно осуществления родителями своих прав, либо применения особых мер в отношении развода, суд может направить стороны для участия на консультации о медиации. Данная консультация проводится бесплатно и не может быть причиной наложения санкций (Статьи 255 и 373-2-10 Гражданского кодекса).

Во Франции не существует «Кодекса поведения» медиаторов на национальном уровне.

Однако, Парижской торгово-промышленной палатой был разработан кодекс поведения. Торгово-промышленная палата регулирует надлежащее исполнение данного кодекса.

В вопросах семейной медиации, медиаторы руководствуются (напрямую, либо посредством вмеша-

тельства нанимающей организации) этическими кодексами и хартиями федераций семейных медиаторов. Данные кодексы, или хартии объединяют «правила этики семейной медиации», принятые 22 апреля 2003 года Национальным советом по семейной медиации (CNCMF). В соответствии с информацией, Федерация составила кодекс поведения, в котором указаны этические правила профессиональной практики и условия практики семейной медиации во Франции. Данный кодекс является основополагающим для всех практикующих медиаторов.

Национальная Федерация центров медиации приняла в марте 2008 года «этический кодекс», взяв за основу «Европейский кодекс поведения медиаторов».

Услуги внесудебной и судебной медиации не бесплатны для лиц, обращающихся к данному альтернативному методу разрешения споров. Что касается судебной медиации, услуги медиатора могут быть оплачены фондом правовой помощи. Во всех случаях, оплата услуг определяется судьей по выполнению работы и подаче меморандума (Раздел 119 Приказ № 91-1266, 19 декабря 1991 года).

Судья определяет размеры депозита (залога) и оплаты услуг (Статьи 131-6 и 131-3 Гражданского кодекса). В отсутствие таксы, установленной законодательством, оплата услуг семейного медиатора может быть разной. В рамках национального протокола, подписанного Министерством Юстиции, Министерством труда, Фондом труда и солидарности, Национальным фондом выплаты пособий семьям и Центральный сельскохозяйственный фонд, организации, извлекающие выгоду из предоставления услуг «семейной медиации» обязуются следовать национальным стандартам, которые разнятся, в зависимости от дохода сторон. По результатам судейской оценки, оплата услуг медиатора сторонами может колебаться от 5 до 131,21 Евро.

В семейных вопросах Национальный фонд выплаты пособий семьям ввел процедуру финансовой поддержки, благодаря которой организации могут получить услуги семейной медиации, при соблюдении определенных правил.

В соответствии с Европейской директивой 2008/52/ЕС, письменное соглашение о медиации должно быть приведено в исполнение. Государственные органы должны уведомлять о том, какие суды, либо другие органы обладают должной компетенцией для получения подобных заявлений.

Англия и Уэльс. Правительство и практикующие юристы Англии и Уэльса осведомлены о преимуществах медиации и привержены принципам продвижения и применения медиации для разрешения споров, как альтернатива судебному разбирательству в уместных случаях. Дело (если оно отвечает специальным критериям) может рассчитывать на правовую помощь.

Министерство Юстиции ответственно за стратегию продвижения медиации по гражданским и семейным делам.

Для соблюдения качества медиации на гражданском судебном процессе (за исключением семейных споров в юрисдикции Англии и Уэльса), Министерство Юстиции и Судебно-трибунальная служба Ее Величества (HMCTS) учредило две процедуры гражданской медиации, посредством которых стороны могут разрешить споры, в зависимости от ценности иска. Служба медиации небольших исков является служебной организацией под эгидой Судебно-трибунальной

службы, специализирующейся по мелким искам (ценность которых не превышает £5 000). По делам, ценность которых превышает £5 000 существует схема аккредитации, разработанная Министерством Юстиции совместно с Советом гражданской медиации. Посредством данной схемы организации, предоставляющие услуги медиации могут подать заявку на включение в список организаций, специализирующихся в гражданской медиации, а суды, могут направлять стороны дела в данные организации. Совет гражданской медиации – это Совет, представляющий организации, которые предоставляют услуги гражданской и коммерческой медиации.

В отношении семейных споров, медиация саморегулируема, существует определенное число организаций членов-учредителей, или сертификационных организаций к которым примыкают медиаторы. Эти организации объединились, чтобы сформировать Совет семейной медиации (SCM) для упорядочения стандартов семейной медиации. Другой функцией SCM является представление интересов организаций членов и практикующих семейных медиаторов.

SCM является неправительственной организацией и играет ключевую роль среди организаций членов, являющимися, в свою очередь, неправительственными организациями/ассоциациями и членами-учредителями/основателями SCM.

В настоящее время органа, регулирующего гражданскую, или семейную медиацию не имеется.

При необходимости можно найти сертифицированного семейного, или гражданского медиатора в справочнике гражданских медиаторов, доступном на соответствующем веб-сайте. Ориентируясь по справочнику, также можно найти семейного/гражданского медиатора в непосредственной близости от места проживания; и стоимость медиации основана на фиксированной ставке, в зависимости от стоимости предмета спора.

К медиации прибегают, чтобы разрешить ряд повседневных гражданских и коммерческих споров – в том числе споров, связанных с проживанием, споров на рабочем месте, исков на незначительную сумму, исков о взыскании долгов, споры о границах владений, трудовые споры, споры связанные с соблюдением контрактов, иски о халатности, домогательствах, нанесении травм и т.д.

Медиация может также применяться в отношении семейных конфликтов и споров, в частности, развод, расторжение семейного брака, применение Закона о несовершеннолетних.

Гражданская медиация не регулируется законом и не является предпосылкой к судебной процедуре. Однако, сторонам гражданского дела рекомендуется рассмотреть медиацию перед тем, как обратиться в суд.

Правила гражданского процесса регулируют практику и надлежащие процедуры, которые следует соблюдать в административных коллегиях Апелляционного суда, выше суда и окружных судов. Правила гражданского процесса был подготовлен процессуальный кодекс, задачей которого является оказание помощи судам при справедливом рассмотрении дел. Частью данной задачи является активное управление делами, а также поощрение сторон к применению альтернативных мер решения споров, если суд полагает данную процедуру уместной и способствует ее применению.

Несмотря на то, что медиация осуществляется на добровольной основе, гражданско-процессуальные правила содержат ряд факторов, которые надлежит принимать во внимание при принятии решения о присуждении издержек. Суд должен принимать во внимание усилия и меры, принятые сторонами в течение всего процесса для разрешения спора/конфликта. Следовательно, если выигравшая сторона отклонила разумное предложение по медиации, судья может решить, что проигравшая сторона не будет оплачивать издержки выигравшей стороны.

В настоящее время семейная медиация является добровольным процессом. Супруги, либо сожители, решившие развестись обращаются в суд с целью определения вопросов разделения финансов и имущества (так называемое дополнительное средство судебной защиты), стороны могут быть направлены на разрешение финансовых споров/конфликтов. Это, однако, не является семейной медиацией, т.к. это часть судебного процесса. На данной стадии, судья регулирует переговоры между сторонами, но не имеет решающего слова в конечном результате. Если переговоры срываются, то данный судья не будет принимать участия в последующих тяжбах по данному делу.

Не существует Национального кодекса поведения медиаторов с учетом особенностей Англии и Уэльса нет. Однако, для аккредитации гражданские медиаторы должны соблюдать кодекс поведения. В качестве модели используется Кодекс поведения медиаторов ЕС. Данная профессия саморегулируема и государство не играет никакой роли в привлечении медиаторов к соблюдению какого-либо кодекса

Кроме того, Директива 2008/52/ЕС имплементированная в СК в рамках положений 2011 года (Межгосударственная медиация, директива ЕС), SI 2011 г. № 1133 позволяет лицам, вовлеченным в межгосударственный спор, где одна из сторон проживает на территории государства-члена испрашивать исполнения соглашения по результатам медиации. Государства-члены проинформируют Судебную комиссию, либо прочие организации с должной компетенцией.

Германия. Ряд организаций в Германии предоставляет услуги медиации. Нижеуказанные некоторые крупные ассоциации, осуществляющие медиаторскую деятельность в Германии:

- Федеральная ассоциация семейной медиации;
- Федеральная ассоциация медиации;
- Федеральная ассоциация экономической и профессиональной медиации;
- Центр медиации;
- Ассоциация юристов Германии.

Данные ассоциации готовы оказать содействие сторонам, желающим воспользоваться услугами медиации.

В общих чертах, при отсутствии формальных законодательных требований, в соответствии с которыми тот или иной спор, либо конфликт должен быть рассмотрен судом, всегда позволительно обратиться к услугам медиации. Наиболее распространенными сферами медиации являются семейное право, наследственное право и коммерческое право.

В 2012 году 26 июля Акт о медиации (Mediationsgesetz), который направлен на регулирование медиации и прочих процедур для внесудебного разрешения споров. Данный акт стал первым законодательным актом, формально регулирующим услуги медиации в Германии. Он имплементирует Директиву

Европейского Парламента о медиации в немецкое законодательство (Директива 2008/52/ЕС Европейского Парламента и Совета ЕС от 21 мая 2008 года). Сфера применения Акта о медиации превышает требования Европейской директивы. В то время, как Директива охватывает трансграничные гражданские и коммерческие споры, Германский акт о медиации охватывает все виды медиации в Германии, в независимости от вида спора, места проживания, либо участвующих сторон.

Акт о медиации содержит общие положения, т.к. медиаторы и вовлеченные стороны нуждаются в возможности гибкого маневрирования в течение процесса медиации. Данный Акт дает определение понятию медиация и медиатор для разграничения медиации от других видов разрешения споров. В соответствии с данным актом, медиация – это структурированный процесс, а стороны этого процесса добровольно и независимо пытаются найти форму разрешения спора при участии одного, или нескольких медиаторов. Медиаторы – независимые и беспристрастные лица, не обладающие полномочиями принимать решения, оказывающие вовлеченным сторонам услуги медиации. В Акте намерено не указан четкий кодекс поведения медиатора во время процедуры медиации. Однако, в нем указан ряд обязательств и ограничений по деятельности, для защиты независимости и беспристрастности профессии медиатора. Помимо этого законодательство обязывает медиаторов сохранять конфиденциальность и не разглашать информацию, полученную от клиентов.

Акт продвигает разрешение конфликтов/споров посредством включения ряда различных положений в официальные процессуальные кодексы (к примеру, Гражданско-процессуальный кодекс). То есть, когда стороны, подают иск в гражданский суд, они должны уведомить судью касательно того, пробовали ли они разрешить их спор в внесудебном порядке, посредством медиации. Суд может предложить сторонам обратиться к услугам медиатора, либо прибегнуть к любому иному виду внесудебного разрешения спора. Если стороны отказываются прибегнуть к данным альтернативным мерам, то суд может решить приостановить процесс.

Федеральное правительство обязалось предоставить по истечении 5 лет с момента принятия Акта, информацию Бундестагу о его воздействии и влиянии. Необходимо также определить необходимость введения последующих законодательных мер касательно обучения и профессионального развития медиаторов. Соглашение, достигнутое по результатам медиации может быть исполнено при помощи юриста, либо нотариуса (разделы 796а-796с и раздел 794(1)(5) Гражданско-процессуального кодекса).

У. Кодиров,
Преподаватель УМЭД

ОПЫТ ИНДИИ И БАНГЛАДЕШ ПО УРЕГУЛИРОВАНИЮ АНКЛАВНЫХ ВОПРОСОВ: ЦЕССИЯ И АРЕНДА ТЕРРИТОРИИ

Аннотация: в данной статье детально анализируются исторические и современные этапы решения анклавных вопросов между Индией и Бангладеш. В процессе исследования фокус исследователя, в основном был сделан на соблюдение в переговорном процессе основных принципов и норм международного права и права человека. Кроме того, в нем изучены методы и подходы применения цессии и аренда территории в отношении этих обособленных территорий.

Ключевые слова: анклав, обособленная территория, договор, делимитация и демаркация государственных границ, цессия, аренда территории.

Аннотация: мазкур мақолада Ҳиндистон ва Бангладеш давлатлари ўртасидаги анклав масалаларини ҳал қилишнинг тарихий ва замонавий ҳолати батафсил таҳлил қилинган. Урганиш жараёнида изланивчининг асосий эътибори музокаралар давомида томонлар томонидан халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойиллари ва нормалари ва инсон ҳуқуқлари рияи этилишига қаратилди. Шу билан бирга, унда ихтисослашган ҳудудларга нисбатан цессия ва ҳудуд ижарасини қўллашнинг методлари ва услублари ўрганилди.

Калит сўзлар: анклав, ихтисослашган ҳудуд, шартнома, давлат чегараларини делимитация и демаркация қилиш, цессия, ҳудуд ижараси.

Annotation: In this article the question between India and Bangladesh is in details analyzed the historical and present stages of the decision enclave issues. In the course of research focus of the researcher was generally made on observance in negotiation process of the basic principles and norms of international law and a human right. Besides, in the article are studied methods and approaches of application of cession and rent of the territory concerning these isolated territories.

Key words: enclave, separate territory, treaty, delimitation and demarcation of state borders, cession and rent of the territory.

В 2015 году 6 июня в Дакке премьер-министры Индии (Н. Моди) и Бангладеш (Ш.Хасин) обменялись грамотами о ратификации Договора о демаркации сухопутной границы между этими странами (1974 г.) и Протокола к нему от 2011 года[1]. До этого времени индийско-бангладешская граница не была согласована. Самими актуальными вопросами были проблемы, связанные с существующими на приграничных участках анклавами. По итогам сорокалетнего двустороннего переговорного процесса, стороны договорились о нижеследующем:

– завершить процесс делимитации Государственной границы между Индией и Бангладеш, общая протяженность которой составляет 4 023 км[2];

– открыть коридор «Тин Бигха» через территорию Индии с целью соединения бангладешского анклава «Дахаграм» с материковым государством. Данная территория была передана Бангладеш на основе договора о бессрочной аренде;

– обменяться 162 анклавами, расположенными на индийско-бангладешской границе без определенных компенсаций. По условиям договора, индийская сторона решила передать Бангладеш 111 анклавов общей площадью около 70 км², а Бангладеш, в свою очередь, передаст Индии 51 анклав общей площадью около 28 км²;

– предоставить жителям обособленных территорий право выбора гражданства одной из сторон. В соответствии с двусторонней договоренностью, физический обмен анклавами будет осуществлен в период с 31 июля 2015 года по 30 июня 2016 года.

Обозреватели подчеркивают, что со вступлением в силу указанного исторического договора, по сути перестал существовать самый старинный анклав мира «Дахала Каграбари» – уникальный феномен политической географии, известный как анклав третьего порядка[3]. «Дахала Каграбари» – район Индии, окруженный территорией Бангладеш, в свою очередь окруженной индийским анклавом, который расположен внутри Бангладеш.

Однако, с подписанием данного соглашения все вопросы, связанные с анклавами между двумя странами полностью не урегулированы. Аналитики отмечают, что «данное событие является “исторической вехой” в укреплении индийско-бангладешских отношений в контексте обеспечения пограничной безопасности и устойчивого развития региона». Следует отметить, что в данной части земного шара расположен самый большой анклавный комплекс мира, насчитывающийся около 200 анклавов⁴ [4, 155-стр.] (всего в мире – более 250. Из порядка 200 анклавов на индийско-бангладешской границе 90 относятся Бангладеш. Общая площадь анклавов Бангладеш составляет 49,7 км², Индии – 69,6 км². Крупнейшим индийским анклавом является Балапара-Хаграбари (25,95 км²), бангладешским – Дахаграм, общей площадью в 18,7 км² (38 % территории всех анклавов Бангладеш). Самый маленький анклав мира расположен на индийско-бангладешской границе – джутное поле Бангладеш на территории Индии (53 м²). В различных исследовательских разработках, данный участок характеризуется как «угрозо образующая территория», напряженная обстановка в которой всегда обуславливает зашкаливающие показатели пороговых значений (индексов) пограничной стабильности.

Отличительным уникальным моментом индийско-бангладешских анклавов является их взаиморасположенность внутри друг-друга. Эти анклавы прошли долгий исторический путь своего развития. В XVIII веке они были субнациональными (внутренними) анклавами. Статус внешнего анклава национального характера они получили в 1947 году, так как в том году индийско-пакистанская граница приобрела международно-правовой статус.

Говоря о возникновении этих исторических анклавов, следует отметить, что в истории нет внятного объяснения их происхождения. Местные фольклоры гласят, что они являются результатом серии шахматных игр между индийскими махараджами. Указывается, что местные феодалы использовали свои деревни в качестве валюты при шахматной игре. Кроме того, рассказывается о пьяном колониальном чиновнике, перевернувшем на карту чернильницу.

Индийские и британские историки указывают, что анклавы являются результатом мирных договоров от 1711 и 1713 гг. между царством Куч Бехари Империей

Бобуридов, согласно которым «местные феодалы продолжали существовать и контролировать анклав при взаимосогласованных определенных условиях». В своих воспоминаниях голландский эксперт В. Шендел отметил, что «эти территории платили налоги одному государству, но были окружены другим» [5]. С приходом в Индию Британской Империи в 1765 году были попытки изменить устоявшую систему взаимодействия с местными махараджами, однако, им не удалось изменить статус этих анклавов.

После обретения независимости Индией и Пакистаном в 1947 году, вопросы об анклавах вновь начали обсуждаться уже на уровне Нью-Дели и Исламабада, который с 1971 года плавно перешел в фазу активных консультаций между Индией и Бангладеш, когда последнее приобрело суверенитет.

Наряду с этим следует отметить, что на протяжении трехсот лет правовое положение этих обособленных территорий всегда находилось на повестке дня. В частности, вопросы дезанклавизации границ активно обсуждались политико-формирующими кругами и правителями Британской Индии. Так, в 1910 г. впервые британская сторона внесла предложение об анклавном урегулировании.

Следует особо отметить, что привоплощению жизни данной инициативы официального Лондона были приняты во внимание пожелания коренного населения исследуемых анклавов. Согласно их общему мнению, в отношении анклавов и их жителей необходимо было сохранить «статус-кво», несмотря на их последующую принадлежность той или иной стране, что и приостановило дальнейшее обсуждение данного вопроса на высоком уровне.

Следующая попытка была сделана в 1958 году. Индийские и пакистанские переговорщики решили обменяться анклавами без материальных и территориальных компенсаций за участки, отходящие Пакистану (то есть Бангладеш), что и стало ключевым опорным моментом при заключении индийско-бангладешского договора о сухопутной границе в 1974 году.

Анализ правоприменительной практики мирных переговоров между Индией и Бангладеш, направленных на урегулирование анклавных вопросов, показал следующее:

Во-первых, при решении анклавных вопросов стороны полностью учли мнения жителей анклавов. По информации МИД Индии, в период с 2001 по 2007 гг. совместная двусторонняя пограничная комиссия изучила обстановку в каждом анклаве и провела соответствующие социологические исследования по выявлению пожеланий местного населения. Согласно результатам, «многие не хотели покидать свои дома и выразили готовность жить в другой стране, если состоится обмен территориями между Индией и Бангладеш».

Принимая во внимание приоритетность желания местного населения и во избежание крупномасштабных искоренений и смещений поселений против их пожеланий, данная ситуация (сохранение «статуса-кво») была отражена в положениях двустороннего договора между Индией и Бангладеш.

По информации The Washington Post [6], «на территории этих участков проживают свыше 50 тыс. человек». Отмечается, что 14 854 жителя, бывших территорий Бангладеш намерены принять индийское гражданство. Из 39 176 жителей ранее индийских анклавов, теперь ставших территориями Бангладеш,

гражданами Индии планируют стать около 1 тыс. человек.

Во-вторых, Нью-Дели и Дакка остались приверженными «прагматической», «взвешенной» внешнеполитической линии при обмене анклавными территориями. Несмотря на то, что в основной договор от 1974 года были внесены коррективы поправки, сторонам удалось исключить из двусторонней повестки дня современных отношений проблемы Государственной границы, превратив ее границу мира и дружбы.

Согласно подписанным документам, при обмене анклавами индийская сторона потеряла приблизительно 40 км² территории в пользу Бангладеш. Однако наблюдатели отмечают, что «Индия всего лишь формально легализовала «де-факто» уже контролируемые Бангладеш индийские анклав». Отмечается, что Индия с первых лет независимости не имела физического доступа к ним с учетом их расположенности в глубине не территории соседнего государства». Аналогичная ситуация также сохранялась и в отношении бангладешских анклавов.

В-третьих, создание коридора для выхода анклава из замкнутости. Так, в Договоре от 1974 года стороны отметили, что индийская сторона предоставит Бангладеш на бессрочную аренду коридор «Тин Бигха» (Размер данного коридора составляет 178 м в длину и 85 м в ширину) для соединения его анклава с основной территорией, ежегодная арендная сумма использования этого коридора составляет 1 долл. США.

Главным камнем преткновения в двустороннем переговорном процессе по вопросу аренды территории было «сохранение суверенитета над арендуемой территорией за государством-арендодателем», что и в последующем нашло свое отражение в международном договоре.

Несмотря на то, что у сторон имелись определенные мнения по ратификации базового договора о границе, которые приостановили на определенное время его вступление в силу, Нью-Дели и Дакка вывели вопрос использования указанного коридора из повестки дня двустороннего переговорного процесса.

Стороны дважды (в 1982г. и 1992г.) обменялись дипломатическими нотами по данному вопросу, согласно которым стороны согласились, в т.ч.:

– установить пункты пропуска с двух сторон дороги (коридора) с целью регулирования движения транспорта;

– обустроить дорогу и проложить соответствующую инфраструктуру за счет индийской стороны;

– обеспечить совместными усилиями соблюдение общественного порядка и безопасности на всей протяженности участка «Тин Бигха».

Кроме того, стороны договорились, что регулирование транспортного потока в коридоре будет осуществляться Нью-Дели. Граждане анклава могут пересекать коридор только в светлое время суток за исключением случаев ЧС и стихийных бедствий, а также необходимости оказания неотложной медицинской помощи.

Суммируя изложенное, следует особо подчеркнуть, что, несмотря на расхождения принципиальной позиции двух стран и очевидных исторических предпосылок развития данного вопроса, сторонам удалось применить в практике международно-правовые способы урегулирования территориальных споров (цессия и

обмен территориями) и удовлетворить, в первую очередь, потребности местного населения.

Список литературы:

1. www.hindustantimes.com
2. www.upi.com
3. «Дахала Каграбари»–район Индии, окруженный территорией Бангладеш, в свою очередь, окруженной индийским анклавом, который расположен внутри Бангладеш.
4. Винокуров Е.Ю. Теория анклавов.- Калининград: Терра Балтика, 2007.- С.155.
5. Willem Van Schendel Stateless in South Asia: The Making of the India-Bangladesh Enclaves // The Journal of Asian Studies 61, no. 1 (February 2002). –P.119
6. www.washingtonpost.com

Б.Мусаев,

ТДЮУ “Халқаро тижорат (хусусий)
ҳуқуқи” кафедраси ўқитувчиси

ТАРАФЛАРНИНГ ТЕНГЛИГИ ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚИЙ МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ АСОСИ СИФАТИДА

Аннотация: мазкур мақолада муаллиф томонидан тенглик тамойилининг мазмуни, унинг халқаро хусусий ҳуқуқий меҳнат муносабатларида тутган ўрни, бу борадаги миллий ва хорижий олимларнинг фикрларининг таҳлили ўрганилган. Муаллиф томонидан миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нормаларининг таҳлили натижасида уларни такомиллаштиришга оид таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: тенглик, онтологик нуқтаи назар, умумҳуқуқий тамойил, ҳуқуқни татбиқ қилиш, формал тенглик, низоларни ҳал қилиш.

Аннотация: в данной статье автор изучает содержание, роль принципа равенства в международном частном трудовом отношении, а также взгляды отечественных и зарубежных ученых. В результате анализа автором выдвинуты предложения по совершенствованию национальных нормативно-правовых актов.

Ключевые слова: равенство, онтологический смысл, общеправовой принцип, правоприменение, формальное равенство, разрешение конфликтов.

Annotation: in this article, the author has studied the content of the role of the principle of equality and its role in the international private labor relations, as well as studying the views of domestic and foreign scientists. As a result of analysis, the authors put forward proposals to improve national legal acts.

Key words: equality, ontological sense, the general principles of law enforcement, formal equality, conflict resolution.

“Тенглик” тамойили ўзбек цивилистикасида фуқаролик ҳуқуқига тегишли бўлган асосий ажралмас тамойил сифатида баҳоланиб келинади. Ушбу тамойилни энг қадимий илдиэларини қадимги юнон олимларининг асарларида учратиш мумкин. Қадимги юнон олими Цельс “**jus**”- ҳуқуқни – “**ars**”- билим ва кўникмани амалга ошириш санъати, “**boni**” - яхшилиқ ва “**aequi**” - тенглик ва адолат тушунчалари билан ифодалашга урунган. Ушбу ҳолатда Қадимги Юнон ҳуқуқида ҳам тенглик тамойили ҳуқуқнинг асосий белгиси сифатида баҳоланганлигини кўриш мумкин.

Қадимги Юнон ва Рим давлатлари ҳуқуқшунослари қаерда расмий тенглик мавжуд бўлса, шу ерда ҳуқуқ, муносабатларнинг ҳуқуқий шакли, тартибга солишининг ҳуқуқий шакли ва ҳуқуқий бошланиш ҳаракатда бўлади, қаердаки ҳуқуқ ҳаракат қилса шу ерда тенглик тамойили бўлиши лозим, деган фикрни илгари суришган.

Ҳуқуқий назария соҳасидаги олимлардан бири В.С. Нерсеяннинг куйидаги фикрлари диққатга сазовор: “Ушбу принцип (*тенглик принципи ҳақида фикр юритилмоқда – изоҳ муаллифники*) доирасидан четга чиқувчи ва унга зид бўлган барча муносабатлар ноҳуқуқий ва ҳуқуққа зид саналади” [1, 157-158-бетлар]. Фуқаролик ҳуқуқи “тенглик” тамойилидан тасодифий равишда фойдаланмайди. Ушбу

тамойилда фуқаролик қонунчилигини ривожланишининг муҳим даврлари ва яқунлари, хусусий ҳуқуқий тартибга солишининг асосий йўналишлари, олдинги авлод цивилист олимларининг сиёсий-ҳуқуқий ва фалсафий қарашлари жамланган.

Хусусий ҳуқуқий муносабатлар, унинг хусусиятлари, ушбу муносабатларнинг энг муҳим белгиси сифатида тарафларнинг тенглиги, хусусий ҳуқуқий муносабатларни коллизия тартибга солиш, коллизия нормалар ва унинг турлари, халқаро хусусий ҳуқуқий коллизия нормаларнинг кодификация қилиш масалалари ўзбек миллий ҳуқуқий адабиётларида кенг муҳокама қилиниб келинмоқда [2].

Тенглик умумҳуқуқий тамойил сифатида соҳавий қонун ҳужжатларида аниқлаштирилиб ривожлантирилган бўлиб, ушбу тамойил амалдаги Фуқаролик кодекси нормаларида ҳам назарда тутилган. Хусусан, Фуқаролик кодексининг 1-моддаси, 1-қисмига биноан “Фуқаролик қонун ҳужжатлари улар томонидан тартибга солинадиган муносабатлар иштирокчиларининг тенглигини эътироф этишга, мулкнинг дахлсизлигига, шартноманинг эркинлигига, хусусий ишларга бирон-бир кишининг ўзбошимчалик билан аралашшига йўл қўйилмаслигига, фуқаролик ҳуқуқлари тўқинликсиз амалга оширилишини, бузилган ҳуқуқлар тикланишини, уларнинг суд орқали ҳимоя қилинишини таъминлаш зарурлигига асосланади”. Ушбу тамойиллар фуқаролик ҳуқуқи нормаларининг юқори ижтимоий аҳамиятига эга эканлигидан далolat бериб, уларнинг жамият ҳаётидаги таъсирчанлик мавқеини янада кенгайтиради. Бундан ташқари, Фуқаролик қонунчилигининг ушбу тамойиллари, яъни асосий йўналишлари ЎзР ФК нормалари моҳиятини, мазмунини ва вазифаларини белгилашда асос сифатида фойдаланилди. Фуқаролик қонун ҳужжатларининг моҳияти ҳам улар асосида белгиланади.

1997 йилда қабул қилинган Фуқаролик кодексига тенглик тамойилини киритилиши мулк шаклларининг хилма-хиллиги, хусусий мулк дахлсизлиги ва бозор иқтисодиёти қоидаларига асосланган давлатимизда ижтимоий муносабатларни самарали ва муваффақиятли тартибга солишда объектив заруриятга айланган. Тенглик тамойили ижтимоий муносабатлар субъектларининг таркибидан қатъи назар мулк ва шахсий номулк муносабатларни ягона ҳуқуқий тартибга солишни белгилаб беришга қаратилган.

Ягона ҳуқуқий тартибга солиш ўзида фуқаролик ҳуқуқи субъектларини уларнинг индивидуал хусусиятларидан ва бошқа белгиларидан қатъи назар жамоавий ва шахсий манфаатларни ягона тартибга солишида намоён бўлади.

Ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган қоидаларнинг мазмунини белгилашда кўпгина ҳолларда ушбу муносабатларнинг хусусиятлари ҳисобга олинади. Ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятлари, шунингдек ижтимоий муносабатларнинг элементлари (шахснинг ҳолати, объектнинг аломатлари ва ҳ.к.) билан белгиланади. Фуқаролик ҳуқуқи қоидалари воситасида тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларнинг доирасини белгилашда ҳам ушбу талабга амал қилинади.

Юқорида келтирилган муносабатлар, улар иштирокчиларининг тенг ҳуқуқлилик, мулк иштирокчилиги, ушбу муносабатларнинг ҳақ эвазига

амалга оширилиши, иштирокчиларнинг иқтисодий жиҳатдан бир-бирига қарам бўлмаслиги, мол-мулкнинг алоҳида бўлиши, юридик тенг ҳуқуқлилик, шахсий ҳуқуқларнинг узвий ва дахлсиз бўлиши тамойилларига асосланади [3, 7-бет].

Бундан кўриниб турибдики, Фуқаролик ҳуқуқида тенглик тамойили мустақил ва ихтисослаштирилган тамойил сифатида алоҳида аҳамиятга эга. Ўз ўрнида Х.Рахмонкулов хусусий ҳуқуқий ва оммавий ҳуқуқий муносабатларга ўз нуқтаи назарини билдирар экан қуйидаги фикрлари диққатга сазовор: “Ижтимоий муносабатлар тизимида ҳуқуқий муносабатлар муҳим ўрин эгаллайди. Ҳуқуқий муносабатлар уларда иштирок этувчи тарафлар (ҳуқуқ субъектлари)нинг ҳуқуқий мақоми ва уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг хусусиятларига мувофиқ ҳар хил аҳамиятга эга бўлади. Бир тарафнинг иккинчи тарафга бўйсиниши тамойилига асосланган муносабатлар оммавий-ҳуқуқий аҳамиятга эга. Тарафлари ўзаро тенг ҳуқуқли тамойилига асосланган муносабатлар хусусий-ҳуқуқий аҳамиятга эга.

Хусусий-ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган муносабатлар ҳуқуқ субъекти сифатида нафақат битта давлат, шунингдек, турли давлатлар ҳудудида истиқомат қилувчи фуқаролар (жисмоний шахслар), фаолият юритувчи юридик шахслар ўртасида ҳам вужудга келади.” [4, 4-бет].

Тенглик тамойилининг мазмунига эътибор қаратадиган бўлсак, ушбу тамойил инсонлар томонидан ташқаридан мажбурий равишда киритилган ва сунъий равишда яратилган қандайдир нарса эмас, балки ушбу тамойил икки ҳуқуқ соҳаси – хусусий-ҳуқуқий ва оммавий-ҳуқуқий соҳаларни бир-бирдан ажратишга хизмат қилади.

Хусусий ҳуқуқнинг асосий бошланғич қоидаси тарафларнинг ўзаро тенглиги ва ўзаро манфаатлар мувофиқлиги саналса, оммавий-ҳуқуқнинг бошланғич қоидаси – ҳокимият ва бўйсунуш, субординация саналади. Н.П. Асланян қайд этганидек, “бўйсунушнинг аниқ равшан эканлиги бир вақтни ўзида тенглик ва бўйсунушнинг бир-бирига мувофиқ келмаслигини исботлаш заруриятини йўққа чиқаради” [5, 270-бет].

Хусусий ҳуқуқий муносабатларнинг мавжуд бўлиш ғояси ўз ичига ҳуқуқ субъектига у ҳаракат қилаётган ҳуқуқий муносабатлар доирасида ташқи аралашувларсиз ўз манфаатларини уйлаган ҳолда эркин ҳаракатланиш имконини беришида намоён бўлади [5, 126-бет].

Оммавий ҳуқуқда эса акси бўлиб, унга кўра алоҳида шахсларнинг манфаатлари жамоат манфаатларига қай даражада мос келган ҳолдагина аҳамиятга эга бўлиб, шахсий манфаатлардан оммавий манфаатларнинг устунлиги тан олинади. Ушбу ҳолатдан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, оммавий ва хусусий ҳуқуқий муносабатларни ажратувчи энг муҳим белги бу – ҳуқуқий муносабат иштирокчилари манфаатларининг чегараси саналади.

С.С. Алексеевнинг фикрича: “айнан хусусий ҳуқуқ шахснинг фаол ижоди, ташаббускорлиги, тадбиркорлиги ва фаолияти учун кафолатланган имконият туғдириб, субъектив ҳуқуқлар тизимини вужудга келиши билан боғлиқ бўлган асосий жараёнларни ўзида ифодалайди.... Хусусий ҳуқуқ шахснинг “ўзига ўзи ҳўжайин”, иқтисодий жиҳатдан эркин, мустақил ва тенг бўлишини ўз ичига олувчи юридик шакл сифатида гавдаланади” [6, 158-бет].

Қайд этиш лозимки, хусусий ҳуқуқнинг ягоналиги ва тенглигининг мазмуни шундаки, ушбу тушунчалар жамият аҳолисининг ижтимоий онгида адолат ва тенг ҳуқуқлилик белгиси сифатида шаклланган.

Жамиятда шахслар ўртасидаги хусусий-ҳуқуқий муносабатларнинг мазмунига эътибор қаратар экан, П.Г. Виноградов шахслар ўртасидаги тартибни сақлаш учун минимал талаблар сифатида қуйидагиларни назарда тутди: “Хусусий ҳуқуқий муносабат ҳуқуқ субъектларига зарар етказмаслиги, бирининг иккинчисига нисбатан адолатсиз устунлик бермаслиги, бирининг шахсий манфаатларини бошқасиникидан устун қўймаслиги лозим” [7, 400-408-бетлар].

Товар-пул муносабатлари ҳаракатда бўлиб турган шароитда фуқаролик ҳуқуқий муносабат тарафларнинг тенглигини талаб этади, ушбу муносабатга хос тенглик ва уни муайян шаклда ифода этилганлиги ва мустаҳкамланганлигидан дарак беради [3, 14-бет]. С.Н. Братуснинг айтишича, тарафларнинг тенглиги фуқаролик ҳуқуқи билан тартибга солиш методининг муҳим белгиси сифатида мулк муносабатларнинг ўзи билан ифода этилади. У фуқаролик ҳуқуқи предмети ва методининг бирлигини тан олса—да, амалда методнинг аҳамиятини ҳисобга олмайди ва фуқаролик ҳуқуқини бошқа ҳуқуқ соҳаларидан фарқлаш учун қўшимча критерий (мезон), яъни методнинг ҳожати йўқ деб тасдиқлайди [8, 53-бет].

Демак, барча жамият аъзоларининг манфаатларини кўзлаб тикка ҳолатда бўлган, яъни ҳокимият, маъмурий итоат асосида вужудга келадиган муносабатлар оммавий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинади, алоҳида шахсларнинг манфаатларини кўзлаб, ёйиқ ҳолатда, яъни тенг ҳуқуқли субъектлар ўртасида ташаббус кўрсатиш ва эрк-иродасини мустақил ифода этиш асосида вужудга келадиган муносабатлар хусусий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинади [9, 536-бет].

Хусусий ҳуқуқ тизимига кирувчи фуқаролик ҳуқуқининг нормалари воситасида жамият аъзолари, давлат ва нодавлат ташкилотларнинг хусусий манфаатлари ифодаланган, тенг ҳуқуқли ва алоҳида мулк эгаларининг (фуқаролар ва юридик шахслар) ташаббускорлигига асосланган турли ижтимоий муносабатлар тартибга солинади ва бир тарафнинг иккинчи тарафга ҳуқуқий жиҳатдан бўйсунушига асосланмаган, ушбу тарафларнинг мустақиллик ва тенг ҳуқуқлилик тамойилларига асосланган муносабатлар тартибга солинади [10, 60-63-бетлар].

Ушбу фикрни таҳлил қилишда, энг аввало, ушбу муносабатларни белгилаб берувчи икки мезон мазмуни ва уни ташкил қилувчи қисмларни чуқур англаш талаб қилинади. Шунинг қайд этиш лозимки, бу икки мезонни янада аниқлаштириш талаб қилинади, шунингдек улар шартли мезон сифатида қараш мақсадга мувофиқдир.

Ижтимоий муносабатлар хусусий ҳуқуқий табиат касб этиши ёки этмаслигини аниқлаш учун, аввало, диспозитивлик, иштирокчиларнинг тенглиги ва тарафларнинг эрк мухторияти принципини таҳлил қилиш лозим. Диспозитивлик принципи ўзида ижтимоий муносабатларни ташаббус қилиш, ўзгартиши ва бекор қилишда иштирокчиларининг иродасининг мутлақ тенг ҳуқуқлигини назарда тутди.

Мисол учун, тарафларни бирор-бир мулк манфаатларини қондиришга қаратилган шартноманинг (олди-сотди, ташиш шартномаси ва бошқалар) имзоланиши, хусусий ҳуқуқий муносабатларга мисол

бўлади. Шахсни бирор-бир жинойт содир этганликда гумон қилиниб, қўлга олиниши билан боғлиқ муносабатларда, тарафларнинг иродаси фақатгина давлат томонидан унинг номидан ҳаракат қиладиган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими томонидан амалга оширилади. Бу ҳолатда юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар ўз-ўзидан хусусий ҳуқуқий характер касб этмайди.

Тарафларнинг тенглиги хусусий ҳуқуқнинг бошланғич асоси сифатида хусусий шахсларнинг ҳуқуқий муомаладаги тартибини ўрнатади, улар манфаатларини адолатли ҳимояланишини кафолатлайди. Тенглик тамойили алоҳида шахсларга нисбатан зўравонлик ҳамда ўзбошимчаликка ва асоссиз имтиёзларга йўл қўймаган ҳолда шахсларнинг тенг ҳуқуқли субъектлар сифатидаги ҳуқуқий алоқаларини баҳолайди ва расмийлаштиради.

Ҳуқуқий муомалада фактик жиҳатдан ўзаро нотенг бўлган шахслар ҳам тенг ва бир-биридан мустақил бўлган, ҳуқуқий муносабатнинг эркин иштирокчилари сифатида баҳолашиб, ягона ҳуқуқий қоидага — “нима қилиш мумкин ва нима қилишдан тийилиш лозим” қоидасига амал қиладилар. Тенглик тамойили ижтимоий ҳаёт субъектлари манфаатларини мувожанатда бўлиши ва мувофиқлашувига кўмаклашиб, ижтимоий муносабат субъектларининг формал жиҳатдан ҳуқуқий мақомига аниқлик киритишга хизмат қилади. Хусусий ҳуқуқий муносабатларда тарафлар ўртасида низо юзага келган тақдирда, низони ҳал қилишнинг ягона ҳуқуқий усули, шунингдек, бузилган субъектив ҳуқуқларнинг ҳимоя қилишнинг ягона воситаси ўрнатилади.

Шундай қилиб, тенглик онтологик нуқтаи назардан ижтимоий омил сифатида намоён бўлиб, у хусусий ҳуқуқни шаклланиши ва ривожланишини таъминлайди. Гносеологик нуқтаи назаридан эса тенглик ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш хусусиятлари ва умумий йўналишларини аниқлаб берувчи бош ғояни ўзида намоён қилади. Қайд этиш лозимки, ушбу ғоя фактик жиҳатдан тенглик ва формал жиҳатдан тенглик нуқтаи назарда кўриб чиқилади. Фактик жиҳатдан тенглик ўз мазмунига кўра ҳуқуқ моҳиятини, ижтимоий муносабатлар ва ҳуқуқнинг ўзаро алоқасини нотўғри тушунишнинг оқибати саналади. В.С. Нерсисянц қайд этганидек, фактик жиҳатдан тенглик бу - ҳуқуқий тенгликни инкор қилиш саналади [11, 157-158-бетлар].

Бундай ҳуқуққа зид тенглик барча асосий ҳуқуқ ва шахс эркинлигига зид келади. Шундай қилиб, тенгликнинг энг тўғри ва адолатлиси бу — формал юридик тенглик саналади. Ўзбек миллий ҳуқуқий тизимида формал тенглик турли ҳуқуқ соҳаларидаги тамойил ва умумҳуқуқий тамойил сифатида намоён бўлади. Ушбу тушунча миллий ҳуқуқий ҳужжатларда турли сўз бирикмалари орқали очиб берилади: қонун олдидаги тенглик, ҳиссалардаги тенглик, овоздаги тенглик, имкониятлардаги тенглик ва бошқалар.

Хусусий ҳуқуқ ҳам муайян ҳуқуқ соҳаларидан ташкил топган ҳуқуқ тизимидан иборат. Ушбу тизимга кирган ҳуқуқ соҳалари воситасида жамият аъзолари, давлат ташкилотларининг хусусий манфаатлари ифодаланган, мустақиллик ва яқка мулкдорларнинг (жисмоний шахслар, юридик шахслар) ташаббускорлигига асосланган муносабатлар тартибга солинади. Бундай муносабатлар ёйиқ чизиқ (горизонтал) аҳамиятга эга бўлган, яъни бир тарафнинг иккинчи тарафга ҳуқуқий жиҳатдан бўйсунушига асосланмаган, мустақиллик ва тенг ҳуқуққа

эга бўлган иштирокчилар ўртасида вужудга келадиган муносабатлардан иборат [12, 13-бет].

Халқаро хусусий ҳуқуқ предметиға тор нуқтаи назардан ёндашиш зарурлигини В.Ф.Попондопуло ҳам таъкидлайди. Унинг фикрича, “халқаро хусусий ҳуқуқ – бу фуқаролик ҳуқуқининг чет элликлар иштирокидаги мулкӣ ва улар билан боғлиқ шахсий номулкӣ муносабатларни тартибга соладиган, томонлар тенглиги, иштирокчиларининг хоҳиш-ирода эркинлиги ва мулкӣ мустақиллигиға асосланган умумий ва махсус нормалари йиғиндиси” [13, 11-бет].

Шундай қилиб, тенглик тамойили ғносеологик ва онтологик нуқтаи назарда кўриладиган хусусий ҳуқуқнинг бошланғич асоси саналади. Онтологик нуқтаи назардан тенглик тамойили фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишининг умумий йўналишлари ва ўзига хос хусусиятларини белгилаб берувчи асосий ғоя сифатида эмас, балки фуқаролик ҳуқуқӣ субъектларининг ўзаро ҳуқуқий муносабатларини ташқи шакли саналади.

Халқаро меҳнат муносабатлари ўз хусусиятлари, яъни ушбу муносабатларнинг ҳақ эвазига амалга оширилиши, тарафларининг шахсий манфаатларини қондиришга қаратилган бўлиши, тарафларининг тенг ҳуқуқлиги жиҳатдан фуқаролик ҳуқуқӣ нормалари воситасида тартибга солинадиган муносабатларға ўхшашлиги бор, лекин улар вужудга келиши асослари, уларда қатнашувчи шахсларнинг ҳуқуқий мақоми ва амалда қўлланиши доираси билан миллий ҳуқуқий муносабатлардан фарқ қилади ва шунинг учун ҳам “чет эл элементлари билан мураккаблашган ҳуқуқий муносабатлар” деб аталади.

Бунга сабаб, ушбу муносабатларда, турли давлат фуқароларининг, ташкилотларининг иштирок этиши уларни одатда фуқаролик ёки меҳнат ҳуқуқӣ нормалари билан битта давлат ичида тартибга солинадиган муносабатлар доирасидан четга чиқариб юборади ва натижада халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини қўллашга олиб келади. Ушбу муносабатлардаги тарафларнинг ҳуқуқий мақоми ва тенглиги масалаларида илмий адабиётларда турли ёндашувлар мавжуд.

Шахсининг ўз хоҳишиға кўра бирор-бир ижтимоий муносабатларға киришиш хоҳишини турлича тушуниш ва тарафларнинг тенглигини аниқлашда қийинчиликларға дуч келиш мумкин. Мисол учун, меҳнат шартномасини тузиш жараёнида баъзи бир ҳолатларда ходим қўшимча даромад олиш мақсадида ўз касбий имкониятлари доирасида қўшимча меҳнат вазифаларини зиммасиға олиш ҳақида таклиф киритиши мумкин. Ушбу ҳолатда иш берувчининг қўшимча иш бажариш ҳақидаги мазкур таклифни рад қилиши ходимнинг ҳуқуқларини бузиш саналмайди, сабаби ходимнинг асосий меҳнати учун иш берувчи томонидан ҳақ тўланади. Шундай бўлса-да, юридик нуқтаи назаридан олиб қараганда юқоридаги ҳар икки ҳолатда ҳам меҳнат шартномасини тузиш вақтида тарафларнинг хоҳиш иродаси эркин амалга оширилган, деб ҳисобланилади.

Бу борадаги амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси нормалариға эътибор қаратсак. Юқорида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг 1-моддасидаёқ фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни тенг ҳуқуқлиликка асосланиши белгилаб берилган. Лекин, амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси ҳақида бундай фикр билдириб бўлмайди. Меҳнат кодекси нормаларида фақатгина “Жамоа шартномалари ва келишувлари

тузишининг асосий принциплари” (30-модда), “Меҳнат қилиш ҳуқуқини амалга ошириш кафолатлари” (58-модда)да тенглик ҳақида сўз юритилади, лекин ушбу тенглик ҳақидаги қоидалар меҳнат шартномаси ва унинг тарафларига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Меҳнат кодексининг “Меҳнат шартномасининг тушунчаси ва тарафлари” деб номланган 72-моддасида меҳнат шартномаси унинг тарафларига шундай таъриф берилган: “Меҳнат шартномаси ходим билан иш берувчи ўртасида муайян мутахассислик, малака, лавозим бўйича ишни ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда тарафлар келишуви, шунингдек меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бажариш ҳақидаги келишувдир.

Ходим ва иш берувчи меҳнат шартномасининг тарафлари бўлиб ҳисобланадилар” [14]. Ушбу қоидада қонун чиқарувчи меҳнат муносабатлари тарафларини ким эканлигини, шартнома шартлари ҳақида сўз юритса-да, тарафларнинг тенглиги тамойилини умуман назарда тутмаган.

Бизнингча, тарафларнинг тенглиги масаласини кўриб чиқиш жараёнида шунга эътибор қаратиш лозимки, ҳар икки тараф юридик шахс бўлган тадбиркорлар ўртасидаги олди-сотди шартномасидаги тарафларнинг тенглиги билан, бир тарафдан юридик шахс – иш берувчи ва иккинчи тарафдан ходим – жисмоний шахс ўртасидаги меҳнат шартномаси тарафларининг тенглигидаги фарқли жиҳатларни аниқлаш қийин эмас.

Агар ушбу ҳолатда шартномада кўрсатиб ўтилган иш берувчи ва ходимға юклатилган ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларни уларнинг ўзаро розилиги ва хоҳишиға кўра тенг даражада белгиланганлигини инобатға олган ҳолда юридик жиҳатдан тенглик сифатида баҳоласак, фактик жиҳатдан тенглик масаласида бундай фикрға келмаслигимиз мумкин.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам иш берувчи кучли тараф сифатида намоён бўлади. Ушбу ҳолат шартномани ўзгартириш, уни бекор қилиш масалаларида кўпроқ намоён бўлади. Шунинг учун, меҳнат шартномасида қўлчилик ҳолатларда ходим қийин шароитлар бўлса-да, қандайдир пул маблағини топиш илинжида иш берувчининг меҳнат шартномасида белгилаб қўйган нотенг шартларига рози бўлади.

Ушбу ҳолат меҳнат муносабатлари фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан уни тартибга солиш жараёнида давлат аралашувини кенг амалга оширилиши билан ажралиб туришини кўрсатади. Давлатнинг ушбу муносабатлардаги иштироки ўз навбатида меҳнат шартномасида тарафларнинг нотенглигини янада кучайтиришға йўналтирилган. Меҳнат муносабатларини халқаро хусусий ҳуқуқнинг объекти сифатида кўрилиши меҳнат муносабатларида мавжуд бўлган ўзига хос белгиларни қўшимча равишда янада кўпроқ ҳисобға олиш имкониятини беради.

Яна бир бор қайд этиш лозимки, халқаро хусусий ҳуқуқнинг объектлари доирасиға киритиш нуқтаи назаридан кўриб чиқилаётган муносабатларни асосий белгиси сифатида меҳнат муносабатларида тарафларнинг формал жиҳатдан но тенглигини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Шу билан бирга, Л.А. Сыроватскаянинг қайд этишича: “Ҳақиқий ҳаётда бугунги кунда меҳнат ва фуқаролик-ҳуқуқий нормаларнинг чатишуви натижасида вужудга келадиган ноодатий меҳнат келишувлари тузилаётганлигини кузатиш мумкин” [15, 82-бет]. Ушбу фикрларға ўз нуқтаи назарини билдирар экан И.Я. Киселев меҳнат ҳуқуқӣ ўзининг тарихий ривожланиши

жараёнида иш берувчи ва ходим ўртасидаги фактик нотенгликни компенсация қилиш мақсадида фуқаролик ҳуқуқини сезиларли даражада тўғрилаш йўлидан борди [16, 88-89-бетлар].

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги нуқтаи назарни илгари суриш мумкин:

Биринчи, ҳуқуқий муносабатларда тарафларнинг тенглиги тамойили давлат ҳуқуқ назарияси ва фуқаролик ҳуқуқи доктринал таълимотларида батафсил таҳлил қилинган масала бўлиб, ушбу қарашларда мазкур тамойилнинг мазмуни тўлиқ очиб берилган;

Иккинчи, фуқаролик ҳуқуқида “тенглик” тамойилидан тасодифий равишда фойдаланмайди. Ушбу тамойилда фуқаролик қонунчилигининг ривожланишининг муҳим давлари ва яқунлари, хусусий ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий йўналишлари, олдинги авлод цивилист олимларининг сиёсий-ҳуқуқий ва фалсафий қарашлари жамланган. Миллий Фуқаролик кодексида ҳам ушбу тамойилни мустақамланганлиги унинг аҳамиятини кўрсатиб беради. Шунингдек, мазкур тамойил халқаро хусусий ҳуқуқий муносабатларнинг ҳам асосини ташкил қилиши масаласи юқоридаги таҳлилларда кўриб чиқилди.

Учинчи, меҳнат муносабатларида, хусусан халқаро хусусий ҳуқуқий меҳнат муносабатлари ўз мазмунига кўра тарафларнинг келишувига асосланган шартномавий муносабат экан, унда ҳам тарафларнинг тенглигини белгиланиши муҳимдир. Ушбу ҳолат фуқаролик ҳуқуқини (мулкни дахлсизлиги, шартномада тарафларнинг тенглиги) фундаментал асосларига зид ҳолат сифатида намоён бўлади. Меҳнат ҳуқуқи назарияси ва амалиётида цивилистик тамойиллар ва ижтимоий муносабатларнинг тузилишини қўлланилиш имконияти кўпчилик ҳолатларда иш берувчининг манфаатларига жавоб беради. Ушбу ҳолат фуқаролик ҳуқуқидаги марказий масалалардан бири ҳисобланган тарафларнинг шартномадаги абстракт тенглиги тамойили баъзи ҳолатларда ходимларнинг манфаатларига зид равишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тўртинчи, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат қилаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг меҳнат фаолиятида меҳнат муҳофазасини таъминлашда тенг имкониятлар яратиш, ушбу муносабатларга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқни аниқлаш масаласи бугунги кундаги амалдаги “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунида назарда тутилмаган. Ушбу қонунинг 3-моддаси “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар ва қонуннинг қўлланиш соҳаси” деб номланган бўлсада лекин чет эл фуқароларининг меҳнат муносабатларига нисбатан уни татбиқ қилиш ёки қилмаслик масаласи очиқ қолганлиги диққатга сазовор.

Шуни инобатга олган ҳолда, мазкур қонунинг 3-моддасига қуйидаги таҳрирдаги нормани киритиш мақсадга мувофиқ: “Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатларда меҳнат қилаётган фуқароларига нисбатан иш берувчи жойлашган давлатнинг меҳнат муҳофазасига оид қонунчилик татбиқ қиланади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган барча корхоналарга, шунингдек, чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга тўлиқ ёки қисман тегишли бўлган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган корхоналарда меҳнат қилаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг меҳнат муҳофаза қилиш қилиш ҳақидаги қонунчилик татбиқ қилинади”.

Бешинчи, амалдаги Меҳнат кодексининг нормаларида меҳнат шартномаси тарафларининг тенглиги назарда тутилмаганлиги мазкур қонунчиликдаги бўшлиқларни бартараф қилиш заруриятини олдимизга қўймоқда. Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг “Меҳнат шартномасининг тушунчаси ва тарафлари” деб номланган 72-моддаси, 1-қисмини қуйидаги таҳлитда баён қилиш мақсадга мувофиқ саналади:

“Меҳнат шартномаси ходим билан иш берувчи ўртасида муайян мутахассислик, малака, лавозим бўйича ишни ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда **тенг ҳуқуқли асосда вужудга келадиган** тарафлар келишуви, шунингдек меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бажариш ҳақидаги келишувдир”.

Адабиётлар рўйхати:

1. Нерсесянц В. С. Философия права: Учебник для вузов. – М., 2005. – С.157-158.
2. Халқаро хусусий ҳуқуқ // Ҳ.Р. Раҳмонқулов ва бошқ. –Т., Иқтисод ва ҳуқуқ дунёси, 2002. – Б.448.; Раҳмонқулов Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. –Т., “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”. 1997.; Закиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик. I қисм. /Масъул муҳаррир проф. Ҳ.Раҳмонқулов. – Т., ТДЮИ, 2006.; Рўзиназаров Ш.Н. Юридик фанларнинг ривожланиши ва замонавий муаммолари. Т.: 2007. – Б.225-242.; Ҳ.Р.Раҳмонқулов Фуқаролик ҳуқуқи муаммолари. (1-қисм). Дарслик. –Т., ТДЮИ нашриёти, 2010. Б.536.; Х.Раҳмонқулов. “Фуқаролик ҳуқуқининг объектлари” // Ўқув қўлланма. – Т., ТДЮИ, 2009. – Б. 14.; Х.Раҳмонқулов, Ш.Рўзиназаров, О.Оқюлов, Х.Азизов, Н.Имомов. Хусусий мулк ҳуқуқининг мазмуни. – Т., АҚХМИ, 2008. Б.158.; Раҳмонқулов Х. Становление и перспективы развития частного права в Республике Узбекистан. / Вестник НУУЗ. – 2008. – №1. – С. 60-63.; Халқаро хусусий ҳуқуқнинг долзарб муаммолари ва ривожланиш истиқболлари. – Т., “Adabiyot uchqunlari” нашриёти, 2014. Б.282. (Х-А.Раҳмонқулов, В.Ё.Эргашев ва бошқалар); Рашидов К.К. Некоторые вопросы кодификации норм международного частного права в Республике Узбекистан // Материалы международной научно-практической конференции «Актуальные проблемы гражданского права». – Т., 2010. –С.90.
3. Х.Раҳмонқулов. “Фуқаролик ҳуқуқининг объектлари” // Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮИ, 2009. – Б. 7.
4. Х.Раҳмонқулов. “Фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари” // Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – Б. 4.
5. Асланян Н. П. Основные начала российского частного права. – Иркутск, 2001. – С. 270.
6. Алексеев С. С. Частное право: Научно-публицистический очерк. – М., 1999. – С. 158.
7. Виноградов П. Г. Очерки по теории права // Антология мировой правовой мысли. В 5 т. Т. V. – М., 1999. – С. 400-408.
8. Братусь С.Н. Предмет и система советского гражданского права. – М. 1963. – С. 53.
9. Ҳ.Р.Раҳмонқулов Фуқаролик ҳуқуқи муаммолари. (1-қисм). Дарслик. –Т., ТДЮИ нашриёти, 2010. Б. 536.

10. Рахманкулов Х. Становление и перспективы развития частного права в Республике Узбекистан. / Вестник НУУЗ. – 2008. – №1. – С. 60-63.

11. Нерсесянц В. С. Философия права: Учебник для вузов. – М., 2005. – С.157-158.

12. Х.А.Рахмонкулов, В.Ё.Эргашев ва бошқалар. Халқаро хусусий ҳуқуқнинг долзарб муаммолари ва ривожланиш истиқболлари. – Т., “Adabiyot uchqunlari” нашриёти, 2014. – Б.13.

13. Международное коммерческое право: Учеб. пособие / Под общ. ред. В.Ф.Попондопуло. – М., 2004. – С. 11.

14. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 1-сонга илова.

15. Сыроватская Л.А. Трудовые отношения и трудовое право // Государство и право. 1996. № 7. – С. 82.

16. Киселев И.Я. Сравнительное и международное трудовое право. – М., 1999. –С. 88-89.

S. Gafurova

Researcher of the University of World Economy and Diplomacy

THE LEGAL ESSENCE OF THE CONSUL'S PROTECTION OF CITIZEN'S RIGHTS IN ABROAD

Annotation: this article dedicated to attempts disclosing the legal nature of the consular protection of the citizens' rights in abroad. Working on this issue, the author concludes that consular protection has an importance point in the protection of human rights in general, especially citizens located outside of the state.

Keywords: legal protection, the consul, consular functions, legal aid, an international treaty, consular convention.

Аннотация: мазкур мақола чет давлатлардаги фуқаролар ҳуқуқларининг консуллик ҳимояси ва унинг ҳуқуқий моҳияти масаласига бағишланган. Муаллиф, мавзунини ёритар экан, консуллик ҳимояси чет давлатлардаги фуқароларга нисбатан инсон ҳуқуқларини таъминлашда муҳим ҳуқуқий аҳамият касб этади, деган хулосага келади.

Калит сўзлар: ҳуқуқий ҳимоя, консул, консуллик функциялари, ҳуқуқий ёрдам, халқаро шартнома, консуллик конвенцияси.

Аннотация: эта статья посвящена попыткам раскрытия правовой сущности консульской защиты прав граждан за рубежом. В работе автор приходит к выводу, что консульская защита занимает первостепенное значение в защите прав человека, находящегося за пределами своего государства в целом.

Ключевые слова: правовая защита, консул, консульский функции, юридическая помощь, международный договор, консульская конвенция.

The current stage of the development of the Republic of Uzbekistan distinguishes with its position in searching of new and new ways of necessary legal protection of citizen in all forms of conflict situations. One of these necessities is to protect the rights of citizens of the Republic of Uzbekistan in abroad.

Consular law, which has an ancient history, reflecting to the socio-political views of different ages and consciousness essence of events, is forming an adequate response to these events [1, 4-5-p.]. Nowadays, the development of consular law, enrichment it with new legal opinions, knowledge based on modern achievements of science is very important. With the globalization the consular protection of citizens in abroad acquires particular importance as it serves the entire wide spectrum of relations with different countries. The more active development of relations, the larger and more intensive exchange of experience and human resources, the greater the burden placed on consular offices. Consular protection is a historically developed as a universal social and legal phenomenon. Consular protection has a dominant role in diplomatic relations between states. The degree of effectiveness of the state protection of the interests of its citizens in abroad determines the degree of people's trust in government and the state. Security of states depends on the vector of foreign policy, economic, consular and other interests of those states. It critically assesses the legal nature, content and effects in the domestic legal orders of the

least developed right recognized to the ... citizen: the right to protection in abroad.

According to the Vienna Convention of 1963 (Article 5), the main task of consuls is to defend in the receiving State the interests of the state, its citizens and legal entities. In studies of consular protection the great importance has the question of the place and role of international bilateral consular convention and the international treaties on legal assistance and legal protection. The Republic of Uzbekistan signed bilateral agreements on legal assistance and legal relations with 15 countries such as Turkey, Latvia, Georgia, Turkmenistan, Kirgizistan, Lithuania, Kazakhstan, Azerbaijan, China, Ukraine, India, Czech Republic, Korea, Bulgaria, Pakistan. Also, the Republic of Uzbekistan signed bilateral agreements on extradition with 7 countries such as China, India, Iran, Tajikistan, Pakistan, Korea and Bulgaria. These agreements are the main source in the exercise of consular assistance to citizens, facilitating their activities.

At present time, 34 embassies (with their consular departments), 10 Consulates general (in Afghanistan, Greece, CSA, Novosibirsk, UAE, USA, Thailand, Turkey, Germany and Shanghai) two Permanent missions of the Republic of Uzbekistan operating in different countries. In addition, the Republic of Uzbekistan has its 11 Honorary Consuls in different countries of the world – such as the U.S. (2), Germany, Japan, France, Spain (2), Slovakia, Vietnam and Bangladesh. Consul ensures that the sending State and its citizens enjoy all the rights that they own under the laws of the host State and the applicable international instruments.

Consular protection of citizens' rights in abroad is a conceptual study. In a study of the consular protection of citizens' rights in abroad it is very important the determination of the legal essence of the consular protection, which especially reflects in its legal entity.

Logically, we must examine the issue of interpretation of the values of the essence of law in science. The essence of the law - is the main, internal, relatively stable qualitative characteristics of law, which reflects the essence and purpose of his life in the society. Revealing the essence of the study is based on social values, ideas, determining the essence of law. Because of the law is a complex multifaceted social phenomenon, it can be studied in various aspects from different points of view. The history of legal thought is represented by a sufficiently wide range of views about the essence of law and the definition of its concepts. The existing legal scientific approaches are an expression of historically social problems and their resolutions at the same time.

In researching the essence of law it is important to consider two aspects:

1) The law is primarily a regulator (this is its formal side);

2) Whose interests are served this regulator (this is its substantial side).

In "The Theory of State and Law," edited by N.N.Stepanova put forward the view that the correct conclusion about the essence of a phenomenon can only come when it has received sufficient development [2, 234-p.].

However, in practice, based on the different social, economic or other reasons, the citizens get to unexpected problematic situations. In solving their problems become clear gaps or lack of a mechanism to implement the law in the content of the existing rules. On the other hand, protect the legitimate interests of citizens and legal entities

outside the state contribute to the flexibility and efficiency of the consular service.

Thus, the logical chain of thought about the legal essence of the functions of the consul on protection of the rights of citizens may be continued with the view that protection of the rights defines the core of the whole consular activity, which regulates the rights and interests of its citizens in abroad. Providing consular protection of citizens' rights in abroad complements and enhances the function of the state on protection the rights of its citizens. Within the limits of their rights, citizens are free in their actions, and consul on behalf of the state is the guardian of that freedom. Thus, consular protection is not just a mechanical process, and the guarantee of human freedom.

One of the key priorities of the democratic renewal of the country is consistent democratization, liberalization of judicial-legal system that promotes the rule of law, legality, protection of the rights and interests of the individual, in short, - the formation of law and legal consciousness of people.

The complex of organizational and legal measures aimed at the consistent strengthening of the judiciary, ensuring the independence and autonomy of the court, turning it from an organ of repression and implements punitive apparatus in the past in a truly independent institution of the state, designed to safely protect and defend the rights and freedoms of man and citizen [3,16-p.].

The history of mankind shows that with the advent of the category of human rights a person has acquired stable law. Personality - a stable system of socially significant property rights that characterize the individual as a member of society. The essence of relations between the state and the individual is an important indicator of the state of society as a whole, the prospects for its development. Stable connection between an individual and the state is expressed in the institute of citizenship. This relationship shows that person legally belongs to the state, the existence of reciprocal rights and duties of the individual and the state. The relationship of the individual and the state is primarily mediated by the institution of citizenship. The relationship of the individual and the state represents the rights of citizens who need guarantees for their implementation by the state.

The problem of human personality and its relationship with the state - with its various institutions and other actors of the political system is central in science, of theory of law. The content of the political and legal status of personality includes the following elements: personality, the legal status of the individual, legal guarantees. Mutual responsibility of state and the individual is the basic principle of relationships in a legal state. Status of the individual is expressed primarily in its legal status or the totality of the rights, freedoms, responsibilities and legitimate interests. Any individual (citizen, foreign citizen) realizes its subjective rights in the legal relationship in connection with the occurrence or termination of citizenship. Here, it should be noted that any person has the right to exercise their labor and other activities in another state as a citizen of foreign state. Moreover, a person can form a legal entity in another state. With the process of integration the consular protection of citizens in abroad obtain particular importance as it serves the entire wide spectrum of relations with different countries. It should be emphasized that the consul protects the rights and interests of not only physical but also legal entities.

In Uzbekistan, a citizen's right to consular protection is a constitutional right. Under the Constitution of 1992, the

Republic of Uzbekistan shall guarantee its citizens protection and patronage outside its boundaries (Article 22) [4, 108-109-p.]. More precise wording contained in the Constitution of Poland: "During his stay abroad, a Polish citizen has the right to protection by the Republic of Poland." The same situation exists in the Constitution of Hungary. Similar provisions appeared in the Basic Law, and several other states. Thus, in the constitutions of the Republic of Korea speaks of "duty" of the state to protect its citizens in abroad [5].

The legal doctrine under the form of civil rights emphasize the mechanism of implementation of measures to protect civil rights and subjective interests. A number of authors under the form of civil rights law to understand the complex regulated by special procedures performed by law enforcement agencies and authorized person within the human rights process and aimed at restoring the (confirmation), impaired (contested) rights[6]. Thus, the consul involved in the performance of not only those tasks that are aimed at protecting the rights and lawful interests of citizens, but also the challenges of documentary or formal essence, which is of great importance in the life of citizens. This process formed a sort of a separate form of protection of law.

One of the recognized and effective forms of protection of the rights and lawful interests of citizens abroad is - consular protection. The main focus of consular activities from the beginning of the formation of this institution to modern times is to protect the external interests of the state and its citizens abroad.

The above mentioned analyzes suggest that the study of the legal essence of functions of the consul on protection of rights is an important step in the implementation of international legal norms into national legislation, as well as improvement of national legislation in this area of law. Formation of the Institute of consular protection of citizens in abroad will provide an opportunity to improve the effectiveness of the mechanism of the rule of law, protect human rights and freedoms as in inside the state, outside the whole system is successfully expanding sector of the consular rights.

The definitions of legal terms and concepts are of great importance for the theory and practice of law, as the scientific and legal definitions - this is a quick and accurate disclosure of political and legal concepts. From this point of view, it is necessary to study the scientific definition, to identify the essence of a legal concept in the study of any area of law.

In a study of the legal essence of consular protection of rights an integrated approach and use many methods and results of comparative analysis. This is primarily due to the fact that the legal essence of consular protection of rights is, above all, the essence of general social, serves the interests of all citizens living abroad, and provides the organization, orderliness, stability and development of international relations.

Extensive study of the legal essence of consular protection of rights will improve the quality of legal acts in this direction. From this point of view formulated proposals and recommendations, to the greatest extent, take into account scientific and practical needs of society and the state at the present stage of development, as well as the positive experience of foreign countries in the researching area.

References:

1. Институт консульской службы и консульского права Республики Узбекистан. Авторский коллектив под руководством д.ю.н., проф. И.Хамедова. Ташкент: УМЭД, 2009.- С.99.
2. Теория государства и права. / Под ред. Н.Н.Степановой. –М.: «Норма». 1997. – С.557.
3. Каримов И. Концепция дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране. – Т.: Узбекистон. 2010. – С.55.
4. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ. "Ўзбекистон". –Т.:2008. – Б.495.
5. <http://zakon.rin.ru/cgi-bin/>
6. <http://www.federalists.eu>

Э.Ахунджанов,

ТДЮУ “Халқаро тижорат (хусусий) ҳуқуқи”
кафедраси ўқитувчиси**ХАЛҚАРО КЎЛАМДА ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИДА
ЮК ТАШИШ ТУШУНЧАСИ ВА ТУРЛАРИНИ
АНИҚЛАШГА ОИД НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР**

Аннотация: мазкур мақолада халқаро кўламда темир йўл транспортида ташиш тушунчасига оид назарий қарашлар, амалиётда кенг қўлланилиб келинаётган темир йўл транспортида ташиш турлари, темир йўл транспортида ташиш муносабатларини тартибга солувчи бир қатор халқаро шартномалар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: халқаро кўламда темир йўл транспортида ташиш тушунчаси, халқаро аралаш ташишлар, халқаро тўғридан-тўғри ташишлар, халқаро кўшнилараро ва транзит ташишлар, юк ҳужжати.

Аннотация: в данной статье проанализированы теоретические взгляды относительно понятия международной железнодорожной перевозки, виды железнодорожных перевозок, широко применяемые на практике ряд международных норм регулирующие отношения по железнодорожным перевозкам.

Ключевые слова: понятие международной железнодорожной перевозки, международные смешанные перевозки, международные прямые перевозки, международные соседние и транзитные перевозки, накладная.

Annotation: in this article were analyzed theoretical views concerning the definition of international rail transportation, widespread practical types of international rail transportation, international rules governing relations on international rail transportation.

Key words: definition of international rail transportation, international mix transportation, international direct transportation, international neighboring and transit transportation, waybill.

Тарихнинг ҳамма даврларида транспорт халқнинг ташишларга ва хизматларга бўлган эҳтиёжини, давлат иқтисодининг ҳаётий фаолиятини таъминлаган ҳолда инсонлар ҳаётида катта ўрин тутиб келган. Транспорт жараёни юкларни жўнатиш жойидан белгиланган жойга етказиб беришни билдиради. Юкларни жўнатиш – бу бир қатор бир-бири билан узвий боғлиқ ва кетма-кетликда амалга ошириладиган операциялар бирикмаси ҳисобланади. Улар қуйидагилар ҳисобланади: ташиш шартномасини тузиш, юкларни учун вагонларни етказиб бериш, юкларни ортиш, ташишни амалга ошириш, белгиланган станцияда юкларни топшириш, ташиш билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилиш.

Ҳар бир давлатда ички транспорт жараёнларини тартибга солувчи норматив ҳужжатлар мавжуд. Ҳар бир давлат қонунчилиги ўзига хос хусусиятларга эга бўлганлиги учун халқаро ташишларга нисбатан ички қонунчилик нормаларини қўллаш ушбу транспорт процессини амалга оширишда турли қийинчиликларни юзага келтиради. Бу ҳолатда халқаро ташишлар юк кириб боровчи давлатнинг ички қоидалари асосида тузилган ташиш шартномаларига мувофиқ амалга оширилади. Ташиш бўйича бир неча шартноманинг тузилиши шу билан ифодаланадики, темир йўл транспортидан фойдаланиш муносабатлари ҳар бир

давлатда турлича тартибга солинганлиги туфайли, бир давлатда амалда бўлган ташиш шартномаси иккинчи давлатда қўлланилмайди. Шунингдек, бир неча ташиш ҳужжатларининг амалда бўлиши натижасида транспорт процессининг ўзи секин ва самарасиз бўлиб қолади.

К.Қ.Рашидовнинг фикрича, темир йўл транспортида халқаро қатнов тўғрисида битим бўлмаган тақдирда, чет элга ташишлар юк ўтиб борадиган мамлакат қонун ҳужжатлари қоидаларига биноан, бир неча ташиш шартномаларини тузиш орқали амалга оширилиши керак. Айрим мамлакатлардаги темир йўл транспортдан фойдаланишдаги тафовутлар чет элга ташиш жўнатиш мамлакати қонун ҳужжатлари қоидаларига биноан тузилган шартнома асосида, уни хорижий йўлларда қўллаган ҳолда, амалга ошириш имкониятини бермайди [1, 6-бет].

Халқаро темир йўлда ташишни амалга оширишнинг бошқа йўли ҳам мавжуд. Бу усул, фикримизча, энг самарали ва юзага келиши мумкин бўлган муайян муаммоларни ҳал қилиши мумкин. Бу манфаатдор субъектлар ўртасида тузиладиган махсус келишувларда ифодаланади. Бу келишувлар транспорт процессининг ҳамма муҳим жиҳатларини тартибга солувчи халқаро ташишларнинг шартларини ўрнатиб беради. Ҳозирги кунда халқаро келишувлар халқаро ташишларни амалга оширишда кенг қўлланилмоқда ва улар ташиш жараёнини сезиларли енгиллаштирмоқда ҳамда халқаро қатновларни тез ва самарали бўлишига имкон яратмоқда.

Юқорида таъкидлаб ўтилган фикрлар асосида, халқаро кўламда темир йўлда юк ташишга таъриф бериш мумкин. Халқаро ташишлар – бу икки ва ундан ортиқ давлат ўртасида тузилган махсус келишув асосида ёки юк борадиган давлат қоидалари асосида алоҳида ташиш шартномалари бўйича амалга ошириладиган юклар ташиш ҳисобланади. Бироқ Л.А.Лунцнинг фикрича, давлатлар ўртасида тегишли келишув бўлмасдан туриб, улар ўртасида халқаро ташишлар бўлиши мумкин эмас [2, 237-бет]. У ташиш жараёнини икки босқичга бўлади: чегарагача бўлган ташишлар, юборувчи давлатнинг ички қоидалари билан тузиладиган ташиш шартномаси асосида амалга оширилса, чегарани кесиб ўтгандан кейин эса – чет мамлакатнинг ички қонунчилиги қоидалари билан тузиладиган янги ташиш шартномаси асосида амалга оширилади. Л.А.Лунц бу ҳолатда халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасида ўзига хос транспорт масалалари вужудга келмайди, деб фикрлайди. Ташишлар халқаро транспорт миқёсида эмас, балки миллий транспорт доирасида амалга оширилади ва унинг шартлари ҳар бир давлатнинг ички қонунчилиги нормалари билан белгиланади.

Фикримизча, Л.А.Лунцнинг бу ҳақдаги нуқтаи назари баҳслидир. У ташишларни бир давлатнинг ички қонунчилиги асосида амалга оширилиши сабабли, халқаро бўла олмаслигини таъкидлайди. Бизнинг фикримизча, ташиш бўйича бир-бири билан халқаро келишувни тузмаган давлатлар ўртасидаги юк борадиган давлат қонунчилиги асосида ва қонунга мувофиқ ташиш шартномаларини кетма-кетликда расмийлаштириш йўли билан амалга ошириладиган ташишларни халқаро, деб бемалол айтиш мумкин. Юқорида таъкидлаганимиздек, бундай ташишлар секин ва самарасиз ҳисобланади.

Шунга ўхшаш фикрларни В.Г.Ермолев ва О.В.Сиваков ҳам таъкидлаб ўтади. Уларнинг фикрича

ҳам кенг тарқалган, яъни “Халқаро юк ташишлар – бу икки ва ундан ортиқ давлатлар ўртасида улар томонидан тузилган келишув шартлари асосида амалга ошириладиган ташишлар”, дейилган таърифни тўғри деб айтадилар. Шунингдек, улар давлатлар ўртасида махсус келишув бўлмасдан туриб, ички қонунчилик нормалари асосида амалга ошириладиган ташишларни ҳам халқаро ташишлар, деб ҳисоблайдилар [3, 133-бет]. Бундан ташқари, олимлар томонидан бир қатор фикрлар айтиб ўтиладики, унга кўра фактик равишда темир ташишлари икки ва ундан ортиқ давлат ҳудуди бўйича амалга оширилиши ташишни халқаро деб аташ учун зарур ҳисобланмайди. О.Н.Садыков юкни тегишли қатновга топширишнинг ўзи кифоя, деб ҳисоблайди. Чунки юк чет эл ҳудудига фактик етиб бормаслиги ҳам мумкин (жўнатувчи давлат ҳудудида юкнинг йўқотилиши) [4, 7-бет].

Бу фикрга қўшилиш мумкин, чунки ташишнинг халқаро келишув бўйича жойга эга бўлиши ва бир давлатдан иккинчи давлатга жўнатилишининг ўзи, юкнинг жўнатувчи давлатнинг чегарасини кесиб ўтиш ё ўтмаслигидан қаътий назар, у халқаро ташиш ҳисобланади. Бу ташишнинг моҳияти – жўнатувчи давлатдан белгиланган давлатга ўтиши, унга боғлиқ барча ҳуқуқий масалалари бу давлатлар ўртасида тузилган шартномада белгилаб қўйилган. Шунинг учун, агар, юк белгиланган давлатнинг ҳудудига етиб бормаган бўлса ҳам, у барибир, халқаро ташиш сифатида кўрилади. Бу ўринда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, агарда транспорт процесси ўзининг моҳияти бўйича бир давлат ҳудуди билан чегараланган бўлса ва тарафлардан бири чет эл фуқароси ёки юридик шахси бўлган тақдирда юкларни ташишни халқаро деб баҳолаш мумкин эмас. Бу ҳолатда халқаро-ҳуқуқий масалалар юзага келиши мумкин, лекин улар халқаро ташишлар соҳасига тегишли бўлмайди. А.Тынель, Я.Функ ва В.Хвалейлар ташувчининг мажбуриятини ташкил қилувчи предмет – товарнинг жўнатилиши давлатнинг чегараси орқали амалга ошириладиган ташишларни халқаро, деб ҳисоблайдилар [5, 487-бет].

Халқаро темир йўл юк қатновларида ҳар бирининг ўзига хос хусусиятларга эга бўлган халқаро ташишларнинг бир неча хил турлари мавжуд. Биринчидан, тўғри борадиган ва тўғри бормаидиган қатновлар бўлиб, бу ташиш жараёнида нечта ташиш ҳужжатлари ишлатилишидан келиб чиқиб белгиланади (битта ёки бир нечта). “Тўғри борадиган” ташиш бошқаларига нисбатан кенгроқ тарқалган. Халқаро тўғри борадиган қатновлар деб, юкларни турли хил давлатлар ҳудудида жойлашган станциялар ўртасида бир неча ташувчилар томонидан бир ташиш шартномаси ва битта ташиш ҳужжати расмийлаштириш орқали амалга оширилишига айтилади.

О.Н.Садыков ташишнинг бу турини энг қулай ва келажакда ривожланадиган деб таъкидлаб, унинг қуйидаги хусусиятларини санаб ўтган: ташиш фақатгина бир ташиш ҳужжати билан расмийлаштирилади; ташишлар тегишли келишувларнинг умумий шартлари асосида амалга оширилади; чегара станцияларида юкларни топшириш тегишли темир йўллар кучи билан амалга оширилади.

Тўғри борадиган халқаро ташишлар манфаатдор давлатлар томонидан тузиладиган келишувлар асосида амалга оширилади. Бу келишувлар халқаро ташишларнинг барча шартларини қамраб олади. Амалиётда келишувлар билан тартибга солиш тез-тез учраб туради. Бу низоли ҳолатларни ҳал қилиш учун юк бо-

рувчи давлатларнинг ички қонунчилигига амал қилиш лозим.

Ташишлар халқаро тартибда амалга оширилиши, лекин у тўғри борадиган қатнов бўлмаслиги мумкин. Улар ҳам тўғри борадиган қатновга ўхшаб, халқаро келишув асосида амалга оширилиши мумкин, лекин бир давлатдан иккинчи бир давлатга ўтиш пунктида ташиш ҳужжатлари бу келишувда иштирок этувчи давлатларнинг ички қонунчилиги бўйича қайтадан тузилади. Ташишнинг бу тури қуйидаги асосий жиҳатларга эга: иштирок этувчи давлатлар ўртасида тузилган келишувга асосан ташишлар ҳар бир давлатнинг ички қонунчилиги бўйича амалга оширилади; ташишлар кетма-кет бир неча ташиш ҳужжатлари билан расмийлаштирилади. Демак, “тўғри бормаидиган қатнов” юк борадиган давлатнинг ички қонунчилик қоидалари билан тузилган бир нечта ташиш ҳужжатлари билан амалга оширилади.

Иккинчидан, хориж амалиётида халқаро темир йўл ва аралаш ташиш турлари мавжуд бўлиб, бунда ташишларда иштирок этувчи транспорт турларига қараб, ташишлар темир йўл ва аралаш турларга бўлинади. Темир йўл ташишлари – бу фақатгина темир йўл транспорти билан амалга ошириладиган ташишларга айтилади. Агар ташиш бир неча транспорт турлари иштирокида тўғри борадиган қатнов билан амалга оширилган бўлса, бундай ташишлар, масалан, қуйидагича аталиши мумкин: тўғри борадиган аралаш темир йўл-сув қатновлари. Бундай келишув бир неча давлатлар ўртасида амалга оширилган. Жумладан, Европа давлатлари ўртасида иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мақсадида Дунай дарёси бўйлаб амалга ошириладиган темир йўл ва сув ташишларидан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги келишув [6, 301-бет].

Замонавий ишлаб чиқариш муносабатлари дунёда катта ҳажмда товарлар муомаласига сабаб бўлди. Бу товарлар муомаласи транспорт воситалари ёрдамида амалга оширилади. Улардан бири турли хил юкларни ташишни амалга оширувчи темир йўл транспорти ҳисобланади. Давлатлар ўртасидаги ўзаро алоқалар ташишларни нафақат ерда, балки сувда ва ҳавода ҳам амалга оширилишига олиб келди. Бу эса ташишнинг алоҳида – аралаш турини вужудга келишига сабаб бўлди.

Халқаро аралаш ташишлар – бу икки ва ундан ортиқ давлат ўртасида бир шартнома ва ягона транспорт ҳужжати асосида бир неча транспорт турлари ёрдамида амалга ошириладиган ташишлар. Ушбу ташишлар ўзининг юқори самарадорлигига бу турдаги ташишларни бошқа турдаги ташишларга нисбатан рентабеллигини таъминлаб берувчи контейнерлардан фойдаланиш орқали эришди [7, 33-47-бетлар].

Халқаро ташишлар амалиётида бир неча транспорт турлари билан амалга ошириладиган аралаш ташишлар шартларини кўрсатиб берадиган келишувлар мавжуд. БМТнинг Халқаро аралаш ташишлар тўғрисидаги конвенцияси мазкур ташишларга таъриф беради: ““Халқаро аралаш ташиш” деб, камида иккита транспорт туридан фойдаланган ҳолда аралаш юклар операторига келиб тушган жойдан бошқа давлатда келишилган жойгача юкларни аралаш ташиш шартномаси асосида ташишга айтилади. Бир транспорт тури билан юкларни олиб чиқиш ва етказиб бериш бўйича операциялар шартномада белгиланган бўлса, бундай ташишлар халқаро аралаш ташишлар ҳисобланмайди” [8, 371-бет]. Фарб мамлакатларида ташиш ҳуқуқи бўйи-

ча ишлаб чиқилган доктринага мувофиқ, аралаш ташишнинг асосий хусусияти, юкларни бутун ташиш даври мобайнида бутлигига бўлган жавобгарликни ўзига олади (юкларни аралаш ташиш оператори) ва бу билан ташувчининг функцияларини ўз зиммасига олади [9, 60-бет].

Таъкидлаб ўтиш лозимки, аралаш ташишда муносабат юк эгаси билан алоҳида юк ташувчилар (аралаш ташишни бажарувчилар) ўртасида эмас, балки айнан оператор билан юзага келади. Аралаш ташишнинг оператори, ҳақ эвазига шартномани бажариш жавобгарлигини олувчи аралаш шартнома тузган юридик ва жисмоний шахслар бўлиши мумкин [10, 17-бет]. Оператор аралаш шартномани бажариш учун юкни қабул қилиб олади. Экспедиторлик тилхати юкни унга топширилганлигини исботловчи ҳужжат вазифасини бажаради [11, 5-бет]. Оператор юкни белгиланган жойга етказиб бериш мажбуриятини олади. Шунингдек, оператор ташиш жараёнида керак бўлган ҳужжатларни расмийлаштириш, тегишли тўловларни амалга ошириш (юк эгаси ҳисобидан), божхона расмиятчиликларини бажариш ва шунга ўхшаш бошқа юк билан боғлиқ бўлган вазифаларни бажариш мажбуриятини олади. Оператор у ёки бу транспорт операцияларини амалга ошириши ёки бошқа транспорт ташкилотлари билан ташиш шартномаларини тузиши мумкин. БМТнинг Халқаро аралаш юк ташиш конвенциясининг 14-моддасига мувофиқ, операторнинг аралаш ташиш юки учун жавобгарлиги юкни қабул қилиб олишдан бошлаб то уларни топширишгача бўлган даврни қамраб олади [12, 375-бет]. Халқаро амалиётда бундай ташишларнинг қўлланилиши ўзининг самарадорлигини кўрсатиб бермоқда. Яъни, бир юкни кетма-кет бир неча турдаги ташишлар билан амалга ошириш ўрнига фақатгина бир аралаш ташишни қўллашнинг ўзи кифоялигини кўрсатиб бермоқда [13, 7-бет].

Аралаш ташишни бошқа ташиш турлари билан солиштириганда, бу даражада самарадор бўла олмаслигининг зарур шартларини абтомобил-темир йўл ташишлар мисолида кўриш мумкин. Демак, аралаш ташиш, фикримизча, қуйидагиларга йўналтирилган бўлиши лозим: ташишлар таннархини энг кам миқдорга камайтирган ҳолда, мижозларга энг мақбул хизматлар кўрсатиш; автомобиль транспортдан темир йўл транспортига юкларни ортишни тез ва йўқотишларсиз амалга ошириш; бу ташишларда иштирок этаётган темир йўл транспорт ёки автомобиль транспортини бошқа соҳалардаги иштирокини инobatга олган ҳолда, минимал ихтисослаштириш; бошқа турдаги ташишларга қўлланиладиган тарифларга нисбатан бу ташишларга қўлланиладиган тарифларнинг рақобатбардошлиги ва рентабеллиги; аралаш ташишдан фойдаланиши хоҳлаган бошқа турдаги транспорт турларига қулайликлар яратишдан иборат.

В.Т.Осипов ва В.В.Повороженколарнинг фикрига кўра, аралаш контейнерли ташишларнинг самарадорлиги контейнерларга юкларни юклаш ва уларни туширишдан оқилона фойдаланишга боғлиқ. Шу билан бирга, унинг самарадорлиги қуйидагиларга боғлиқ: юкларни ўрашга кетадиган харажатларни камайтириш; ташиш вақтида юкларнинг бутлигини таъминлаш; механизациялашни ошириш ва қўл меҳнатидан камроқ фойдаланиш орқали юклаш ва тушириб олиш ишларига кетадиган харажатларни камайтириш; юк етказиб беришни тезлаштириш; алоҳида транспорт тури ишларини ташкил қилишни яхшилаш [14, 43-44-бет].

Учинчидан, қайта юклашларсиз ва қайта юклашли

халқаро ташишлар бўлиб, бунда халқаро юкларни ташишда иштирок этувчи ва темир йўл изининг бир хил кенглигига эга бўлган давлатлар халқаро ташишларни сезиларли равишда енгиллаштирадilar. Халқаро қатновларда ташиладиган юклар бу ҳолатда жўнатиш давлати вагонларида чет давлат ҳудудида қайта юклашларсиз белгиланган нуктагача олиб борилади. Бу қатнов турларида асосий ҳуқуқий масала чет эл вагонларидан биргаликда фойдаланишдир.

Агар халқаро ташишда иштирок этувчи давлатлар темир йўл изларининг кенглиги ҳар хил бўладиган бўлса, юк жўнатувчи давлат вагонларидан белгиланган жой давлати вагонларига қайта юклаш лозим. Бундай қатновларни ташкиллаштириш 1524 мм изларга эга бўлган Ўзбекистон учун жуда долзарбдир (дунёнинг кўп ривожланган мамлакатларида темир йўл изларининг кенглиги 1435 мм.дир). Россия, Қозоғистон, Финляндия ва Монголия давлатларида ҳам темир йўл изларининг кенглиги 1524 ммдан иборат. Қайта юклашлар халқаро қатновларнинг самарадорлигини тушириб юборади. Самарадорликнинг тушиб кетиши сабаби қуйидагилардир: ташиш нархининг ошиши, юк ташиш жараёнида юкнинг нобуд бўлиш ва шикастланиш хавфининг ошиши, юкларни қайта юклашларсиз ташиш билан солиштириганда, юкни етказиб бериш вақтининг ошиши. Қайта юклашли ташишларда юкнинг бутлигига бўлган жавобгарлик билан бирга, шикоят ва даъво муддатини ҳисоблаш билан боғлиқ бўлган бир қатор ҳуқуқий масалалар юзага келади.

Тўртинчидан, халқаро қўшнилараро ва транзит ташишлар мавжуд бўлиб, унда агар ташишлар чегарадош бўлган давлатлар ўртасида амалга ошириладиган ва қўшни давлат ҳудудида тугайдиган бўлса, бундай ташишлар қўшнилараро қатнов деб аталади. Ташишнинг бу тури амалда кенг тарқалган. Темир йўл юк ташишлари бир ёки бир неча давлатлар орқали амалга ошириладиган ва учинчи давлат ҳудудига белгиланган ҳамда унинг ҳудудида тугайдиган бўлса, бундай ташишлар транзит қатновлар деб аталади. Амалиётда транзит ташишларнинг бир қатор шартлари мавжуд: транзит ташишни амалга оширомоқчи бўлаётган чет эл давлати бошқа давлатдан унинг ҳудудидан транзит ташишга рухсат олиши керак, юк борадиган давлатнинг темир йўлларида фойдаланишнинг техник хусусиятларини инobatга олмоқ лозим; транзит қатнов мамлакатларида юкларни ташиганлик учун махсус тарифлар жорий қилиниши мумкин. Транзит қатновнинг махсус турлари мавжуд. Масалан, агар юкларни жўнатиш ва белгиланган қабул қилиб олиш жойи бир мамлакатда жойлашган бўлсада, лекин уларни транзит билан бир ёки бир неча давлатлар ҳудуди орқали олиб ўтилиши мумкин. Бундай транзит “бир ёқдан иккинчи ёққа ўтадиган транзит” (сквозное сообщение) дейилади. Мисол қилиб, Ўзбекистоннинг Тожикистон орқали амалга оширадиган ташишларини келтириш мумкин.

Бешинчидан, халқаро қайта жўнатишли ва чегаравий ташишларга бўлинган бўлиб, халқаро темир йўл қатновларида мавжуд келишувнинг шартлари доирасидан ташқарига чиқадиган ҳолат тез-тез учраб туради. Бу ҳолатларда ташишлар иккита шартнома тузишни талаб қилади. Келишув биринчи халқаро ташиш шартномаси бўйича юк боришнинг сўнгги пунктида қайта жўнатиш тартибидан янги шартномани тузишни назарда тутиши мумкин. Юк белгиланган жойга етиб боргандан кейин, темир йўл тасарруфидан чиқши белгиланмаган бўлса, қайта жўнатиш бўйича янги шартнома тузилиши мумкин.

Қайта жўнатиш нафақат юкнинг эгаси томонидан, балки экспедитор ёки темир йўл томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин. Бу ҳам жуда қатта амалий аҳамиятга эга. Чунки қайта жўнатиш экспедитор ва юк жўнатувчи томонидан эмас, балки темир йўлнинг ўзи томонидан амалга оширилади. Белгиланган станция топшириги билан қайта жўнатиш ҳужжатларининг дубликатлари умумий асосларда ҳисоб-китоб қилинганда, халқаро банклар томонидан қабул қилинади. Бу ўринда, шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, халқаро қайта жўнатиш тушунчаси Ўзбекистон қонунчилиги учун нотанишдир. Ҳозирги кунда бу жўнатиш тури кўплаб Ғарб мамлакатлари қонунчилигида ўз аксини топган.

Олтинчидан, ташишнинг алоҳида турлари ҳам мавжуд бўлиб, унга асосан, халқаро темир йўл юк ташишларига бир ташиш ҳужжати бўйича оғирлиги ва ҳажмидан қатъий назар амалга ошириладиган алоҳида ташиш турлари киради. Булар майда, кам тоннали, вагонли, гуруҳли ва йўналишли (маршрутли) ташишлардир.

Ю.М.Неруш бундай турдаги ташишларни қуйидаги классификациясини келтиради, яъни: майда – 5-10 т.дан иборат, вагоннинг 1/3 қисми; кам тоннали – 10-20 т.дан иборат, вагоннинг ярмидан ошмаслиги керак; вагонли – алоҳида вагонли; гуруҳли – бунинг учун биттадан ортиқ вагон талаб қилинади, лекин маршрутдан поезддан камроқ; маршрутли – бир ташиш ҳужжати бўйича ташишга тақдим этилган юклар партияси, унинг учун бир маршрутли поезд массасига тенг вагонлар керак [15, 69-бет].

Адабиётлар рўйхати:

1. Рашидов К.Қ. Халқаро кўламда йўловчи ва юк ташишнинг ҳуқуқий асослари. –Тошкент: Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2001.– Б.6.
2. Лунц Л.А. Курс международного частного права. Особенная часть. –М.; 1975. – С. 237.
3. Ермолев. В.Г., Сиваков О.В. Международное частное право. Курс лекций. –М.; 1998. – С. 133.
4. Садыков О.Н. Правовое регулирование международных перевозок грузов. –М.; 1981. – С. 7.
5. Тынель А., Функ Я., Хвалей В. Курс международного торгового права. –Минск; 1999. – С. 487.
6. Соглашение о международном прямом смешанном железнодорожно-водном грузовом сообщении(МЖВС) от 14 декабря 1959 // Сборник документов по МЧП. –М.; 1997. – С. 301.
7. Мировые тенденции в грузовых перевозках // *Revue Generale des Chemins de Fer*. 1996. –№7. –Р. 33-47.
8. Конвенция ООН “О международных смешанных перевозках грузов” от 24.05.1980. // Сборник документов по МЧП. –М., 1997. – С. 371.
9. Общие тенденции развития современного права перевозок грузов и их влияние на правовое регулирование смешанных перевозок // *Хозяйство и право*. –М., 1996. –№ 9. – С. 60.
10. Котляренко А. Экспедитор – полноправный участник транспортного процесса // *Партнер*. 1999. № 4. – С.17.
11. Правила для транспортных документов на смешанную перевозку ЮНКТАД/МТП. –М., 1998. – С. 5.
12. Конвенция ООН о международных смешанных перевозках грузов от 24.05.1980. // Сборник документов по МЧП. –М., 1997. – С. 375.

13. Семенов Н.П. Правовые аспекты железнодорожных комбинированных перевозок грузов: Автореферат дис... канд. юрид. наук. –М., 1984. – С. 7.

14. Осипов В.Т., Повороженко В.В. Перевозка грузов на зарубежных железных дорогах. –М., 1976. – С.43-44.

15. Неруш Ю.М. Грузовые перевозки и тарифы. –М., 1988. – С. 69.

А.Н.Якубов,

Тошкент давлат юридик университети
“Халқаро тижорат (хусусий) ҳуқуқи”
кафедраси ўқитувчиси

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИНГ ЮРИДИК ТАБИАТИ

Аннотация: Мақолада ташқи иқтисодий фаолият тушунчаси, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ташқи иқтисодий фаолиятнинг акс эттирилиши, ташқи иқтисодий фаолият замирида амалга ошириладиган ўзаро алоқалар турлари, бу борада назария ва ҳуқуқ ижодкорлиги соҳасида олимлар орасидаги фарқли қарашлар акс этган.

Калит сўзлар: ташқи иқтисодий фаолият, халқаро иқтисодий алоқалар, ташқи иқтисодий алоқалар, ташқи савдо фаолияти, хўжалик юритиш фаолияти, тадбиркорлик фаолияти, савдо фаолияти, ташқи иқтисодий инвестициявий фаолият.

Аннотация: в данной статье предусматривается понятие внешнеэкономической деятельности, отражены его в законодательстве Республики Узбекистан, отражены различные точки зрения внешнеэкономической деятельности в теории и правотворчестве, входящие видов деятельности в данную сферу.

Ключевые слова: внешнеэкономическая деятельность, международные экономические отношения, внешнеэкономические отношения, внешнеторговая деятельность, ведение хозяйственной деятельности, предпринимательская деятельность, торговая деятельность, внешнеэкономическая инвестиционная деятельность.

Annotation: In this article provided the concept of foreign economic activity reflected it in the legislation of the Republic of Uzbekistan, reflected different points of view of foreign trade activities in the theory and law-making process and types of activities in this sphere.

Key words: foreign economic activity, international economic relations, foreign economic relations, foreign trade activities, business activities, entrepreneurial activity, trade activity, foreign economic investment activities.

Давлатлар нафақат ўз ички ҳудудида, балки ташқи ҳаётда ҳам, ён атрофида содир бўлаётган муносабатларни бошқаришда, уларда иштирок этиш орқали ечим топишга уринади. Шу сабабли ҳам ички бошқарув билан бир қаторда, узоқ ва яқин хорижий мамлакатлар билан алоқаларга киришади. Тўғрироғи, киришишга мажбур бўлади.

Шу ўринда, давлатнинг бош ислохотчи сифатида, нафақат иқтисодий ислохотларнинг амалга ошириш механизми таянчи сифатида, балки ташқи иқтисодий алоқаларни ўрнатиш ва фаолиятни олиб бориш, уни тартибга солишдаги вазифалари олдинга чиқади. Давлат ўзининг иқтисодий мақсадларига эришиш учун турли хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликни йўлга қўяди. Бу ҳамкорлик халқаро кўламда иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ҳарбий ва бошқа қатор соҳаларда кўзга ташланади.

Халқаро иқтисодий ҳамкорлик бу – ўз фаолиятида мустақиллик, давлатнинг миллий суверенитетига амал қилиш, молия агентлари ўртасида ўзаро иқтисодий манфаатларни кўзлаш каби қатор принципларга амал

қилувчи иштирокчилари сифатида давлатлар, уларни гуруҳлари ва халқаро ташкилотлар, шунингдек, алоҳида хўжалик юритувчи субъектлар бўлган, комплекс динамик ва чуқурлаштирилган, ташкилий аҳамиятга эга бўлган сиёсий ва хўжалик (ишлаб чиқариш, тижорат ва илмий-техникавий) ҳамкорлик соҳасидан иборат.

Ташқи иқтисодий алоқалар халқаро иқтисодий ҳамкорликнинг алоҳида йўналиши бўлиб, давлатнинг хўжалик ва ташқи сиёсат соҳасидаги масалаларини ечишни ўз олдига мақсад қилувчи, халқаро меҳнат тақсмоти ва халқаро иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга бағишланган яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланишга қаратилган алоқаларни ўз ичига олади.

Ушбу алоқалар савдо-иқтисодий, ишлаб чиқариш ва илмий-техникавий ҳамкорлик соҳасидаги тартибга солишнинг ўзига хос шакллари, усуллари ва воситаларини назарда тутлади.

Ташқи иқтисодий фаолиятни куйидаги позициялар: хўжалик – ҳуқуқий фаолиятнинг мустақил кўриниши сифатида; хўжалик алоқаларининг алоҳида ўзига хос тури сифатида; соф ҳуқуқий муносабатларнинг бир тури сифатида кўриб чиқиш мумкин.

Оммавий характердаги давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ташқи иқтисодий битимларни тузишда ифодаланадиган алоҳида ҳуқуқий ҳаракатларида резидент ва норезидент хўжалик юритувчи субъектларнинг ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишга қаратилган махсус фаолияти намоён бўлади. Миллий иқтисодиётда шу каби барча операцияларнинг бирлашуви ташқи иқтисодий фаолият деб номланади.

Ҳуқуқий нуқтаи-назардан ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишда, жаҳон бозорида мамлакатимиз резидентлари – иқтисодий агент (хўжалик юритувчи субъект)ларнинг Ўзбекистон Республикасининг миллий, халқаро хусусий ва халқаро оммавий ҳуқуқи нормаларига асосланган тартибда ташкил қилинадиган хўжалик шартномавий муносабатлари ташкил қилади. Шунингдек, ташқи иқтисодий фаолият чет мамлакат фуқароларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мустақил ёки шериклари билан киришадиган хўжалик муносабатларидир.

Хўжалик муносабатлари нуқтаи-назардан ташқи иқтисодий муносабатларга тариф берилганда, муносабатларга киришадиган субъектлар ўртасида уларнинг фаолияти натижасида моддий қийматликларнинг ўзаро алмашилиши кузатилади. Халқаро хўжалик алоқаларининг ўзига хослиги шунда намоён бўладики, хўжалик алоқалари ва хўжалик муносабатлари, мазкур хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида амалга ошириладиган ҳисоб-китобларнинг ўзига хослиги ва бу муносабатларда иштирок этувчиларнинг ҳуқуқий ҳолати ва ҳудудий дислокациянинг ўзига хослиги билан характерланади.

Ушбу ўзига хослик шунингдек, мазкур хўжалик соҳасидаги ўзаро ҳамкорликнинг, яъни товарларнинг давлат ҳудудидан ва “молиявий йўлақлардан” кесиб ўтишида ифодаланган ўзаро иқтисодий ҳамкорлик билан ҳам боғлиқ бўлади.

Одатда “ташқи иқтисодий фаолият” тушунчаси ўрнида юридик адабиётларда ва хўжалик муносабатларида мазкур тушунчанинг синоними сифатида “ташқи савдо”, “ташқи иқтисодий алоқалар” терминлари ишлатилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майдаги “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонуни 3-моддаси 1-қисмида “Ташқи иқтисодий фаолият деганда Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахсларининг хорижий давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари, шунингдек, халқаро ташкилотлар билан ўзаро фойдали иқтисодий алоқаларни ўрнатилган ва ривожлантиришга қаратилган фаолияти тушунилади”, деб қайд этилган. [1, 8-бет.]

Аммо адабиётларда учрайдиган бу тушунчаларнинг умумий ва фарқ қиладиган жиҳатлари мавжуд. Ташқи иқтисодий фаолият замирида халқаро (ёки ташқи) савдо билан бирга хизматларни ва интеллектуал фаолият натижаларини, илмий-техникавий, инвестициявий ва бошқа ҳамкорликни назарда тутди.

Ташқи савдо муносабатлари тушунчаси эса нисбатан тор тушунча бўлиб, унинг объекти сифатида товарлар, пул, қимматли қоғозлар, ишлар ва хизматлар, интеллектуал фаолият натижалари ҳамда ахборотни киритиш мумкин.

Е.Ф. Авдуқшин “халқаро иқтисодий алоқалар” тушунчаси ўзига халқаро меҳнат тақсимоли, товарлар ва хизматлар халқаро савдоси, халқаро кўламда капилларлар ҳаракати ва хорижий инвестициялар, халқаро ишчи кучи миграцияси, халқаро технологияларни ўзаро айирбошлаш, халқаро молиявий-валюта, кредит муносабатлари ҳамда халқаро иқтисодий интеграцияларни киритиш орқали тариф беради. [2, 8-бет.]

Гарчанд, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида мазкур икки тушунча бир-биридан ҳуқуқий жиҳатдан фарқланмаган бўлса-да, айрим давлатлар қонунчилигида бу тушунчалар ўзаро фарқланади.

Мисол учун, 1991 йилда РФ фуқаролик кодексига илк бора “ташқи иқтисодий алоқалар” терминининг қўлланилиши ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги барча фаолиятларнинг умумлаштирган маъносини акс эттирувчи тушунча сифатида баҳоланди. РФнинг “Ташқи савдо фаолиятнинг давлат томонидан тартибга солиниши тўғрисида”ги қонунида ташқи савдо фаолиятига товарлар, ишлар, хизматлар ва бошқаларни халқаро кўламда айирбошлашда ифодаланадиган тадбиркорлик соҳасида вужудга келадиган фаолият тури сифатида таъриф келтирилган ва бу билан ташқи савдо фаолиятининг ташқи иқтисодий фаолият тушунчаси билан ўзаро фарқи акс эттирилган.

“Ташқи савдо фаолиятини амалга оширишда РФ манфаатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Федерал қонуни 1-моддаси 2-қисми мазмунига кўра, хизмат кўрсатиш, интеллектуал фаолият натижалари ва инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ фаолият турларига нисбатан давлатнинг иқтисодий манфаатларини кўриқлаш чораларини кўришда ифодаланадиган ижтимоий муносабатларга нисбатан тадбиқ этилмайди, деб белгиланган. [3, 8-бет.]

Вахланки, қонун чиқарувчи халқаро кўламда хизмат кўрсатиш, илмий-техникавий ва инвестициявий ҳамкорлик ташқи иқтисодий фаолият сифатида баҳоламайди, деб тўғридан-тўғри кўрсатмаган бўлсада, ташқи савдо фаолияти турларини ниҳоятда аниқ акс эттириб, чегара белгилангандек, назаримизда.

Ташқи иқтисодий фаолият – бу хўжалик соҳасида вужудга келадиган ва хўжалик юртишни (қайсидир маънода) фойда олишни ёки ўзаро фойдали

манфаатларни) ўзида ифодалайдиган тадбиркорлик фаолияти.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ушбу фаолият соҳасида доктринал манбаларда ягона фикр мавжуд эмас. Масалан, қатор халқаро ҳуқуқ дарслиги муаллифлари ташқи иқтисодий фаолият ва халқаро иқтисодий муносабатларга халқаро оммавий ҳуқуқнинг бир тармоғи сифатида қарашади. Ушбу қарашларга асос сифатида халқаро иқтисодий ҳуқуқ ўз фаолиятини ташқи қилиш ва амалга оширишда давлатлар ва бошқа субъектлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни тартибга солишга қаратилган халқаро оммавий ҳуқуқнинг қоидалари ва принциплари асосида ўз фаолиятини амалга оширишга боғлайдилар.

Шундан келиб чиқиб, халқаро иқтисодий алоқаларга савдо алоқалари, тижорат (савдо) алоқалар, ишлаб чиқариш, илмий-техникавий, валюта ва молиявий фаолият, транспорт, алоқа, энергетика, интеллектуал мулк ва туризм соҳаларида амалга ошириладиган ҳамкорлик алоқалари назарда тутилади.

Савдо фаолиятининг иқтисодий табиатини ёритишга хизмат қиладиган бир неча қарашлар мавжуд.

Бир гуруҳ олимлар, хусусан О.А.Красавчикованинг фикрича, савдо фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини товар сотувчиси ва сотиб олувчиси ўртасида тизимли равишда ўрнатилган ва амалга ошириладиган муносабатлар ташкил этади. Франция савдо кодексига “савдо” термини нафақат олди-сотди фаолиятини, балки хўжалик соҳасидаги ишларни бажариш ва хизмат кўрсатишга доир фаолиятни ҳам ўз ичига қамраб олади. [4, 8-бет.]

Иккинчи гуруҳ олимлар, хусусан, М. И. Кулагин савдо фаолияти тушунчасини иқтисодий ва ҳуқуқий нуқтаи-назардан таҳлил қилади ва уларни алоҳида категория сифатида кўриш мумкин деб ҳисоблайди.

Унинг талқинига кўра “савдо фаолияти иқтисодий категория сифатида – товар юзасидан сотувчи ёки сотиб олувчи ўртасида воситачилик қилиш”, деб ҳисоблайди.

Ҳуқуқий категория сифатида баҳо берганда эса, савдо фаолиятини нисбатан кенгрок фаолият деб, у ўзида нафақат савдо (олди-сотди) фаолиятини ўзини, балки ишлаб чиқариш жараёнини ҳам қамраб олишини фарқ қилувчи белгиси сифатида илгари суради. [5, 8-бет.]

Учинчи гуруҳ олимлар, масалан В. Ф. Попондопуло ишлаб чиқариш, савдо-сотиқ ва тижорат фаолиятларини мазмун жиҳатдан бир-биридан фарқланмайдиган ва умумий ҳарактердаги тадбиркорлик ва тижорат фаолияти сифатида қарайди. Сабаби сифатида, мазкур фаолият билан шуғулланувчиларнинг бирдан-бир мақсади фойда олишга қаратилган бўлиб, савдо-воситачилик фаолияти, ишлаб чиқариш, қурилиш ва бошқа ҳар қандай соҳада амалга оширадиган фаолияти ва машғулот туридиган қатъий назар, шу фаолият натижасида фойда олиш кўзланган бўлса, бу фаолиятни тадбиркорлик (савдо, тижорат) фаолияти деб атади. [6, 8-бет.]

Ушбу фикр билан унчалик ҳам келишиб бўлмайди. Сабаби, юридик нуқтаи-назардан ҳар бир амалга ошириладиган фаолият турини тартибга солиш мақсадида, аввало уларни ҳуқуқий нуқтаи-назардан бири иккинчисидан фарқланмаса ва уларни амалга ошириш тартиби белгиланмаса, мазкур ижтимоий

муносабатларни бузганлик учун тегишли чоралар кўриш ҳуқуқий механизми ишлаб чиқилмаса, мазкур соҳада вуждга келадиган ижтимоий муносабатларнинг издан чиқиши табиий ҳолдир.

Шу сабабли, цивил ҳуқуқи назарияси ва фуқаролик қонунчилигида “ҳўжалик юритиш фаолияти”, “тадбиркорлик фаолияти” “савдо фаолияти” тушунчалари ўртасидаги ўзаро фарқли жиҳатларни аниқ белгилаб олиш мақсадга мувофиқдир.

В. Ф. Попондопуло “Тижорат қонунчилиги тушунчаси”, деб номланган мақоласида “Тижорат ҳуқуқи бу - тадбиркорлик соҳасида вуждга келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган фуқаролик ҳуқуқининг умумий ва махсус қисми нормалари йиғиндиси”, деб фикр билдиради ва бу билан тижорат фаолияти ва тадбиркорлик фаолияти тушунчаларини бир-бирига тенглаштириб юборади. [7, 8-бет.]

Мазкур терминлар ўзаро фаолиятни амалга ошириш жараёнида фаолиятни амалга оширадиган субъектлар, фаолият объекти ва мақсади нуқта-назардан бир биридан фарқ қилади.

“Хўжалик юритиш фаолияти” – махсулот ишлаб чиқариш ва харидорга етказиб бериш билан эмас, балки муайян ишларни бажариш, хизмат кўрсатиш, уларга кўмак бериш билан шуғулланади.

“Тадбиркорлик фаолияти” – савдо фаолияти сингари тегишли тартибда тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтган ҳолда, муайян товарни ишлаб чиқаришни олдига мақсад қилади. Ушбу фаолият билан шуғулланган субъект махсулот ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланади (базан истеъмолчига тўғридан тўғри сотади, баъзан савдо воситачилари орқали ҳаракат қилади.)

“Савдо фаолияти” – савдо соҳасида фаолият олиб бориш ҳуқуқига эга бўлган, расман тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган жисмоний ва юридик шахслар ҳисобланади. Савдо воситачилиги, савдо агенти ва дистрибютерлар шаклида амалга оширилиши мумкин. Объекти товарлар, ишлар хизматлар, пул қимматли қоғозлар, интеллектуал фаолият натижалари ва ахборотлар саналади. Тадбиркорлик фаолиятидан фарқи: махсулотни бевосита ўзи яратмайди, ишлаб чиқармайди балки тайёр махсулотни олиш ва сотиш билан шуғулланади.

Ташқи иқтисодий фаолият қуйидаги шаклларда намоён бўлади:

Ташқи савдо фаолияти: товарларни ва уларга бўлган ҳуқуқларни экспорт, импорт, реэкспорт (қайта экспорт) қилиш ва ўзгача усулда ўзаро товар алмашинувини назарда тутадиган бошқа турдаги тижорат операциялари (фаолияти).

Ташқи иқтисодий инвестициявий фаолият: Ўзбекистон Республикаси тадбиркорлик субъектларининг бошқа мамлакатлар иқтисодий тизимига ўз маблағларини киритиши (ишлаб чиқариш, молиявий ва интеллектуал фаолиятни экспорт қилиш); чет эл инвесторларининг Ўзбекистон Республикаси иқтисодига капитал киритиши; ишлаб чиқаришни кредитлаш ва молиялаштириш; Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижий мамлакатлар фонд биржаларида ва хорижлик фуқароларнинг мамлакатимиз фонд биржаларида иштирок этиши; концессия фаолияти; халқаро молиявий ижара (лизинг) фаолияти.

Халқаро хизмат кўрсатиш орқали амалга ошириладиган савдо муносабатлари: Ўзбекистон

Республикаси фуқароларининг чет эллик шериклар билан илмий-техникавий ҳамкорлиги.

Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солинишида оммавий ҳуқуқ тармоғи сифатида конституциявий ҳуқуқ ва кенг маънода маъмурий (солиқ, божхона, валюта муносабатлари) узвий боғлиқликни намоён этади. Сабаби, мазкур фаолиятни амалга оширишда давлатнинг ваколатли органлари, бошқармалари ва мансабдор шахслари ташқи иқтисодий фаолиятда иштирок этадиган субъектларнинг фаолиятларини мувофиқлаштирадиган, уларни йўналтириб турадиган ва фаолиятини назорат қилиб турадиган вазифаларни бажаради.

Ушбу боғлиқлик қуйидагиларда намоён бўлади:

Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш чоғида давлатнинг тегишли органлари фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга киришади. Мисол учун, ҳукуматлар ўртасидаги фуқаролик ҳуқуқий характерга эга бўлмаган шартномаларга асосланиб бир давлатнинг тадбиркорлик субъекти қурол ёки ҳарбий-техникавий махсулотларни етказиб бериш бўйича шартнома тузишлари мумкин. Бу ерда урғу тадбиркорлик субъекти томонидан (фуқаролик ҳуқуқий характерга эга бўлмаган аксинча) оммавий-ҳуқуқий характерга эга ҳукуматлараро шартномага мувофиқ фуқаролик ҳуқуқи объекти саналмайдиган ашёларни етказиб бериш мажбуриятини ўзига олишида намоён бўлади.

Оммавий-ҳуқуқий характердаги ваколатли органларнинг ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда ўрни шунда намоён бўладики, мазкур органлар ташқи иқтисодий фаолиятини амалга оширадиган ягона орган ҳисобланмасада, улар ушбу фаолиятни амалга оширувчи субъектлар фаолиятидаги бевосита ва билвосита таъсири (уларга лицензилар бериш; экспорт-импорт операцияларида квоталарни белгилаш; экспорт ва импортга йўналтирилган битимлар паспортига эга бўлиш ва хоказолар орқали) уларни бирламчи планга чиқиб олишларига сабаб бўлади.

Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишнинг келажакда тўлиқ ва кафолатланган шартлар асосида амалга оширилишида маъмурий-ҳуқуқий таъсир чоралари яна шунда сезиладики, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни ўзига акс эттирувчи ташқи иқтисодий битим предмети яъни товар аввало муайян мамлакатга божхона қоидаларига риоя қилинган ҳолда олиб кирилади. Бу тартибга амал қилмасдан туриб, тузилган ташқи иқтисодий битимдан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар ҳақида сўз юритиб бўлмайди. Шу сабабли, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширилишида оммавий-маъмурий талаблар бажарилган тақдирдагина бу битимнинг келажакдаги ҳуқуқий оқибатлар туғдириши мумкинлигига имкон яратилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ўзининг иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий соҳадаги интеграциялашувини ташқи иқтисодий ҳамкорликсиз амалга ошира олмайди. Нафақат ички иқтисодий барқарорликни таъминлаш, балки мамлакатнинг хорижий мамлакатлар билан ўзаро фойдали ҳамкорликни ўрнатилишида ташқи иқтисодий ҳамкорликка оид миллий қонунчилик нормаларини такомиллаштирмасдан туриб бу мақсадга эришиб бўлмайди.

Адабиётлар рўйхати:

1. “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги қонуни. Олий Мажлис Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 148-модда; «Халқ сўзи», 2000 й., 110-сон
2. Авдокушин Е. Ф. Международные экономические отношения: Учеб. пособие. – 4-е изд., перераб. и доп. – М.: ИВЦ “Маркетинг”, 1999. – С.4.
3. Федеральный закон от 14.04.1998 N 63-ФЗ (ред. от 08.12.2003) "О мерах по защите экономических интересов Российской Федерации при осуществлении внешней торговли товарами" (с изм. и доп., вступающими в силу с 16.12.2004)/
4. Красавчиков О.Л. Сфера обслуживания: гражданско-правовой аспект // Гражданское право и сфера обслуживания. Свердловск, 1984. – С. 26.
5. Кулагин М.И. Государственно-монополистический капитализм и юридическое лицо. – М., 1987. – С. 45.
6. Попондопуло В. Ф. Абсолютные (монопольные) права предпринимателя. – М.: Правоведение. 1994. – № 1. – С. 25.
7. Попондопуло В. Ф. Понятие коммерческого законодательства. // Правоведение. 1993. – № 1. – С. 17.

Н.Скрипников,кандидат юридического наук, доцент кафедры
«Экологическое и аграрное право» ТГЮУ**Э.Курбонов,**преподаватель кафедры
«Экологическое и аграрное право» ТГЮУ**ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ МЕЛИОРАЦИИ
ЗЕМЕЛЬ: СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ**

Аннотация: в статье раскрываются особенности правового регулирования мелиорации земель; в результате сравнительного анализа законодательства Узбекистана и ряда других государств дано определение понятию мелиорации земель; представлены позитивные результаты экономического и правового обеспечения мелиорации земель в нашей стране; сказано о правовых мерах по дальнейшему улучшению мелиоративного состояния орошаемых земель и рациональному использованию водных ресурсов; о целесообразности принятия Закона Республики Узбекистан “О мелиорации земель”.

Ключевые слова: мелиорация земель, виды мелиорации земель, правовое регулирование мелиорации земель, мелиорация земель в зарубежных странах.

Аннотация: мақолада ер мелиорациясини тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган; Ўзбекистон ва бошқа бир қатор давлатларнинг қонунчилигини қиёсий таҳлил қилиш натижасида ер мелиорацияси тушунчасига аниқлик киритилган; мамлакатимизда ер мелиорациясининг иқтисодий ва ҳуқуқий таъминлашнинг илғор натижалари кўрсатиб берилган; суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати ва сув ресурсларидан оқилонга фойдаланишни янада яхшилашга оид ҳуқуқий чоралар, Ўзбекистон Республикасида “Ер мелиорацияси тўғрисида”ги қонуни қабул қилиш мақсадга мувофиқлиги каби масалалар ўрганилган ва таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: ер мелиорацияси, ер мелиорацияси кўринишлари, ер мелиорациясини ҳуқуқий тартибга солиш, хорижий давлатларда ер мелиорацияси,

Annotation: the article reveals the peculiarities of the legal regulation of land reclamation; A comparative analysis of the legislation of Uzbekistan and other countries provides a definition of the concept of land reclamation; presented positive results of the economic and legal support of land development in the country; It said the legal measures for further improvement of irrigated lands and water resources management; the appropriateness of the adoption of the Law "On Land Reclamation".

Key words: land reclamation; types of land reclamation, regulation of land reclamation, land reclamation in foreign countries.

Мировой опыт в области мелиорации земель наглядно показывает, что в каждой стране это направление требует постоянного внимания со стороны государства, значительных объемов бюджетных и иных средств и правового урегулирования. Одним из наиболее важных вопросов в правовом регулировании отношений, связанных с мелиорацией земель, на наш взгляд, является наличие наиболее точного определения самого понятия «мелиорация земель». На сегодня

существует ряд определений этому понятию, изложенных в Википедии, законах о мелиорации земель Азербайджана, Белоруссии, России, Украины, в специальной литературе и научных исследованиях.

На наш взгляд, относительно точным является определение, приведенное в статье 2 Федерального закона Российской Федерации «О мелиорации земель» от 10 января 1996 года, с изменениями и дополнениями[1]. В нем сказано, что под мелиорацией земель понимают коренное улучшение земель путем проведения гидротехнических, культуротехнических, химических, противоэрозионных, агролесомелиоративных, агротехнических и других мелиоративных мероприятий[2]. В отличие от определения, изложенного в Законе Азербайджанской Республики, в Федеральном законе России дается определение понятию не вообще мелиорации, а именно, мелиорации земель.

Сравнительный анализ определений понятия «мелиорация земель» наглядно показывает, что во всех определениях, ключевыми словами являются «улучшение земель». В связи с этим возникает вопрос, в чем же тогда отличие мелиорации от обычных и повседневных агротехнических работ? Наиболее полный ответ на данный вопрос мы можем получить из двух источников: приведенной статьи 2 Федерального закона Российской Федерации «О мелиорации земель», законах других государств, в которых подчеркивается, что мелиорация земель это не просто их улучшение, а коренное улучшение, при наличии указанных и других мероприятий, а также из Википедии, где сказано, что мелиорация отличается от обычных агротехнических работ их длительностью и интенсивностью воздействия на объекты мелиорации[3]. Однако, анализ определения понятия «мелиорация земель», по нашему мнению, нуждается еще в некоторых уточнениях. Например, в приведенном выше определении, изложенном в статье 2 Федерального закона Российской Федерации «О мелиорации земель» перечислены шесть мероприятий, которые должны привести к коренному улучшению земель. Здесь же допускается оговорка о проведении «и других мелиоративных мероприятий». Но, на наш взгляд, наличие перечисленных и других мероприятий, могут привести к коренному улучшению земель, только при учете места проведения этих мероприятий, т.е. географических, а так же природно - климатических условий. Ведь разновидность мелиоративных мероприятий, связанных с коренным улучшением земель в Архангельской области будет коренным образом отличаться от разновидности мероприятий в Астраханской области, или Дагестане. Это на территории Российской Федерации. Но если это определение использовать в Узбекистане, то разновидность мелиоративных мероприятий для коренного улучшения земель, например, в Сырдарьинской области, будет существенно отличаться от разновидности мероприятий в Сурхандарьинской области или Каракалпакстане. Конечно, значительную роль при этом играют качество выполнения этих мероприятий и финансирование (затратность). Кроме того, если «мелиорация земель» отличается от обычных и повседневных агротехнических работ их длительностью и интенсивностью, то и в определении понятия «мелиорация земель» следует добавить эти слова. То есть, и наиболее удачное, на наш взгляд, определение, изложенное в статье 2 Федерального закона Российской Федерации «О мелиорации земель» также нуждается в уточнении и дополнении. Учитывая вышеизложен-

ные обоснования, можно дать следующее определение этому понятию. «Мелиорация земель это коренное улучшение земель путем длительного и интенсивного проведения гидротехнических, культуротехнических, химических, противоэрозионных, агролесомелиоративных, агротехнических и других мелиоративных мероприятий, с учетом географических и природно-климатических условий».

Экскурс в историю сельскохозяйственного производства в процессе развития человеческого общества наглядно демонстрирует, что возделывание земель с целью повышения урожайности, всегда было сопряжено с целым комплексом мероприятий по их улучшению. Если, к примеру, обратимся к земледелию империи Инков, где в своей основе на протяжении веков на этих землях применялось и применяется сейчас в Чили террасное оливное земледелие, то и там получали и получают высокие урожаи только за счет постоянного улучшения (мелиорации) земель. «Территории, где в основном происходило выращивание культур, выбирались тщательно: обычно это были склоны гор, на которых сооружались террасы. Каменные блоки, выполненные в несколько рядов, создавали полости, в которые засыпался дренаж, а сверху почва, приносимая вручную из других долин. Необходимость орошения почвы при имеющихся природных условиях компенсировалась тем, что сооружались каналы, отведенные от горных рек» [4, 418-стр.]. Как отмечается в литературе, деятельность инков, связанная с сельскохозяйственным производством, осуществлялась не стихийно, а подвергалась строгому управлению [4, 223-225, 253-стр.].

Приведенный пример развития мелиорации земель в империи Инков, по нашему мнению, в определенной степени перекликается с историей развития мелиорации земель в Центральной Азии и, в частности, на территории современного Узбекистана. В обоих случаях, развитие сельского хозяйства основывалось на ирригационном (поливном) земледелии. А ирригационное орошение, основанное на искусственном орошении с использованием ирригационных систем, занимало и занимает ведущее место среди мелиораций обрабатываемых земель [5]. Наиболее трудоемким является террасное земледелие, которое ведется на культивируемых полях, расположенных на нескольких уровнях холмов, предгорий, в виде широких ступеней. В Узбекистане, в целях развития садоводства, террасное земледелие применяется в Сурхандарьинской и других областях с гористой местностью, а это требует проведения дополнительных мелиоративных мероприятий.

Анализ законодательства, регулирующего отношения в области мелиорации земель и практики его применения обуславливает необходимость решения второго вопроса, связанного с классификацией мелиоративных мероприятий и юридически однозначного их толкования. Почти во всех законах, государств, законодательно урегулировавших эту сферу отношений, среди всех мелиоративных мероприятий, на первое место ставятся гидротехнические мероприятия. И это легко объяснимо, если под гидротехническими мероприятиями понимать регулирование водного режима переувлажненных либо засушливых земель (почв) посредством их осушения или орошения. В законах о мелиорации земель, принятых различными государствами, даются близкие по значению определения понятиям культуротехническим, агролесомелиоратив-

ным, химическим, противозерозионным, агротехническим и другим мелиоративным мероприятиям. Если обобщить и проанализировать все приводимые в законах мелиоративные мероприятия, то можно сделать вывод, что основное содержание мелиоративных мероприятий сводится к проектированию, строительству, эксплуатации и реконструкции мелиоративных систем и отдельно расположенных гидротехнических сооружений, а также работа по обводнению пастбищ, созданию систем защитных лесных насаждений, проведению работ по улучшению химических и физических свойств почв, научному и производственно-техническому обеспечению таких работ. Кроме того, грамотно осуществляемые мелиоративные мероприятия являются одним из существенных факторов интенсификации сельского хозяйства и создания благоприятных условий для высококорентабельного и конкурентоспособного сельскохозяйственного производства. В качестве наглядного примера коренного улучшения состояния земель можно привести опыт США, где применяется и взаимодействует государственная и добровольная охрана земель. Получив землю в наследство, собственники земли и землепользователи, считая необходимым сохранить ее и для своих детей, делают все возможное для ее улучшения, повышения плодородия, а государство в основном с помощью экономических средств, стимулирует внедрение таких мероприятий [6, 53-58-стр].

В мировой практике комплексная мелиорация земель является решающим условием стабильно высокого производства продукции. Например, доля мелиорированных земель достигает в Китае в пределах 44,4%, в Индии – 35,9%, в США – около 40%, в России – 7,9% от площади пашни [7]. В качестве сравнения, территория Республики Узбекистан занимает площадь, равную 44896,9 тыс. га, из них около 76% территории в системе широтных почвенно-климатических зон, относящихся к пустынной зоне. По данным Государственного комитета Республики Узбекистан по земельным ресурсам, геодезии, картографии и государственного кадастра по состоянию на 1 января 2012 года площадь используемых земель составляет 44410,3 тыс. га, из них 4315,7 тыс. га. орошаемых земель, что составляет 9,7% от общей площади земельного фонда [8, 82-84-стр.]. В целях реализации Государственной программы по мелиоративному улучшению и рациональному использованию водных ресурсов в 2013-2017 гг., в течение первого полугодия 2015 года за счет средств Фонда мелиоративного улучшения орошаемых земель освоено капитальных вложений на сумму порядка 85 млрд. сумов. (около 32 млн. долларов), в том числе на строительно-монтажные работы – 74 млрд. сумов (около 28 млн. долларов). С начала 2015 года завершены работы по строительству и реконструкции 564 км. коллекторов, 2 мелиоративных насосных станций, 34 скважин вертикального дренажа, 423 наблюдательных скважин, 7 гидротехнических сооружений и 119,7 км закрытой коллекторно-дренажной сети [9, 47-49-стр.]. То есть, в Республике Узбекистан, за последние семь лет, при затратах 1 триллион 627 миллиардов сумов (около 610 млн. долларов), улучшено мелиоративное состояние 2 миллионов 45 тысяч гектаров земли, что способствовало получению в 2015 году 7 миллионов 300 тысяч тонн зерна и более 3 миллионов 350 тысяч тонн хлопка.

Исходя из мирового опыта, следующим наиболее важным вопросом в правовом регулировании отноше-

ний, связанных с мелиорацией земель является законодательное обеспечение. Как уже было отмечено, сегодня, в ряде государств были приняты законы о мелиорации земель. Например: в Азербайджанской Республике Закон «О мелиорации и ирригации» от 5 июня 1996 г. №116-ІГ [10]; Федеральный закон России «О мелиорации земель» от 10 января 1996 г. N 4-ФЗ [11]; Закон Украины «О мелиорации земель» от 14 января 2000 года №1389-ХІV [12]; «Закон о мелиорации» Латвийской Республики от 11 декабря 2003 года [13]; Закон Республики Беларусь «О мелиорации земель» от 23 июля 2008 г. № 423-3 [14]. В данном контексте необходимо сказать и о Модельном Законе Межпарламентской Ассамблеи государств-участников СНГ «Об охране почв» от 31 октября 2007 года, в котором раскрываются особенности почв [15].

В Узбекистане на сегодня отсутствует закон, регулирующий отношения о мелиорации земель. Данная сфера отношений регулируется рядом законодательных и подзаконных актов [16].

В заключении можно сказать, что, несмотря на наличие в Узбекистане ряда нормативных правовых актов, регулирующих отношения в области мелиорации земель, наглядно демонстрирующих в этой сфере позитивные процессы, было бы целесообразным принятие Закона Республики Узбекистан «О мелиорации земель». Главным основанием для этого является объединение всех разрозненных норм в единый законодательный акт, включение в него всех недостающих норм для создания эффективного механизма в регулировании данной сферы отношений и придание ему статуса закона.

Список литературы:

1. <http://ohranatruda.ru>
2. www.faolex.fao.org.
3. <https://ru.wikipedia.org>.
4. Куприенко С.А. Источники XVI-XVII веков по истории инков: хроники, документы, письма / Под ред. С.А.Куприенко.– К., 2013. –С.418.
5. <https://ru.wikipedia.org>.
6. Кучер О. Особенности охраны земель в США/ О.Кучер//Землеустроительный вестник. 2008. – №1. –С.53-58
7. <http://waterf.ru>
8. Национальный доклад о состоянии окружающей среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан. Государственный комитет Республики Узбекистан по охране природы. – Ташкент: Chinor ENK, 2013. –С.82-84.
9. Экономика Узбекистана. Информационно-аналитический бюллетень за январь-июнь 2015 года. –С.47-49.
10. <http://www.fhn.gov.az>
11. pravo.gov.ru
12. zakon.rada.gov.ua
13. atvia.news-city.info
14. laws.newsby.org
15. <http://base.spinform.ru>
16. Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 1998 г., № 5-6, ст.82.

О.Д. Утегенов,

Қорақалпоқ давлат университети проректори,
ю.ф.н., доцент

ЖАМОАТ ЭКОЛОГИК НАЗОРАТИГА ОИД ҚОНУНЧИЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ ВА ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ

Аннотация: мақолада жамоат экологик назоратига оид қонунчиликнинг ривожланишининг учта босқичи тизимли таҳлил қилинган. Шунингдек, амалдаги экологик қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: жамоат назорати, жамоат экологик назорати, ривожланиш босқичлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқаро.

Аннотация: в статье системно анализируется три этапа развития законодательства в сфере общественного экологического контроля. Также разработаны предложения и рекомендации по совершенствованию актов экологического законодательства.

Ключевые слова: общественный контроль, общественный экологический контроль, этапы развития, органы самоуправления граждан, негосударственные некоммерческие организации, гражданин.

Annotation: in the article systematically analyzed three stages of development of legislation in sphere of public ecological control. Also recommendations on improving ecological acts of legislation are developed.

Key words: public control, public ecological control, development stages, self government bodies, nongovernmental organizations, citizen.

Мустақиллик йилларида Республикамизда босқичма-босқич табиий объектлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, фуқароларнинг қулай табиий атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлашни амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини яратишга қаратилган бир қатор меъёрий ҳужжатлар тизими ишлаб чиқилди.

Мамлакатимизда жамоат экологик назоратига оид қоидалар шаклланиш ва ривожланиш тарихини шартли равишда қуйидагича даврлаштиришимиз мумкин:

Биринчи босқич – 1991-2000 йиллар – жамоат назорати, шу жумладан, жамоат экологик назоратига оид муносабатларни тартибга солишнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари яратилди. Ушбу босқичда экология соҳасидаги аксарият қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, ушбу муносабатларни тартибга солувчи мустақам ҳуқуқий базис яратилди. Ушбу босқичда хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Ўрмон тўғрисида”ги, “Экологик экспертиза тўғрисида”ги, “Радиациявий хавфсизлик тўғрисида”ги қонунлари каби муҳим ва асосий экологик қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Шунингдек, “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги (15.02.1991 йил) ҳамда

“Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги (14.04.1999 йил) қонунларда ҳам жамоат назорати билан боғлиқ муҳим қоидалар ўз ифодасини топди.

Улар тизимида айниқса, мамлакатимиз асосий қонуни – **Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси** алоҳида аҳамиятга молик. Чунончи, унинг муқаддимасидаёқ, унга инсон ҳуқуқларига содиқлик, республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш ва шу каби бир қанча инсонпарварлик ғоялари сингдирилган. Асосий қонунимизда табиатдан оқилона фойдаланиш, фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қоидалар, табиий ресурслардан фойдаланиш шартлари ҳамда давлат органлари, корхона, муассаса, ташкилотлари ва жамоат ташкилотларининг экологик муносабатларни тартибга солишдаги ваколатлари белгиланган.

Жамоат экологик назорати билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солишда **Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни** асосий меъёрий ҳужжат ҳисобланади. Қонунда экологик назоратга махсус 7-боб бағишланган. Ундан ўрин олган 29-моддада экологик назоратнинг асосий 6 та вазифаси белгилаб берилган. Қонуннинг 31-моддасида эса, экологик назоратни амалга ошириш, экологик назорат субъектларининг ваколатларини рўёбга чиқариши муносабати билан юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши тўғрисидаги ҳаволаки норма белгиланган. Бундан ташқари, мазкур Қонунда экология талабаларига бағишланган нормалар мавжуд бўлиб, уларнинг асосий мақсади “атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, ундаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, зарarli таъсирларнинг олдини олиш, хўжалик фаолиятини атроф табиий муҳитга зарар етказмайдиган тарзда олиб боришни таъминлашга қаратилган.

Жамоат экологик назоратини ҳуқуқий таъминлашда 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган **Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси** ҳам муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси 84-моддасида ушбу соҳада жамоат назоратини амалга оширувчи субъектлар ва уларнинг ваколатлари икки гуруҳга бўлинган: 1) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари – улар ўз ваколатлари доирасида ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан жамоатчилик назоратини амалга оширадilar; 2) табиатни муҳофаза қилиш жамиятлари, илмий жамиятлар ва бошқа жамоат бирлашмалари, фуқаролар – улар ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширишда давлат органларига ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига кўмаклашадilar. Яъни, Ер кодексининг мазкур қоидаси ўз моҳият эътиборига кўра, иккинчи гуруҳ субъектларнинг ер соҳасида жамоат назоратини амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқларини чеклайди. Ваҳоланки, “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонунда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар экологик назорат субъектлари сифатида кўрсатилган (8-модда) ҳамда уларнинг жамоат экологик назоратини амалга ошириш билан боғлиқ ваколатлар доираси белгилаб берилган (16-17-моддалар). **Шу боис, жамоат экологик назоратига оид махсус қонун қабул қилинганини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси 84-моддасини ўзгартиришни таклиф қиламиз.**

Жамоат экологик назоратини амалга оширишни тартибга солишда 1993 йил 6 майда қабул қилинган **“Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонун** ҳам муҳим ҳуқуқий асос вазифасини бажаради. Ушбу қонуннинг асосий вазифаларидан бири сувга оид ҳуқуқларни ҳимоя қилишдан иборат. Ўзбекистон Республикасининг **“Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунининг 10-моддасида** айтилишича, сув истеъмолчилари уюшмалари, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз уставларига мувофиқ ҳамда фуқаролар сувлардан ва сув объектларидан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни амалга оширишда давлат органларига кўмаклашади. Давлат органлари бу тадбирларни ўтказишда сув истеъмолчилари уюшмалари, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг, шунингдек фуқароларнинг таклифларини ҳисобга олиши мумкин. Гувоҳи бўлганимиздек, мазкур ҳолатда ҳам фуқаролик жамияти институтлари жамоат экологик назорати субъекти сифатида мустақил ҳаракат қила олмайдилар, уларнинг ваколатлари фақатгина кўмаклашиш билан чекланган, улар ўз ташаббуслари билан жамоат экологик назоратини амалга ошира олмайдилар. Бундан ташқари ушбу модданинг амалдаги 2009 йилда ўзгартирилган таҳририда назорат тадбирларини ўтказишда сув истеъмолчилари уюшмалари, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг, шунингдек фуқароларнинг таклифлари давлат органлари томонидан **ҳисобга олиниши мумкинлиги** белгиланган. Бироқ, 2009 йилга қадар амалда бўлган таҳрирга назар ташлайдиган бўлсак, биз унда бу тадбирларни ўтказишда давлат органлари жамоат бирлашмалари, жамоалар ва фуқароларнинг таклифларини **ҳисобга оладилар**, деб қатъий қоида белгиланганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Яъни, бошқача айтганда, 2009 йилдаги сув соҳасидаги ислохотлар бу борадаги жамоат назорати субъектлари позициясини сезиларли даражада пасайтирди.

Жамоат экологик назоратини амалга оширишни таъминлаш ҳуқуқий асосларидан навбатдагиси 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг **“Хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги** ва **“Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги**, 1999 йил 15 апрелдаги **“Ўрмон тўғрисида”ги қонунларида** ҳам ўз аксини топган. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, **“Ўрмон тўғрисида”ги Қонуннинг ўрмонларни муҳофаза қилиш, кўриқлаш, улардан фойдаланиш ва уларни такрорий кўпайтириш устидан назоратга оид 12-моддасида** фақатгина давлат ва идоравий назорат ҳақида сўз боради, холос. Қонуннинг ушбу ва бошқа моддаларида жамоат назоратини мустаҳкамловчи қоидалар кўзда тутилмаган. **Шу боис, “Ўрмон тўғрисида”ги Қонуннинг 12-моддасида ушбу соҳада жамоат назоратини амалга ошириш ҳуқуқини тартибга солиш мақсадга мувофиқ.**

Жамоат экологик экспертизасига оид айрим муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг **“Экологик экспертиза тўғрисида”ги Қонуни** билан ҳам тартибга солинади. Таъкидлаш лозимки, жамоат экологик назоратини таъминлашда экологик экспертиза муҳим аҳамият касб этади [2]. Жамоатчиликнинг экологик экспертизани амалга оширишга бўлган ҳуқуқи А.Избасарова айтганидек, фуқароларнинг ахборот, шу жумладан, атроф муҳит ҳолати тўғрисида ахборот олишга бўлган ҳуқуқидан ҳам англашилади [3].

Иккинчи босқич – 2001-2009 йиллар – жамоат экологик назоратини амалга оширишнинг институциявий асослари мустаҳкамланди, экология соҳасида жамоат ва парламент назоратини амалга оширишни уйғунлаштириш, мувофиқлаштириш тизими жорий этилди, экология соҳасидаги қонун ҳужжатлари тизими такомиллаштирилди. Ушбу босқичда Ўзбекистон Республикасининг **“Чиқиндилар тўғрисида”ги**, **“Ер ости бойликлари тўғрисида”ги**, **“Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги қонунлари** ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Хусусан, жамоат экологик назоратини ҳуқуқий таъминлашда 2002 йил 13 декабрда қабул қилинган **“Ер ости бойликлари тўғрисида”ги Қонун** муҳим аҳамиятга эга. **“Ер ости бойликлари тўғрисида”ги Қонунда** жамоат назоратига оид қоидалар ўз аксини топмаган. Қонунда фақатгина давлат (8-модда), идоравий (34-модда) ва ишлаб чиқариш (50-модда) назорати билан боғлиқ моддалар мавжуд. **Бизнинг фикримизча, ҳозирги ижтимоий-сиёсий ва экологик реаллик ер қатъидан фойдаланиш соҳасида ҳам жамоатчилик назоратини жорий этишни тақозо этади. Шу мақсадда ушбу Қонунни тегишли модда билан тўлдириш мақсадга мувофиқ.**

Ушбу босқичда яна Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрдаги **“Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни** қабул қилинган бўлиб, у Қонунчилик палатасининг ўн беш депутати Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланишни белгилади ва шу билан экология соҳасида жамоат назорати билан бир қаторда парламент назоратини ҳам уйғун ҳолда амалга оширишдек ноёб ва ўзига хос механизмни яратди.

Учинчи босқич – 2010 йилдан ҳозирги вақтга қадар – Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”** эълон қилинди, жамоат экологик назоратининг яхлит консолидациялашган асослари яратилди, жамоат назорати институти конституциявий мақомга эга бўлди ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоат экологик назорати субъекти сифатидаги мақоми такомиллаштирилди.

Ушбу босқичда Ўзбекистон Республикасининг **“Экологик назорат тўғрисида”ги (27.12.2013 йил)** ва **“Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги (22.04.2013 йил)** қонунлар қабул қилинди. Шунингдек, **“Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонуни** лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ушбу даврда жамоат назорати ўз конституциявий асосларига эга бўлди. Яъни, 2014 йил 16 апрелда Конституциямизнинг бир қатор моддаларига, шу жумладан, 32-моддасига ҳам қўшимчалар киритилиб, унда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан давлат ва жамият ишларини бошқаришда бевосита иштирок этиш ҳуқуқи белгиланди. Конституциямизнинг ушбу моддасига биноан, давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тартиби қонун билан белгиланади [1].

Албатта, ушбу конституциявий қоида жамоат экологик назорати учун ҳам муҳим ҳуқуқий асосларни яратди ва уларнинг янада ривожланиши учун шарт-шароит ҳозирлади.

Мазкур босқичдаги энг сўнги ва муҳим янгилеклардан бири бу Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан экологик назорат, шу жумладан жамоат экологик назоратига оид “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонун нормаларини амалга оширишга қаратилган қарорлари қабул қилинганлигини қайд этиш мақсадга мувофиқ. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 8 октябрдаги 286-сонли “Экологик назорат соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори асосида “Идоравий экологик назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги, “Ишлаб чиқариш экологик назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги, “Экологик хизмат тўғрисида”ги намунавий низомлар ва “Экологик аудит тўғрисида”ги низом тасдиқланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 8 октябрдаги 287-сонли “Жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишга доир намунавий низомларни тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори билан “Жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги ҳамда “Экологик назоратнинг жамоатчи инспектори тўғрисида”ги намунавий низомлар тасдиқланди.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги қонун ҳужжатларида жамоат экологик назоратини амалга оширишга оид умумий тусдаги қоидалар белгиланган бўлиб, ҳаракатдаги қонунчилигимизда жамоат экологик назоратини амалга ошириш юридик механизмини белгилаб берувчи нормалар мавжуд эмас. Шу боис, бу борада жамоат экологик назоратини амалга ошириш тартиби ва шартларини аниқ белгилаб берувчи алоҳида қонунчилик ҳужжати ишлаб чиқиш ва қабул қилиш лозим.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – Б.13.
2. Усова Е.В. Общественная экологическая экспертиза как одна из форм реализации демократических прав граждан // Правовые, социальные и политические проблемы современной России: теория и практика: сборник научных статей. - Астрахань: Изд-во Астрахан. гос. ун-та, ИД "Астраханский университет", 2011. –С. 209.
3. Избасарова А. Правовые проблемы охраны окружающей среды от радиационного загрязнения на примере Республики Казахстан, Российской Федерации и Соединенных Штатов Америки: Дис. ... доктора философии (PhD). 6D030100-Юриспруденция. – Алматы, 2014. – С. 97.

М.Нурматов,

ТДЮУ катта илмий ходим-изланувчиси,
ю.ф.н, доцент

ЕР УЧУН ҲАҚ ТўЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аннотация: мақолада ер учун ҳақ тўлашга оид Ўзбекистон ва хорижий давлатларнинг ер, солиқ, фуқаролик қонунчилиги таҳлил этилган. Ўрганишлар натижасида Ўзбекистон Республикаси ер қонунчилигини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: ер, ҳақ тўлаш, ер солиғи, ижара, мулк, иқтисодий механизм.

Аннотация: в статье проанализировано земельное, налоговое, гражданское законодательство Республики Узбекистан и зарубежных стран в сфере платы за землю. На основе изучения выработаны приоритетные направления совершенствования земельного законодательства Республики Узбекистан.

Ключевые слова: земля, плата, земельный налог, аренда, собственность, экономический механизм.

Аннотация: in article land, tax, civil legislation of Republic Uzbekistan and foreign countries in sphere of payment for the land is studied. On the basis of studying priority directions of developing land legislation of the Republic of Uzbekistan are developed.

Key words: land, payment, land tax, rent, property, economic mechanism.

Сайёралар кўп. Бироқ фақат Ерда ҳаёт бор. Сиз-у бизнинг фаолиятимиз айнан унда кечади. Яшашимиз, ҳаракатимиз бир сўз билан айтганда тирикчилигимиз курраи замин билан боғлиқ. Аксар эҳтиёжларимизни қондиргувчи ҳам Ер. Шу боис инсон азалдан ерга меҳр берган: юмшатган, суғорган, уруғ қадаб, имкон қадар обод қилишга интиланган. Аммо бу интилишларнинг замирида асли ер учун эмас, ер орқали ўзи учун келадиган манфаатлар туриши гоҳида кишини ўйлантириб қўяди... Қизиғи, она заминнинг бағри кенг: экканингни ундиради, қазиган жойингдан сув чиқаради, ташланган чиқиндини “индамайин бағрига сингдиради”. Эҳтимол шунинг учун ҳам Ерга “она” деган сўфатлашга қўшишар?! Сайёраимизни “Она Ер” деб атадикми, демак уни ардоқлашимиз, уни кўз қорачиғимиздек асрашимиз лозим. Зотан, Ер табиий тизимдаги энг асосий бойлик ҳисобланади. Курраи заминдаги барча тирик мавжудотнинг яшаши ва фаолияти бевосита ер билан чамбарчас боғлиқдир.

Шунингдек, ер саноат, турар-жой объектларини жойлаштиришда базис, қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишда асосий восита ролини ўйнайди. Шу сабабдан, ер бойликларидан фойдаланишни илм-фан тавсиялари асосида тўғри ташкил этиш, уни тўғри тақсимлаш, ер унумдорлигини доимо ошириб бориш, ундан оқилона фойдаланиш, уни муҳофаза қилиш жамият тараққиёти ва барқарор ривожланиши, фуқароларнинг фаровон ҳаёт тарзини ва мамлакат бугуни ва келажаги барқарорлигини таъминлашда ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек, “Марказий Осиё шароитида ер Аллоҳ таолонинг бебаҳо инъомидир. У том маънода одамларни боқади, кийинтиради. Бевосита деҳқончилик билан боғланган

оилаларнигина эмас, балки маълум бир тарзда қишлоқ хўжалиги билан алоқадор барча тармоқлар ва унинг неъматларидан баҳраманд бўлаётган республиканинг барча аҳолиси фаровон турмуш кечириши учун моддий негиз яратади. Айни вақтда ер улкан бойлик бўлибгина қолмай, мамлакатнинг келажagini белгилаб берадиган омил ҳамдир. Бу ҳол Ўзбекистонда айниқса яққол намоён бўлмоқда, чунки ернинг иқтисодий ва демографик вазифаси йилдан-йилга кучайиб бормоқда” [1].

Зеро, ҳар бир давлатда ер бойлиги ва унга боғлиқ муносабатлар барча ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий воқеликларнинг марказида турувчи масаладир. Янгидан барпо этилаётган жамият ўзининг иқтисодий ривожини дастлаб ерга нисбатан муносабатни ўрнатишдан бошлайди.

2015 йил 1 январ ҳолатига Ўзбекистон Республикасининг маъмурий чегарасидаги умумий ер майдони 44896,9 минг гектарни ташкил қилади. Республика бўйича қорхона, ташкилот, муассасалар, фермер хўжаликлари ва фуқароларнинг фойдаланишидаги жами ерлар 44892,4 минг гектарни, шундан суғориладиган ерлар эса 4308,1 минг гектарни ёки умумий ер майдонининг 9,6 фоизини ташкил қилади. [2] Ушбу ерлардан оқилона ва иқтисодий самарали фойдаланишни таъминлаш эса, давлатнинг ер соҳасидаги сиёсатининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Мазкур жараёнда, ўз навбатида иқтисодий-ҳуқуқий механизм алоҳида аҳамият касб этади.

Шу маънода, ер учун ҳақ тўлашга оид масалалар Ўзбекистон Республикасининг Ер, Солиқ, Фуқаролик кодекслари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 24 ноябрдаги ПФ-1009-сон “Ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 ноябрдаги 575-сон “Ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги, 1995 йил 11 апрелдаги 126-сон “Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини улар жойлашган ер майдонлари билан биргаликда ҳамда ер майдонларини мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш учун хусусий мулк сифатида реализация қилиш тартиби тўғрисида”ги, 2014 йил 4 декабрдаги ПҚ-2270-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги қарорлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланган.

Хусусан, Ер кодексига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида ердан фойдаланганлик учун ҳақ тўланади. Бунда Ер кодекси ер учун ҳақ тўлаш шакли сифатида ҳар йили тўланадиган ер солиғи ҳамда ижарага берилган ер участкаларига нисбатан ижара ҳақини белгилайди. Ер учун ҳақ миқдори ер участкасининг сифатига, жойлашишига ва сув билан таъминланиш даражасига қараб белгиланади. Ер солиғининг ставкалари, уни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби Солиқ кодексининг XII бўлимида белгиланган бўлиб, унга асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 декабрдаги ПҚ-2270-сон Қарори билан юридик ва жисмоний шахслардан олиннадиган ер солиғи ставкалари, ягона ер солиғи ставкаси тасдиқланган.

Бу борада хорижий мамлакатларда ер солиғи турларини ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Масалан, Германияда ер солиғи юридик ва жисмоний шахслар мулкидаги ер участкаларидан ундирилади. Солиқ ундириш маҳаллий бошқарув органлари

томонидан амалга оширилади. Солиқ ставкаси икки қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисми марказлаштирилган тартибда белгиланса, бошқаси маҳаллий бошқарув органи бюджетига қўшимча сифатида белгиланади. Марказлашган ставка миқдори ердан фойдаланувчилар ҳуқуқий ҳолатига қараб, дифференциациялашган, яъни, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги қорхоналари учун (А тур) ҳамда уларнинг мансублигидан қатъий назар, ер участкалари (В тур) учун ставкалардан иборат. Давлат бюджетидан молиялаштирилладиган муассасалар, черковлар, нотижорат ташкилотлар, шунингдек, илмий ва жамоат мақсадлари учун ишлатилаётган ер участкалари солиқдан озод этилади. Солиқ ҳажми ер қиймати ва ставка миқдorigа боғлиқ. Жумладан, А тур солиқ бўйича ставка 0,246%ни, В тур солиқ бўйича эса, 0,423%ни ташкил қилади.

Францияда эса, маҳаллий солиққа тортишни маҳаллий ҳокимият органлари эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, шунингдек, марказсизлаштириш давлат дастурига асосан, кўпайтириш тенденцияси кузатишмоқда. Ер солиғи кўчмас мулкнинг барча турлари – бино, иншоот, резервуар, маёқлар ва шу қабилилар, шунингдек, саноат ёки тижоратда фойдаланиш учун мўлжалланган ер участкаларини қамраб олади. Солиқ ҳажми ер участкаси кадастр баҳосининг ярмига тенг. Ушбу солиқ туридан давлат мулкидаги ерлар, бинолар, қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлар, шунингдек, 75 ёшдан ошган жисмоний шахслар ҳамда жамоат фондларидан махсус нафақа олувчи ёхуд ногиронлигига кўра, нафақа олувчилар озод этиладилар.

Шунингдек, Нидерландия, Канада, Дания, Чехия каби давлатларда кўчмас мулк солиғи таркибида ундирилади [3]. Жумладан, Нидерландия кўчмас мулкни, шу жумладан, ерни солиққа тортиш мақсадида баҳолаш муниципал даражага берилган Европанинг ягона мамлакати ҳисобланади. Кўчмас мулк объектларини қайта баҳолаш ҳар тўрт йилда амалга оширилади. Солиққа тортиш субъектлари – кўчмас мулк мулкдорлари ва фойдаланувчилари – турли ставкалар бўйича солиққа тортиладилар. Яъни, ер мулкдорлари учун солиқ ставкаси 3,5%, фойдаланувчилар учун эса, 2,8% миқдorida белгиланган. Бундан ташқари, муниципалитетлар ҳар йили мол-мулк баҳоси солиқ тарифларини ҳам белгилайдилар. Сув остидаги ерлар солиқдан озод этилган.

Канадада эса, ягона кўчмас мулк солиғи барча провинцияларда ундирилади. Ставкалар мулкнинг ва маъмурий-ҳудудий бирлик турига қараб фарқланади. Маҳаллий ҳокимият солиқ ставкасини бюджет харажатлари ва солиққа тортиш базаси ҳажмидан келиб чиқиб режалаштирилади.

Данияда эса, кўчмас мулк солиғи мол-мулк мулкдоридан ундирилади. Шунингдек солиққа тортиш базаси мавжуд бўлиб, ер қиймати ҳисобланади. Тижорат мақсадларида ишлатиладиган кўчмас мулк солиғи учун солиққа тортиш базаси бўлиб, бинонинг нархи ҳисобланади. Муниципал солиқ ставкаси 0,6%дан 2,4%гачани ташкил қилади. Округ солиқ ставкаси эса, 1%дан иборат.

Швецияда ҳам мустақил ер солиғи йўқ, у мол-мулк солиғи таркибида ундирилади. Бунда солиқ юки мол-мулк қийматига қараб ўсиб боради: 400 минг кронга қадар мол-мулкка эга бўлган ер мулкдори солиқдан озод этилади, 400 дан 600 минггача бўлганлар 2%, 600 дан 800 минггача бўлганлар 4%, 800 мингдан 2 млн.га

қадарлар 6%, 2 млн.дан ортиқ мулк 8%ни ташкил қилди. Кўчмас мол-мулк қиймати ҳар беш йилда бир мартаба аниқланади ва бунда бозор нархининг 75% асос қилиб олинади.

Испанияда ҳам ер солиғи кўчмас мулк солиғи таркибига киритилган бўлиб, маҳаллий бюджетга келиб тушади. Бунда солиққа тортиш базаси бўлиб, кўчма мулк объектининг кадастр баҳоси ҳисобланади. Ставкалар муниципалитетларга қараб 0,3-1,22% атрофида дифференциацияланади. Ер участкаси иккиламчи ижарага берилганда, ер участкасининг ошиб бориш қиймати солиғи ундирилади (у ҳам кўчмас мулк солиғи таркибига киради).

АҚШда ҳам ер солиғи кўчмас мулк солиғи таркибига киритилган бўлиб, маҳаллий ҳокимият органлари фойдасига ундирилиб, ер участкаси ва биноларнинг бозор қиймати асосида ҳисоблаб чиқилади. Солиқ у ёки бу мулкка эга бўлган юридик ва жисмоний шахслардан йилига бир мартаба ундирилади. Солиққа тортиш базасига кирувчи мол-мулк турлари қонунчиликда қатъий таснифланган. Унда икки асосий гуруҳ ажратилади: кўчмас мулк ва шахсий мулк. Кўчмас мулкка ер, уни яхшилаш мақсадида ўрнатилган иншоот ва кўчмас қурилмалар, шу жумладан, бинолар киради. Таъкидлаш лозимки, ушбу объектлардан ундириладиган солиқ маҳаллий солиқ даромадларининг 80% атрофини ташкил қилади [4].

Кўчмас мулкни солиққа тортиш базаси бўлиб, объектнинг бозор қиймати олинади. Аксарият штатларда солиққа тортиш базаси бозор қийматининг маълум қисмидан олинади. Уртача турар жойларни солиққа тортишда уларнинг бозор нархининг 35%, фойдаланилмаётган, қуриб битирилмаган ерлар эса, улар бозор нархининг 24%идан белгиланади. Жанубий Каролинада эса, у бозор нархининг 4%га қадар етади [5].

Юқоридагилар ва хорижий тажрибадан келиб чиқиб, шунингдек, миллий ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш асосида ер учун ҳақ тўлашга оид Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси нормаларини такомиллаштиришнинг қуйидаги устувор йўналишларини ажратиб кўрсатишимиз мумкин:

Биринчидан, гарчанд, Ер кодексининг 19-моддасида ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи субъекти сифатида бевосита “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари” кўрсатилган бўлсада, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2012 йил 13 январда 2314-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат кўмитасининг 2011 йил 9 декабрдаги 01/09-18/13-сон қарори билан тасдиқланган “Якка тартибда уй-жой қуриш (деҳқон хўжалигини юритиш) учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича очиқ аукцион савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомда якка тартибда уй-жой қуриш (деҳқон хўжалигини юритиш) учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича очиқ аукцион савдоларида Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан ташқари, хорижий юридик ва жисмоний шахслар – дипломатик корпус ходимлари, Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган матбуот вакиллари, доимий ваколатхоналар, фирмалар, компаниялар ва халқаро ташкилотлар ходимлари, қўшма корхоналарда доимий асосда ишловчи шахслар, шунингдек республикада доимий яшайдиган

ва яшаш гувоҳномасига эга бўлган шахслар қатнашишга ҳақли эканлиги белгиланган. Гувоҳи бўлганимиздек, ушбу ҳолатда Ер кодекси 19-моддаси ва юқоридаги низом ўртасида жиддий тафовут мавжуд. Бизнингча, мазкур ҳолатда Ер кодекси қондаси қўлланилиши ҳам ҳуқуқий, ҳам ижтимоий-сиёсий нуқтаи назардан тўғри бўларди. Чунки, биринчидан, 2012 йил 24 декабрдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги янги тахрирдаги Қонуннинг 16-моддасига мувофиқ, норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўзига нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ бўлиши шарт. Шунга кўра, юқоридаги Низом Ер кодекси 19-моддаси талабидан келиб чиқиб ўзгартирилиши лозим. Иккинчидан, Ер кодексининг ушбу моддаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида белгиланган ернинг умуммиллий бойлик эканлиги талабидан келиб чиққан ҳолда, унга нисбатан мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини фақатгина Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун кўзда тутати. Шу боис ҳам мазкур ҳолатга нисбатан Ер кодексида белгиланган қоида тўғри ҳисобланади.

Иккинчидан, ҳозирги конституциявий ислохотлар давлат қурилиши ва бошқарувида парламент ролини кучайтиришга қаратилаётганлигини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддаси 9-бандидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш бўйича ваколатини тўлақонли амалга оширишни таъминлаш мақсадида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларини белгилаш ҳамда ўзгартириш ҳуқуқини Олий Мажлисга ўтказиш мақсадга мувофиқ. Бунда Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонун (Янги тахрири) 14-моддасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларини белгилаш ҳамда ўзгартириш тўғрисидаги таклифни Олий Мажлисга киритишини белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, Ер кодексининг 17, 20, 33-моддалари мазмунидан келиб чиқиб, ер участкаларига муддатли (вақтинча) эгалик қилиш ҳуқуқи турининг ҳуқуқий ҳолати мунозарали бўлиб қолаётганлиги тўғрисида тўхтамга келишимиз мумкин. Хусусан, Ер кодекси 17-моддасида ушбу ҳуқуқ турини умуман кўзда тутилмаган (унда доимий эгалик қилиш ҳуқуқи кўзда тутилган). Аксинча, Ер кодекси 20-моддасида эса, “ер участкаларига доимий ва муддатли (вақтинча) эгалик қилиш” тушунчаси қўлланилмоқда ва унинг мазмунида ер участкалари юридик ва жисмоний шахсларга “муддатли (вақтинча) эгалик қилишга” берилиши мумкинлиги мустаҳкамланган; бироқ, кейинги ўринларда сўз фақатгина “доимий эгалик қилиш” тўғрисида боради. Шунингдек, Ер кодекси 33-моддасида ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар рўйхатида “ер участкаларига муддатли (вақтинча) эгалик қилиш ҳуқуқи”ни тасдиқловчи ҳужжат тури кўзда тутилмаган. Ер кодекси 17 ва 33-моддаларидан, шунингдек, ер беришга оид ҳуқуқни қўллаш амалиётидан келиб чиқиб, Ер кодекси 20-моддасидаги “ер участкаларига муддатли (вақтинча) эгалик қилиш ҳуқуқи”ни чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқ. Ўрганилган давлатлар, шу жумладан, МДҲ давлатлари ва Болтиқбўйи мамлакатлари қонун ҳужжатлари (Ер ва Фуқаролик кодекслари) ушбу

давлатларда ер участкаларига муддатли (вақтинча) эгалик қилиш ҳуқуқи тури мавжуд эмаслигини кўрсатмоқда.

Тўртинчидан, Ер кодекси 28-моддасига ер участкалари юридик ва жисмоний шахсларга мулк этиб сотилганда ер участкасининг ҳақиқий баҳосидан ўн фоиз миқдорида тегишли табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари ҳисобига ўтказилиб, ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ чора-тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилиши тўғрисидаги қондан мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ. Бундай амалиёт бир қатор Ғарб давлатларида ернинг фуқаровий муомаласидан тушган даромадларнинг бир қисмини табиатни муҳофаза қилиш мақсадлари учун йўналтириш амалиёти жорий этилган бўлиб, бундай давлатлар сирасига Австрия, Бельгия, Швейцария ва бошқаларни киритишимиз мумкин. Масалан, Австрияда 1989 йилда махсус “Ифлосланган ер участкаларини тозалаш тўғрисида”ги қонун қабул қилинган бўлиб, у тозалаш бўйича чора-тадбирларни молиялаштиришни кўзда тутди. Швейцарияда эса, 1983 йилда қабул қилинган “Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун ҳамда 1998 йил августдаги ҳукумат қарори билан юқоридаги тартиб жорий этилган. Ушбу қонун ҳам ер ресурсларини қайта тикловчи чора-тадбирларни молиялаштиришни юқоридагича тартибини кўзда тутди.

Бешинчидан, Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси 36-моддаси 9-бандига кўра, ер участкасига бўлган ҳуқуқ қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ер солиғи, шунингдек ижарага олиш шартномасида белгиланган муддатларда ижара ҳақи мунтазам тўланмай келинганда бекор қилинади. Бизнингча, ушбу банддаги “мунтазам” сўзи аниқ муддатларни билдирмай, қандайдир мавҳумликни келтириб чиқаради. Агарда ушбу модданинг юқорида тилга олинган бандида кўзда тутилган “мунтазам муддат”га тушунча берилиб, у аниқ қанча вақтни ва неча маротаба тўланмай келиниши ўзининг ифодасини топган бўлиши лозим. Бу эса, солиқларнинг ўз вақтида тўланишини ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни сақлаб қолишининг гарови ҳисобланади. Шу мақсадда, бизнингча, Ер кодекси 36-моддаси 9-бандини тегишли таҳрирда ўзгартириш мақсадга мувофиқ. Ушбу тажриба Беларусь Республикаси Ер кодексининг 60-моддасида ҳам кўзда тутилган. Унга кўра, ер солиғини икки солиқ йили давомида тўламаслик ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бекор бўлишига асос бўлади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида: Т. 6. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1998. – Б. 111.
2. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий ҳисобот. Бош муҳаррир: С.А.Арабов. – Тошкент: “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси, 2015. – Б.88.
3. Карсанов Б.С. Особенности государственного регулирования земельных отношений в зарубежных странах // Мировая экономика и международные экономические отношения. – 2014. – №5(114). – С.146-149.
4. Кундиус В.А., Иванова Ю.Н. Земельное налогообложение США и стран ЕС // Вестник Алтайского государственного аграрного университета. 2008. – №11(49). – С.58-61.
5. www.financekind.ru